ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

# АХБОРОТНОМАСИ

№4 (60) 2024

Et docere et discere servitute legis

# 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ




МАХСУС СОН

СПЕЦВЫПУСК

SPECIAL ISSUE

www.proacademy.uz

ISSN 2181-9564

ЖУРНАЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ 2013 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ 201/3 - СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

# АХБОРОТНОМАСИ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ, ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ НАШР

## МУНДАРИЖА

| | | |
|---|---|---|
| **Б.ИСЛАМОВ** | Ўзбекистоннинг янги Конституциясида суд ҳокимиятининг ўрни | **3** |
| **С.САМАДОВ** | Прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятининг конституциявий асослари | **10** |
| **Е.КОЛЕНКО, Г.МУСАЕВ** | Развитие цифровой криминалистики в Узбекистане: новые горизонты и перспективы | **14** |
| **М.МАМАСИДДИҚОВ** | Ҳар бир шахснинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари | **20** |
| **Б.ПЎЛАТОВ, Р.ҚЎШМАКОВ** | Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асослари | **24** |
| **М.ТИЛЛАБОЕВ** | Янги Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлик | **28** |
| **С.КАРИМОВ** | Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари таҳлили | **32** |
| **Г.МАЛИКОВА** | Ad impossibilia lex non cogit или закон не требует невозможного | **38** |
| **З.ЭСАНОВА** | Янги Ўзбекистон Конституцияси: ислоҳотлар шарҳи | **42** |
| **Д.ДОВУДОВА** | Конституцияда мустаҳкамланган прокурор вазифасининг қонун устуворлигини таъминлашдаги ўрни | **45** |
| **Б.ТОШЕВ** | Конституция давлатнинг сиёсий паспорти, инсон ҳуқуқларининг кафолатидир | **54** |
| **Ш.ШАЙЗАКОВ** | Фуқаролик суд ҳужжатларини апелляция инстанциясида қайта кўриш институтининг конституциявий асослари | **56** |
| **Н.АЗИЗОВ, Д.ИБРАГИМОВ** | Конституция ва қонунларнинг устунлиги жамият тараққиётининг муҳим гаровидир | **63** |
| **Ғ.ШОДИЕВ** | Конституция — шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати | **67** |
| **Т.КЕНЖАЕВ** | Обновленная Конституция Республики Узбекистан: основные изменения | **70** |
| **Г.ХУДАЙБЕРДИЕВА** | Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари | **73** |
| **Ф.БОБОМУРОДОВ** | Конституция – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида тезкор-қидирув фаолияти иштирокчилари вазифаларини бажаришда асосий ҳуқуқий манба | **77** |
| **Б.БАХРОМБЕКОВ** | Государственный обвинитель как конституционный гарант обеспечения потерпевшим защиты и доступа к правосудию | **84** |
| **М.ХАСАНОВ** | Коррупцияга қарши курашишда Конституциянинг ўрни ва меҳнат органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ўзига хос жиҳатлари | **89** |

**МУАССИС:**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**Бош муҳаррир:**
Евгений Коленко

**Масъул котиб:**
Давурхон Нодиров

**Таҳрир кенгаши:**
Ниғматилла Йўлдошев
Бахриддин Валиев
Эркин Юлдашев
Дилшод Рахимов
Миракбар Раҳмонқулов
Акмал Саидов
Рахим Хакимов
Патрик Олссон
Ичихаши Кацуя

**Таҳрир ҳайъати:**
Ҳалим Болтаев
Бахтиёр Пўлатов
Фахри Рахимов
Музаффаржон Мамасиддиқов
Уйғун Нигмаджанов
Жаҳонгир Максумов
Ваҳобжон Каримов
Гулчеҳра Маликова
Баходир Исмаилов
Матлуба Аминжонова
Авазбек Комилов
Адхам Одинаев
Бахтиёр Каюмов
Мухтарам Раджапова
Хуршид Каримов
Носиржон Аскаров
Алишер Ҳидоятуллаев
Истам Астанов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олиниб, 2023 йил 25 мартда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

**Манзил:**
100190, Тошкент шаҳри,
Рихсилий кўчаси 9-уй
**veb-site:** www.proacademy.uz
**e-mail:** info@ proacademy.uz

Саҳифаловчи:
**А.ЯМШИКОВ**
Буюртма №278-23 Адади 613
Журнал **«Credo Print»** МЧЖ китоб фабрикасида чоп этилди.
**Босмахона манзили:**
Тошкент ш., Боғишамол кўчаси 160-уй
Тел.: 71 234-44-01/05. www.credoprint.uz

**Бахтияр ИСЛАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг янгиланган Конституция асосида тутган ўрни, унинг мустақиллиги ва аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли ҳақида сўз юритилади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, янги Конституцияда белгиланган суд ҳокимиятининг мустақиллик тамойиллари, судларнинг жамиятдаги адолатни таъминлашдаги муҳим вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва замонавий технологияларни жорий этиш орқали одил судлов самарадорлиги оширилгани ҳақида маълумот берилган. Мақолада суд ҳокимиятининг келажакдаги вазифалари ҳамда мамлакатда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишдаги ҳиссаси таҳлил қилинади.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье рассматривается роль судебной власти в Узбекистане на основе обновлённой Конституции, её независимость и роль в защите прав и свобод населения. Особое внимание уделяется реформам в области судопроизводства, проводимым президентом Шавкатом Мирзиёевым, а также принципам независимости судебной власти, закреплённым в новой Конституции, и важной роли судов в обеспечении справедливости в обществе. Также даётся информация о повышении эффективности правосудия через внедрение открытости, прозрачности и современных технологий в деятельность судов. В статье анализируются будущие задачи судебной власти и её вклад в построение правового и демократического государства.*

***ABSTRACT.*** *The article examines the role of the judiciary in Uzbekistan based on the updated Constitution, its independence, and its role in protecting the rights and freedoms of citizens. Special attention is given to the judicial reforms led by President Shavkat Mirziyoyev, the principles of judicial independence enshrined in the new Constitution, and the judiciary's crucial role in ensuring justice in society. Information is also provided on how judicial effectiveness has been enhanced through transparency, openness, and the integration of modern technologies. The article analyzes the future tasks of the judiciary and its contribution to building a lawful and democratic state.*

***Калит сўзлар:*** *Конституция, суд ҳокимияти, суд мустақиллиги, суд ислоҳотлари, адолат, одил судлов, қонун устуворлиги.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, судебная власть, независимость суда, судебные реформы, справедливость, правосудие, верховенство закона.*

***Key words:*** *Constitution, judiciary, judicial independence, judicial reforms, justice, rule of law, fair trial.*

*«Асосий мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат қўрғони”га айлантиришдан иборатдир».*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида 2017 йилдан бошлаб миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун кенг кўламли ислоҳотлар асосида халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёни барча жабҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам шиддат билан амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Ҳеч кимга сир эмас, юртимизда амалга ошириб келинаётган мазкур ишларнинг замирида мамлакатимизнинг Асосий қонуни – **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси турибди ва барча соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб бериш учун** қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг дастури бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Зеро, Конституциямиз нормаларида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилиниши, биророрта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг

принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган[1].

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдуми орқали аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлат барпо этиш мақсадида, ўзларининг хоҳиш-иродаларини намоён этган ҳолда миллий анъаналаримиз, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси[2] қабул қилинди. Конституция Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, жонажон юртимизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олиниши[3] белгиланган.

Конституциямизда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги ҳақидаги норма мавжуд[4].

Мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси энг аввало республика судлари зиммасига юклатилган бўлиб, янги Конституциянинг “Суд ҳокимияти” деб номланган XXIII бобининг 11 та моддасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг қарорлари барча учун мажбурийлиги, судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлиги, судьянинг муайян ишни кўришдаги ваколатлари ҳамда судлар фаолиятини молиялаштириш каби 30 та норма мустаҳкамланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасининг самарадорлигини оширишга, айниқса, республикамиздаги суд ҳокимияти аъзоларининг мустақиллигини таъминлашга, уларнинг моддий-техник базаларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган байрам тантанасида[5] Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни бу улуғ айём билан табриклаб, ўз нутқида *“Барча ислоҳотларнинг руҳи ва мазмунига **“Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун!”** деган эзгу ғоя чуқур кириб бораётганлиги, Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий эътибор бешта устувор йўналишга қаратилаётганлиги, булар, аввало, сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш, бизнесни ривожлантириш, коррупциядан холи, **адолатли суд тизимини яратиш**, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлашдан иборат”* эканлигини, шунингдек, Президентимиз яна бир нутқида[6] ***“...суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.** Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. **Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислоҳотларимизни албатта давом эттирамиз”***, деб таъкидлаган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий тамойилга қатъий риоя этилган ҳолда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида охирги йилларда амалга оширилган ишларнинг салмоғи бекиёс. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида суд ислоҳотлари алоҳида ўрин тутади.

Агар ислоҳотлардан аввал ўтган йилларга назар солсак, оддий фуқаро давлат идорасининг раҳбари (ҳоким, вазир ва бошқа идора раҳбарлари) тугул, бирон-бир суд идораси судьясининг олдига яқинлаша олмасди. Судга мурожаат қилган фуқарога **“низо пайдо бўлишига унинг ўзи айбдор”**дек қараларди. Ҳозирги кунда нафақат суд ходимлари, ҳатто халқимиз бирон маротаба юзларини кўрмаган суд ҳокимиятининг энг юқори идораси бўлган Олий суд судьялари аҳоли билан кўришадиган ва уларнинг дардларини эшитадиган давр келди.

Бундан ташқари, судьялар иш юритувидаги жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар муҳокамаларининг ўттиз фоизини маҳалла, корхона ва ташкилотлар биноларида кенг жамоатчилик

1 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддаси 2-қисми // https://lex.uz/docs/6445145

2 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель) // https://lex.uz/docs/6445145

3 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси // https://lex.uz/docs/6445145

4 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси // https://lex.uz/docs/6445145

5 Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан // https://president.uz/uz/lists/view/7520

6 Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан // https://xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-ozbekiston-mustaqilligining-31-y

фаолларини, халқ вакилларини ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда сайёр суд мажлисларида кўришмоқда.

Ўтган охирги етти йил мобайнида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан суд ислоҳотлари юзасидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, шунингдек, ўзлари бошчилигида ўтказилган йиғилишлар ва уларда берган кўрсатмалар соҳадаги туб ижобий бурилишларга асос бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари 2017 йилда 13 июндаги суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифалари[7]га бағишланган ҳамда 2022 йил 14 ноябрдаги суд соҳасидаги устувор вазифалар[8] юзасидан ўтказилган йиғилишларда муҳокама қилинган судлар фаолияти, аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масала эканлиги, шунинг учун ҳам мамлакатимизда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишларни кўришда холислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилиши юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб бердилар.

Янги Ўзбекистон Конституциясида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳамда ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши[9] белгиланган.

Конституциянинг мазкур нормаси ижросини таъминлаш, судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш, фуқароларнинг мансабдор шахслар томонидан бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда қулайлик туғдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4966-сонли фармони[10] қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2017 йил 1 июндан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

2018 йилнинг 1 апрелидан **Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс амалга киритилди**. Натижада юқорида қайд этилган конституциявий принципнинг, яъни инсонларнинг судларга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўлақонли амалга оширилиши процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан таъминланди.

Маъмурий судлар фуқаролар ва юридик шахсларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини амалда тўлиқ рўёбга чиқаришда, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Маъмурий судлар ташкил этилган 2017 йилдан то ҳозирги кунга қадар судларда кўриб чиқилган ишлар сонига эътибор берадиган бўлсак, 2017 йилда 7 902 та ишлар кўриб чиқилган бўлса, 2023 йилда 15 228 та, жорий йилнинг 9 ойида эса 11 330 та ишлар кўрилган.

Суд ислоҳотлари доирасида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли фармони[11] ва фармон билан тасдиқланган 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясидир.

Стратегиянинг асосий вазифаси этиб, **“Инсон қадри учун”** ғояси асосида **“Янги Ўзбекистон — янги суд”** тамойили доирасида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолияти халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги, шунингдек, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш каби масалалар белгиланди.

Стратегия одил судловни таъминлаш, **“Инсон**

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июндаги видеоселектор йиғилиши // https://president.uz/uz/lists/view/645

8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги йиғилиши // https://president.uz/uz/lists/view/5695

9 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси // https://lex.uz/docs/6445145

10 Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // https://lex.uz/docs/3121087

11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги 11-сонли фармони // https://lex.uz/docs/6358976

**қадри учун"** ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантиришни ҳамда адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришишни мақсад қилган **40 та аниқ ва муҳим вазифани** ўз ичида мужассамлаштирган.

Шунингдек, мазкур фармон билан 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури ҳам тасдиқланди. Ҳаракатлар дастурида ҳам амалга оширилиши режалаштирилган 74 та аниқ вазифа белгиланди.

Шунингдек, халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги 158-сонли фармони билан тасдиқланган **"Ўзбекистон — 2030" стратегияси**[12]**нинг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш"** номли бўлимидаги 84 — 88-бандларида суд ҳокимияти зиммасига Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини 30 фоиздан 20 фоизга тушириш, ягона электрон реестр яратиш орқали жиноят иши қўзғатилишидан тортиб иш юзасидан ҳукм чиқарилгунига қадар бўлган жараённи индивидуал рақам ва QR коди орқали кузатиб бориш имкониятини жорий қилиш каби 18 та аниқ вазифа белгиланган.

Ҳозирги кунда Олий суд томонидан давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларида белгилаб берилган давлат сиёсатининг мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган устувор йўналишлари ижроси сўзсиз таъминланиб келинмоқда.

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017 – 2024 йилларда Олий суд томонидан 275 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, шу жумладан, 177 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, суд тизимига оид 60 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

**Судларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди.** Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилган. Департамент судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлаб келмоқда.

Судларни молиялаштириш тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 январдаги 6134-сонли фармонига мувофиқ судья ва суд органлари ходимларининг иш ҳақлари ҳамда қўшимча тўловлари тўлиқлигича Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

**Суд ишларини юритишда янги институтлар киритилди, мавжудлари такомиллаштирилди**. Жумладан, жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар – тергов судьялари лавозимлари киритилди, жиноят иши бўйича – дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда – судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари жорий қилинди.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жиноят иш юритувида инсонпарварлик тамойиллари асосида "Хабеас корпус" институтини янада кенг татбиқ этиш мақсадида 2025 йил 1 январдан **тергов судьялари институтини миллий амалиётга жорий этиш** белгиланди.

Судга қадар иш юритиш даврида процессуал қарорларга санкция бериш ҳамда жиноят ишини кўриб чиқиш вазифаси жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг ваколатига берилган эди.

Ушбу ислоҳот натижасида бу икки жараёнлар алоҳида ажратилиб, тергов судьялари ваколатига судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш юклатилмоқда.

Суд тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ сўнгги йилларда судлар томонидан қабул қилинган оқлов ҳукмлари сони ортиб бормоқда.

Мисол учун, 2007 – 2015 йилларда судлар томонидан 688 354 нафар шахсга нисбатан 498 730 та жиноят иши кўриб чиқилиб, атиги 110 нафар шахс оқланган бўлса, 2016 – 2023 йиллар ва 2024 йилнинг 8 ойи давомида 545 893 нафар шахсга нисба-

12 "Ўзбекистон — 2030" стратегияси // https://lex.uz/ru/docs/6600413

тан 422 584 та жиноят иши кўриб чиқилган ва 6 553 нафар шахс оқланган.

**Судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.** Судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилаяпти, судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (PR Марказ) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматларининг ташкил этилганлиги аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлида кўрилган муҳим чора бўлди.

Суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан жамоатчиликни ҳар чоракда судлар фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб бориш тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида судлар раисларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиши ҳақидаги қоида бекор қилинди.

**Судлар фаолиятига замонавий технологиялар кенг жорий этилмоқда.** Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун “Электрон одил судлов” тизими жорий этилди.

Судьялар ўртасида ишларни инсон омилисиз, автоматик равишда тақсимлаш, судларга масофадан туриб электрон мурожаат ва суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда юбориш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш, суд мажлисларини аудио ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш каби замонавий ёндашувлар эвазига одил судлов самарадорлигига эришилмоқда.

Одил судлов соҳасини рақамлаштиришни янада кенгайтириш мақсадида судларнинг ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг 49 та ахборот тизимлари ўртасида муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судларнинг ўзи томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш тартиби амалиётга жорий этилиб, улар билан маълумотлар алмашинуви 100 фоиз рақамли шаклга ўтказилди.

Олий суднинг **Интерактив хизматлар портали** ишга туширилиб, у орқали фуқароларга 14 турдаги интерактив хизмат кўрсатилмоқда. Унда жисмоний ва юридик шахслар учун судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, суд харажатларини электрон тарзда тўлаш, қонуний кучга кирган суд қарорлари билан танишиш, ишлар ҳолатини онлайн кузатиб бориш, суд чақирув қоғозини электрон олиш, суд мажлиси жадвали билан онлайн танишиб бориш, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб суд мажлисларида мобил видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш каби интерактив хизматлар жорий этилди.

Судлар фаолиятига фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик тайёрлаш ва суд амалиётини таҳлил қилиш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

**Судларда ягона амалиётни таъминлаш орқали одил судлов самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.** “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

Шунга кўра сўнгги 2 йилнинг ўзида Олий суд Пленуми томонидан қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган 20 тадан ортиқ тушунтиришлар берилган.

Жумладан, судлар томонидан конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида Олий суд Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга нор-

матив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги назарда тутилди.

Шунингдек, асоссиз жиноий таъқибга учраган ва реабилитация этилган шахснинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, унга етказилган зиён оқибатларини бартараф этиш мақсадида Олий суд Пленумининг “Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда **хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари,** эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилиш, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида Олий суд Пленумининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур тушунтиришлар хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда меҳнат муносабатларига оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга юксак даражасида эътибор қаратилмоқда.

Шу муносабат билан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини ва меҳнат низоларини кўришда ягона суд амалиётини таъминлаш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар суд мустақиллиги, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг нуфузи ошишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли фармонида[13] суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибини яратиш бўйича белгиланган топшириққа асосан амалдаги процессуал кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси белгиланган эди.

Процессуал кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар 2023 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, 2024 йил 1 январдан амалга киритилди.

Кодексларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан суд қарорларининг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини текшириш механизмлари такомиллаштирилди, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кенгроқ ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган **суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартиби жорий этилди.**

Янги тартибга кўра:

туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида, ўз навбатида, судлов ҳайъатлари томонидан кўрилган ишларни Олий суднинг Раёсатида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш назарда тутилди.

Биринчи ва кейинги инстанцияларда кўриб чиқилган ишларнинг вилоят тафтиш инстанциясида кўриб чиқилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят билан келувчи фуқароларнинг сони кескин камайди. Хусусан, 2023 йилнинг 9 ойи мобайнида Олий судга процессуал тартибда келиб тушган шикоятлар сони 24 007 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг шу даврида 13 624 тани ташкил этган.

Умуман олганда, суд ҳокимияти янги Конституция[14]мизда **“Судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсунадилар”**, деб белгиланган нормага қатъий риоя этган ҳолда фаолият юритмоқда.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича судларда 73 798 нафар шахсга нисбатан кўрилган 58 419 та жиноят

13 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги 11-сонли қарори // https://lex.uz/docs/6877317

14 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддаси биринчи қисми // https://lex.uz/docs/6445145

ишининг 600 966 таси маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 943 925 та даъво тартибида (483 617 таси суд буйруғи тарзида юритилган), иқтисодий судлар томонидан 271 748 та иқтисодий низолар (879 та суд буйруғи тарзида юритилган), шунингдек маъмурий ишлар бўйича судларда эса 15 228 та оммавий низолар кўрилган. Жами судларда кўриб якунланган суд муҳокамаларининг 213 818 таси кенг аҳолини жалб этган ҳолда сайёр суд мажлисларида кўрилган.

Суд ва судьялар фаолияти самарадорлигини ошириш, улар кўриб чиқаётган ишларнинг тўлақонли қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш орқали аҳолининг суд ҳокимиятига ва унинг одил судловни амалга оширишига бўлган ишончини кучайтириш мумкинлигини англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан келгусида амалга ошириладиган бир қатор вазифалар белгиланган.

Хусусан:

судья қарорининг қонуний, асосли ва адолатлилигини кафолатлаш мақсадида уларнинг кундалик ва ойлик иш ҳажмларини белгилаш;

суд қарорларини тузиш ва ижрога қаратишни янада соддалаштириш ва судьялар учун қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган “Электрон одил судлов” тизимини янада такомиллаштириш;

фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида келиб тушган шикоятларни асосан вилоят судлари тафтиш инстанцияси даражасида ҳал этишга эришиш;

амалиётда учраётган муаммоли масалалар бўйича ҳамда қонунларни қўллаш бўйича тавсияларни ўзи ичига олган Олий суд Пленуми қарорларини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш;

судьяларнинг ишини енгиллаштириш, малакали судьяларни тайёрлаш мақсадида судьяларни маълум низолар бўйича ихтисослаштириш;

олий суд қошида тузилган илмий кенгаш фаолиятини такомиллаштириш орқали мамлакатимиздаги йирик ҳуқуқшунос олимларнинг илмий фаолиятларидан амалиётда кенг фойдаланишни кучайтириш;

процессуал қонунларда белгиланган суд ҳокимияти одил судловни амалга ошириш билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳокимиятлигини амалда кўрсатиш бўйича тарғибот тадбирларини кучайтириш режалаштирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни[15]да суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатлиги, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, “ҳамма учун қонун олдида тенглик ва ижтимоий адолатни сўзсиз таъминлаш” республикамиз судьялари олдидаги энг муҳим, устувор вазифа ва масъулият деб қабул қилишимиз шарт.

Бу масъулиятли вазифаларнинг бажарилишида судьялар ва суд ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларида белгиланган нормаларга қатъий риоя қилишлари, ўзларига ва суд ходимларига нисбатан талабчан бўлишлари шарт.

Шунингдек, мунтазам равишда касбий билим ва кўникмаларини ошириб боришлари, сансалорчиликка йўл қўймаслиги, Конституция ва қонунларнинг тўғри қўлланишини асосий таъминловчиси бўлиши лозим.

#

15 Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни // https://lex.uz/docs/5534923

**Салом САМАДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғи в.в.б.**

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда прокуратура органларининг конституциявий асосларини ўрганишга бағишланган. Муаллиф коррупциянинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги салбий таъсирини таъкидлаб, Ўзбекистон Конституцияси ва қонун ҳужжатлари асосида прокуратуранинг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ва ваколатларини ёритиб беради. Мақолада прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашишдаги асосий вазифалари, замонавий тенденциялар, шу жумладан, рақамли технологияларни жорий этиш, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва хорижий тажрибалар таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар ва тавсиялар баён этилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *Данная статья посвящена изучению конституционных основ деятельности органов прокуратуры в борьбе с коррупцией в Республике Узбекистан. Автор подчеркивает негативное влияние коррупции на социально-экономическое развитие страны, а также освещает роль и полномочия прокуратуры в борьбе с коррупцией на основе Конституции и законодательных актов Узбекистана. В статье рассматриваются основные задачи органов прокуратуры в борьбе с коррупцией, включая внедрение современных тенденций, таких как цифровые технологии, сотрудничество с общественностью и изучение международного опыта. Также представлены реформы и рекомендации, направленные на повышение эффективности борьбы с коррупцией.*

***ABSTRACT.*** *This article is dedicated to examining the constitutional foundations of prosecutorial bodies in combating corruption in the Republic of Uzbekistan. The author highlights the negative impact of corruption on the country's socio-economic development and outlines the role and powers of the prosecution in fighting corruption based on Uzbekistan's Constitution and legal framework. The article discusses the main tasks of prosecutorial bodies in anti-corruption efforts, including the implementation of modern trends such as digital technologies, public cooperation, and international experiences. The reforms and recommendations aimed at increasing the effectiveness of anti-corruption efforts are also presented.*

***Калит сўзлар:*** *коррупция, прокуратура органлари, конституциявий асослар, қонун устуворлиги, прокуратура ваколатлари, коррупцияга қарши кураш, ҳуқуқий назорат.*

***Ключевые слова:*** *коррупция, органы прокуратуры, конституционные основы, верховенство закона, полномочия прокуратуры, борьба с коррупцией, правовой контроль.*

***Key words:*** *corruption, prosecutorial bodies, constitutional foundations, rule of law, prosecutorial powers, anti-corruption, legal control.*

Коррупция – ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта тўсиқлардан биридир. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш прокуратура органларининг асосий ва муҳим фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциянинг 143-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади[1].

Дарҳақиқат, прокуратура органларининг фаолият доирасини белгилайдиган конституциявий нормалар ушбу органнинг коррупцияга қарши курашишдаги ваколатлари учун муҳим асос бўлади. Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямизда "коррупция" сўзи тўрт маротаба ишлатилган бўлиб, аввалгисида ушбу сўз учрамайди.

Прокуратура органлари коррупцияга қарши курашни амалга оширадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида алоҳида ўрин тутади. Прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири давлат номидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги[2] ва "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги[3] қонунлари, шунингдек, Жиноят-процессуал кодекси[4] прокуратуранинг коррупцияга қарши курашишдаги фаолиятини тартибга солади ва уни мазкур соҳада махсус ваколатлар билан таъминлайди.

Прокуратура органлари таркибида коррупция ва

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // https://lex.uz/docs/6445145

2 Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни // https://lex.uz/acts/106197

3 Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни // https://lex.uz/docs/3088008

4 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // https://lex.uz/docs/111460

уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича махсус тармоқлар фаолият юритади. Буларга қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси, Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида назорат бошқармаси, Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унга бўйсунувчи прокуратуралар коррупцияга қарши курашиш борасида қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда иштирок этиш;

коррупцияга қарши қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан назоратни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳолатларни таҳлил қилиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мазкур йўналишлар прокуратура органларининг коррупцияга қарши самарали чоралар кўриши ва уюшган жиноятчиликка қарши изчил курашишини таъминлашга қаратилгандир.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида прокуратура қуйидаги вазифалар доирасида иш олиб боради:

барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва улар бўйича жиноий таъқибни амалга ошириш;

коррупция сабабли бузилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

давлат органларининг қарорлари Конституцияга мос келишини назорат қилиш орқали қонун устуворлигини таъминлаш.

Кўриб турганимиздек, прокуратура органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мисолида прокуратуранинг жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашдаги роли мустаҳкамланган бўлиб, прокуратура коррупцияга қарши курашиш йўналишида қонунчилик ижросини назорат қилишида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашишдаги қуйидаги замонавий тенденциялар муҳим ўрин тутаётганлигини кўришимиз мумкин:

коррупцияга қарши курашишда рақамли технологиялардан фойдаланиш;

фуқаролик жамияти институтлари иштирокида коррупцияга қарши дастурларни ишлаб чиқиш;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилиш орқали халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш.

Юридик адабиётларда билдирилган фикрларга қараганда, коррупцияга қарши самарали курашиш тизимли ёндашувни талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Коррупция ва коррупциявий жиноятчиликни ўрганишда тизимли ёндашувни қўллаш орқали коррупция кўринишларининг асосий бўғини (ядроси) ва улар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳаракатлар ёки коррупциявий жиноятчиликнинг таркибий қисмларини аниқлаш имкони яратилади. Коррупцияга қарши курашишнинг устувор ва доимий мақсади мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва бартараф қилиш бўлиши лозим. Яъни мансабдор шахслар томонидан ўз фойдасини кўзлаб ҳокимият ёки "маъмурий ресурс"ни суиистеъмол қилиш ҳамда пора олиш (пора бериш ва пора олишда воситачилик қилиш) каби ҳолатларга қарши курашиш асосий вазифа бўлиши керак[5].

Шу мақсадда прокуратура органлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида назорат функцияларини амалга оширади. Прокурорлик назоратини амалга ошириш орқали коррупция билан боғлиқ жиноятлар аниқланади ва уларнинг олди олинади, шунингдек, айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласи қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунида прокурорнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижросини назорат қилишдаги ваколатлари белгилаб берилган. Прокурор коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги бузилган ҳолатларда қуйидаги чораларни қўллашга ҳақли:

қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга протест келтиради;

мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради;

коррупцияга сабаб бўлувчи қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритади;

фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилади;

коррупциявий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир

5 Сидоров Б.В. Системный подход к решению проблем противодействия коррупции // Вестник экономики, права и социологии, 2017 г., № 1. – С. 11.

этганлик учун жавобгарликни тушунтиради (қонуннинг V бўлими (прокурор назорати ҳужжатлари)[6].

Назорат фаолиятидан ташқари прокурорлар процессуал фаолият билан ҳам шуғулланадилар. Ушбу турдаги прокурорлик фаолияти судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, коррупция жиноятлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиш орқали амалга оширилади.

Прокуратура органлари коррупцияга қарши курашишни жиноят-процессуал қонунчилик ва қонунлар талабларининг бажарилишини назорат қилиш орқали ҳам амалга оширади. Шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув фаолиятига оид материаллар юзасидан назоратни таъминлайди. Жиноят-процессуал кодексининг 34-моддасида прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ушбу кодекснинг 243, 382 – 388, 558, 589-моддаларида назарда тутилган ваколатларни амалга ошириши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юқори даражада латент (яширин) тусга эга. Коррупция миллий хавфсизликка жиддий таҳдид ҳисобланади. Коррупциянинг хавфи унинг давлат ҳокимияти органларига салбий таъсирида намоён бўлади, шунингдек, давлат иқтисодиётининг самарали ривожланишига тўсқинлик қилади. Натижада давлат даромадлари камаяди ва фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончи сусаяди. Бу эса жамиятда коррупция иллатига нисбатан муросасиз муҳитни шакллантириш, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ошириш, айниқса, аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишни тақозо этади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш бўйича услубий тавсияларни тайёрлаш ёки давлат бошқарувининг коррупцияга мойил соҳаларини ёритувчи илмий тадқиқотларни амалга оширишга эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 228-сонли қарори[7] билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Бош прокуратурасининг аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз оширишга қаратилган “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасини 2025 йил 1 январдан жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига Виртуал академиянинг узлуксиз ишлашини, ўқув контенти ва материаллари билан мунтазам тўлдирилиши ва янгилаб борилишини таъминлаш; коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқув жараёнини ташкил этиш, шу жумладан ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, ўқув курслари ҳақидаги маълумотларни Виртуал академияда жойлаштириш; тингловчиларнинг билимларни ўзлаштириши натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, ўқув курсларини тамомлаган шахсларнинг реестрини юритиш; ўқув жараёнига давлат органлари ва ташкилотларининг, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг малакали мутахассисларини, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилиш каби муҳим вазифалар юклатилди. Ҳозири кунда “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасини яратиш ва ишга тушириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш борасида хорижий давлатлар тажрибасини тадқиқ этиб ўрганиш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади. Масалан, Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ютуқлари ҳайратланарлидир. Ҳукумат авторитар усуллар билан бюрократияни назоратда ушлаб, коррупциянинг олдини олиш вазифасини муваффақиятли бажармоқда[8]. Сингапурда мустақил Коррупцияни текшириш бюроси прокуратура билан ҳамкорликда йирик коррупциявий ҳолатлар бўйича суриштирув ишларини олиб боради. Бу ўз навбатида, Сингапурнинг инвестициявий муҳитини яхшилашга катта ҳисса қўшмоқда.

Руминияда Коррупцияга қарши миллий бошқарма (DNA[9]) прокурорларнинг мустақиллиги ва юқори ихтисослашуви туфайли катта муваффақиятларга эришган[10]. 2000 йилда Руминиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишга оид музокаралар доираси-

6 Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // https://lex.uz/acts/106197

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 228-сонли қарори // https://lex.uz/uz/docs/6977738

8 Антикоррупционная политика, Фонд ИНДЕМ; Под. Ред. Г.А. Сатарова. – М.: РА «СПАС», 2004 г.

9 Direcţia Naţională Anticorupţie (DNA).

10 Батафсил қаранг: Биткова Т.Г. Коррупция и антикоррупция в Румынии // https://cyberleninka.ru/article/n/korruptsiya-i-antikorruptsiya-v-rumynii/viewer

да коррупцияни аниқлаш ва унинг олдини олиш ҳамда бу жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги 78/2000-сонли қонун қабул қилинди. 2002 йилда Коррупцияга қарши кураш бўйича Миллий прокуратура ташкил этилди, 2005–2006 йилларда эса у Коррупцияга қарши миллий бошқармага айлантирилди.

Коррупцияга қарши миллий бошқарма фақат йирик ишларни кўриб чиқишга мўлжалланган бўлиб, биргина 2005–2012 йиллар давомида коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун қарийб бир ярим минг киши судланган, бу вақт оралиғида Руминияда маиший коррупция даражаси анча камайган.

Шу ўринда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини эътиборга олган ҳолда фикримизча, мамлакатимиз прокуратура органлари тизимида коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган алоҳида прокуратураларни ташкил этиш масаласини чуқур таҳлил қилиш лозим. Бундай ихтисослашган прокуратураларнинг асосий йўналиши коррупциянинг барча кўринишларига қарши курашишдан иборат бўлиши керак. Бу мақсадда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан пухта назорат ўрнатиш, шунингдек, коррупция хавфи юқори бўлган ва кўплаб коррупциявий жиноятлар содир этиладиган соҳалар устидан назоратни амалга ошириш зарур бўлади.

Коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган прокуратураларнинг ташкил этилиши натижасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида прокуратура органларига турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали берилган ваколатларни тизимлаштириш ва тартибга солиш имкони яратилади. Прокурорлик фаолияти воситалари орқали коррупциявий жиноятларни самарали ва ўз вақтида олдини олиш мумкин бўлади.

Прокуратуранинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги боис, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига “Коррупцияга қарши қонунчилик ижроси устидан назорат” деб номланган махсус бобни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур бобда прокурорнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат бўйича махсус ваколатларини белгилаш зарур бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш борасида Жанубий Корея тажрибаси ҳам ижобий ҳисобланади. Хусусан, Жанубий Кореяда коррупцияга қарши курашишда давлат тендерларини назорат қилиш учун рақамли платформалардан фойдаланилади ва прокуратура фуқаролик жамияти билан яқин ҳамкорлик қилади[11].

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 708-сонли қонуни билан ерга оид қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Ер кодексида вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш ваколати бекор қилиниб, ҳокимлар фақат ерни ижарага бериш бўйича танлов якунларини тасдиқлаши мумкинлиги белгиланди. Вилоят ҳокимларининг ерга оид қарори лойиҳалари ҳудудий адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт бўлди. Туман ҳокимларининг ерни ижарага бериш ҳуқуқи чекланди[12]. Буларнинг барчаси ер талон-торожликларининг олдини олиш билан бирга бу соҳадаги коррупциявий ҳолатларнинг бартараф этилишига замин яратди.

Шундай қилиб прокуратура фаолиятининг конституциявий асослари коррупцияга қарши курашиш учун муҳим пойдевор ҳисобланади. Бироқ унинг самарадорлиги қуйидаги омилларга, яъни институционал мустақиллик, кадрлар малакаси ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликка кўпроқ боғлиқлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида инновацион ёндашувларни ва халқаро тажрибани миллий қонунчиликка жорий этиш ҳам энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таклиф қилинган чораларни амалга ошириш эса коррупцияга қарши курашиш борасида прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

#

11 Батафсил қаранг: Вводная информация о системе оценки коррупционных рисков Южной Кореи инструмент для анализа и сокращения коррупционных рисков в нормативно-правовых актах // https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2023-05/UNDP-Seoul-Introduction-Korea-Corruption-Risk-Assessment-RUS-2020.pdf

12 Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 708-сонли қонуни // https://lex.uz/docs/5580329

**Евгений КОЛЕНКО,**
**Первый заместитель начальника Правоохранительной академии**

**Гайрат МУСАЕВ,**
**Начальник Научно-исследовательского института цифровой криминалистики Правоохранительной академии**

# РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ КРИМИНАЛИСТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ: НОВЫЕ ГОРИЗОНТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье рассматриваются актуальные вопросы развития цифровой криминалистики в Республике Узбекистан на примере деятельности Правоохранительной академии. Анализируются современные вызовы и угрозы в сфере киберпреступности, а также меры, предпринимаемые для противодействия им. Особое внимание уделяется описанию технического и методологического оснащения академии, включая специализированное программное обеспечение и оборудование для проведения экспертных исследований. Рассматриваются образовательные программы по подготовке специалистов в области киберправа и цифровой криминалистики, включая планы по внедрению новой магистерской программы. Освещается международное сотрудничество академии и её роль в разработке методических материалов и нормативно-правовых актов. Представлены конкретные примеры успешного содействия правоохранительным органам в раскрытии киберпреступлений. Статья подчеркивает важность дальнейшего развития потенциала в сфере цифровой криминалистики для эффективного противодействия современным киберугрозам.*

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада Ўзбекистон Республикасида рақамли криминалистиканинг ривожланиши Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси фаолияти мисолида кўриб чиқилади. Кибержиноятчилик соҳасидаги замонавий таҳдидлар ва хавф-хатарлар, шунингдек, уларга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар таҳлил қилинади. Академиянинг техник ва методологик жиҳатдан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унга экспертлик тадқиқотларини амалга ошириш учун махсус дастурий таъминот ва замонавий ускуналар ҳам киритилган. Академиянинг халқаро ҳамкорлиги ва унинг услубий материаллар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдаги роли ёритилган. Кибержиноятларни фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига муваффақиятли кўмаклашиш бўйича аниқ мисоллар келтирилган. Мақолада замонавий кибертаҳдидларга самарали қарши курашиш учун рақамли криминалистика соҳасидаги салоҳиятни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланади.*

***ABSTRACT.*** *The article examines the current issues of digital forensics development in the Republic of Uzbekistan through the example of the Law Enforcement Academy's activities. It analyzes modern challenges and threats in the field of cybercrime, as well as measures taken to counter them. Special attention is paid to describing the Academy's technical and methodological equipment, including specialized software and hardware for digital investigations. The article discusses educational programs for training specialists in cyber law and digital forensics, including plans to introduce a new master's program. The Academy's international cooperation and its role in developing methodological materials and regulatory legal acts are highlighted. Specific examples of successful assistance to law enforcement agencies in solving cybercrimes are presented. The article emphasizes the importance of further developing capabilities in digital forensics for effectively countering modern cyber threats.*

***Ключевые слова:*** *цифровая криминалистика, киберпреступность, Правоохранительная академия Узбекистана, киберправо, цифровые доказательства, международное сотрудничество, образовательные программы, цифровая безопасность.*

***Калит сўзлар:*** *рақамли криминалистика, кибержиноятчилик, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, киберҳуқуқ, рақамли далиллар, халқаро ҳамкорлик, таълим дастурлари, рақамли хавфсизлик.*

***Key words:*** *digital forensics, cybercrime, Law Enforcement Academy of Uzbekistan, cyber law, digital evidence, international cooperation, educational programs, digital security.*

В эпоху стремительного развития цифровых технологий человечество получает беспрецедентные возможности для самосовершенствования, инноваций и эффективного взаимодействия на глобальном уровне. Цифровая трансформация способствует ускорению обмена информацией, продвижению научных исследований и расширению доступа к образованию и ресурсам. Однако вместе с этими преимуществами возникают новые глобальные вызовы, которые могут существенно угрожать безопасности государств и обществ. Рост киберпреступности, распространение дезинформации, уязвимости в цифровой инфраструктуре и вопросы защиты персональных данных становятся критически важными проблемами, требующими комплексного научного анализа и разработки эффективных стратегий противодействия.

Осознавая важность этих вызовов, на расширенном заседании Совета безопасности 13 января 2023 года Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отметил, что «в условиях нынешних напряжённых геополитических противостояний обостряются проблемы в экономической, социальной, политической сферах, информационной без-

опасности и других областях». Президент подчеркнул, что защита информационной безопасности становится одной из ключевых задач для обеспечения устойчивости страны в условиях возрастающей цифровой уязвимости. В этом контексте обеспечение информационной безопасности не только является ответом на растущую волну киберпреступности, но и способствует укреплению доверия граждан к цифровым сервисам и стабильности государственной инфраструктуры. Разработка более строгих стандартов и эффективных мер защиты в сфере информационных технологий становится приоритетной задачей для противодействия угрозам в условиях глобальной цифровизации[1].

С каждым годом растет число преступных посягательств, совершаемых в цифровой середе, которые становятся все более изощренными и направленными не только на граждан и частные компании, но и на государственные учреждения, банковский сектор и даже объекты критической инфраструктуры.

Основные опасности киберсреды связаны с утечкой персональных данных, распространением вредоносного ПО, мошенничеством в интернете, а также с кибершпионажем и терроризмом, использующим цифровые платформы для координации своих действий[2].

В условиях быстро развивающихся технологий эти угрозы становятся глобальными и требуют от правоохранительных органов не только особого подхода и постоянного совершенствования навыков в сфере цифровой криминалистики, но и налаживания международного сотрудничества и присоединения к международным договорам. Международное сотрудничество позволяет объединить усилия стран в борьбе с киберугрозами, способствует обмену передовыми методиками и технологиями, а также помогает быстрее реагировать на инциденты, которые выходят за рамки одной страны. Присоединение к международным договорам обеспечивает правовую основу для координации действий, улучшает процесс обмена информацией и повышает эффективность расследований на глобальном уровне.

Озабоченность мирового сообщества данным феноменом подтверждается принятием проекта Конвенции ООН «Об укреплении международного сотрудничества в борьбе с определенными преступлениями, совершаемыми с использованием информационно-коммуникационных систем, и в обмене доказательствами в электронной форме, относящимися к серьезным преступлениям» 29 июля — 9 августа 2024 года[3]. Глобальный характер этих преступлений требует от мирового сообщества скоординированных и слаженных действий, поскольку ни одно государство не способно эффективно противостоять этим угрозам в одиночку. Важно разрабатывать и внедрять единые международные стандарты, а также создавать механизмы оперативного обмена информацией, позволяющие правоохранительным органам разных стран быстро и результативно взаимодействовать. Только так можно создать надежный барьер перед преступниками, использующими цифровое пространство в своих целях.

Цифровая трансформация всех общественных отношений приводит и существенному видоизменению преступной деятельности, адаптирующейся к новым реалиям. В последние годы наблюдается многократный рост преступлений, совершенных с использованием цифровых технологий[4], что подтверждается тревожной статистикой.

В этом процессе ключевую роль играют следственные органы, которые должны разрабатывать четкие процедуры и методики противодействия цифровой преступности. Только посредством внедрения доказанных и проверенных методологий расследования киберпреступлений можно достичь высокого уровня эффективности в борьбе с подобными угрозами. Следственные органы обязаны не только совершенствовать свои методы, но и активно обмениваться опытом и лучшими практиками на международном уровне, чтобы оперативно реагировать на новые формы киберугроз.

Правоохранительная академия Республики Узбекистан, созданная в 2022 году и являющаяся единым центром для базовой подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудни-

1 Расулев, А. К. Перспективы правовой политики в области противодействия киберпреступности в Узбекистане // Журнал "Общество и инновации". – 2023 г. 21 июня. [Электронный ресурс] - https://illp.uz Дата доступа: 05.11.2024 г.

2 Шрайер Ф., Викс Б., Винклер Т. Х. Кибербезопасность: дорога, которую предстоит пройти //Женева: Жен. центр демокр. контроля над воор. силами (DCAF). – 2013 г. – Т. 52. С. 2-4

3 Проект конвенции Организации Объединенных Наций против киберпреступности. Укрепление международного сотрудничества в борьбе с определенными преступлениями, совершаемыми с использованием информационно-коммуникационных систем, и в обмене доказательствами в электронной форме, относящимися к серьезным преступлениям // Генеральная Ассамблея ООН, A/AC.291/L.15. – 2024 г. 7 августа. - С. 1-50. - [Электронный ресурс] – https://documents.un.org/doc/undoc/gen/v24/055/08/pdf/v2405508.pdf Дата доступа: 05.11.2024 г.

4 Шалагин А.Е., Идиятуллов А.Д. Трансформация преступности в XXI веке: особенности предупреждения и противодействия // Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2021 г. №2 (44). – С. 227-235.

ков всех следственных органов республики, играет важную роль в данном процессе[5].

Академия, выполняет ключевую задачу — обучение специалистов современным методам цифровой криминалистики, что позволяет обеспечить компетентное и своевременное противодействие киберпреступности.

В Правоохранительной академии созданы специализированные подразделения, ответственные за подготовку специалистов в области цифровой криминалистики, их обучение методам выявления, анализа и расследования преступлений, совершаемых с использованием цифровых технологий, а также ведение научно-исследовательской и экспертно-аналитической деятельности в данной сфере.

В частности, в структуре Академии функционирует специализированная кафедра киберправа, создание которой явилось значительным шагом в развитии подготовки специалистов, способных противостоять современным вызовам цифрового мира. Кафедра киберправа ориентирована на углубленное изучение и преподавание основ правовых отношений в цифровом пространстве. Основной задачей кафедры является формирование у специалистов целостного понимания правовой природы цифровых угроз и подготовка их к эффективному применению правовых норм для предотвращения и расследования киберпреступлений. Кафедра также занимается разработкой методических рекомендаций и учебных материалов, направленных на обучение практическим аспектам кибербезопасности и киберправа.

Важным шагом в укреплении научно-исследовательского и экспертно-аналитического потенциала Правоохранительной академии стало принятие Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации научно-исследовательской деятельности в сфере цифровой криминалистики», в соответствии с которым в структуре Академии был создан Научно-исследовательский институт цифровой криминалистики, что открыло новые возможности для проведения глубоких научных исследований и выработки инновационных подходов в данной области[6].

Создание института позволило Академии сосредоточить усилия на изучении цифровых угроз и разработке современных методик для их выявления и противодействия. Институт призван играть ключевую роль в проведении научных исследований, а также в подготовке аналитических и экспертных материалов, направленных на повышение эффективности правоохранительных органов в условиях цифровизации.

В целях укрепления потенциала Правоохранительной академии Республики Узбекистан в области цифровой криминалистики были приобретены передовые программно-аппаратные комплексы, позволяющие Академии повысить качество подготовки специалистов. Эти комплексы обеспечивают возможности для эффективного извлечения, анализа и сохранения цифровых доказательств, а также проведения компьютерно-технической экспертизы для правоохранительных органов, что значительно улучшает как качество, так и скорость проведения расследований.

К примеру, программное обеспечение «Magnet Axiom» обеспечивает комплексный подход к обработке цифровых данных, интегрируя информацию из различных источников в единую систему анализа. Это повышает точность и удобство работы с разрозненными цифровыми доказательствами. Также НИИ цифровой криминалистики получила доступ к специализированным информационным системам, таким как DarkWebMonitor, Elliptic ICAC-COPS и Arthropod. Эти системы позволяют отслеживать незаконную активность в даркнете, анализировать криптовалютные транзакции и существенно расширяют возможности расследования киберпреступлений, связанных с незаконными операциями в онлайн-пространстве, включая борьбу с распространением детской порнографии и другими серьёзными угрозами.

Для создания криминалистических копий цифровой информации и защиты данных было приобретено специализированное оборудование — комплекты дубликаторов и блокираторов Tableau, которые позволяют выполнять побитовое копирование данных без риска их повреждения или изменения. Это особенно важно при работе с цифровыми доказательствами, где требуется максимальная точность и сохранность данных[7]. С целью восстановления данных с повреждённых и сложных носителей информации академия приняла в эксплуатацию аппаратно-программный комплекс PC-3000 Portable PRO, обладающий высокой функциональностью для работы с физическими носителями данных,

5 Указ Президента Республики Узбекистан №УП-257 «О внедрении качественно новой системы подготовки квалифицированных кадров в сфере расследования преступлений» от 28 ноября 2022 г. [Электронный ресурс] – Режим доступа: https://lex.uz/docs/6299079 – Дата доступа: 05.11.2024 г.

6 Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-229 «О мерах по организации научно-исследовательской деятельности в сфере цифровой криминалистики» от 21 июня 2024 г. [Электронный ресурс]. - https://lex.uz/docs/6977762 Дата доступа: 05.11.2024 г.

7 Пастухов П. С. О необходимости развития компьютерной криминалистики // Пермский юридический альманах. – 2018 г. №1 – С. 450-260.

что позволяет восстанавливать информацию даже с повреждённых или частично неработоспособных устройств.

Такие программные продукты и оборудование значительно расширяют технический потенциал академии и обеспечивает возможность эффективной работы с широким спектром цифровых носителей, что повышает качество и достоверность анализа цифровых доказательств.

В Академии ведется подготовка специализированной лаборатории для работы с цифровыми носителями, отвечающей международным стандартам ISO/IEC 17025-2017[8] и ISO 14644-1:2015[9]. Лаборатория будет оборудована герметичной конструкцией, обеспечивающей защиту от проникновения пыли и внешнего электромагнитного излучения. Такая защита необходима для создания стабильных условий, в которых можно проводить анализ цифровых данных и экспертизы без риска внешнего воздействия на информацию.

Правоохранительная академия Республики Узбекистан придает особое значение методическому сопровождению деятельности правоохранительных органов, что позволяет эффективно интегрировать новые подходы и технологии в повседневную работу по противодействию цифровой преступности.

Несмотря на относительно короткую историю работы, академия уже имеет ряд успешных примеров содействия в раскрытии преступлений. Так, проведено изучение, направленное на противодействие распространению детской порнографии. В ходе этого исследования специалисты академии сосредоточились на выявлении и анализе каналов распространения данного контента на территории Республики Узбекистан. По результатам работы полученные сведения были оперативно переданы в правоохранительные органы для принятия необходимых мер. Этот подход позволил не только выявить в двух регионах станы источники распространения и привлечь виновных лиц к ответственности, но и наладить эффективное взаимодействие с правоохранительными органами для защиты общества и особенно уязвимых категорий граждан.

Также, был проведен анализ вредоносного программного обеспечения, используемого для несанкционированного доступа к банковским картам через фиктивные сайты транспортных компаний, инициированы исследования, направленные на изучение активности денежных мулов и предотвращение незаконных транзакций и др. Исследования выявили методы, применяемые злоумышленниками для обмана пользователей и хищения данных. Полученная информация и методики противодействия были также переданы правоохранительным органам.

Сотрудники института совместно с экспертами-криминалистами Министерства внутренних дел разработали, утвердили и внесли в государственный реестр методику проведения экспертных исследований мобильных устройств. Эта методика стандартизирует процесс исследования мобильных устройств, обеспечивая высокий уровень качества и точности проводимых экспертиз[10].

В настоящее время ведется разработка методики экспертно-криминалистического анализа больших данных (Big Data). Эта методика направлена на повышение эффективности обработки и анализа цифровой информации, что имеет особое значение при расследовании преступлений, связанных с большими массивами данных, например, в случаях киберпреступности или финансовых преступлений.

Особое значение придается базовой подготовке следователей и прокуроров на основе программ бакалавриата. В рамках образовательных направлений «Следственная деятельность» и «Прокурорская деятельность» на протяжении всего обучения осуществляется преподавание дисциплин, посвященных киберправу, расследованию киберпреступлений и другим ключевым аспектам цифровой криминалистики. Эти предметы позволяют студентам овладеть теоретическими знаниями и практическими навыками, необходимыми для успешной работы в условиях стремительно меняющегося цифрового мира.

В учебный процесс Правоохранительной академии внедрен модуль «Киберправо», который охватывает 60 учебных часов в рамках 6 курсов общей продолжительностью 360 часов. В рамках модуля «Киберправо» в учебный процесс включены специализированные курсы «Основы цифровой криминалистики в борьбе с киберпреступностью», «Информационные технологии», «Параллельное расследование», «Оперативно-розыскное право», «Киберправо» и др.

Введение профильных учебных дисциплин по киберправу и кибербезопасности, а также их постоянное обновление с учетом актуальных вызовов, позволит будущим следователям и прокурорам эф-

8 ISO/IEC 17025:2019 General requirements for the competence of testing and calibration laboratories [Электронный ресурс] – https://www.iasonline.org/wp-content/uploads/2021/02/ISO-IEC-17025-2017-IAS.pdf Дата доступа: 05.11.2024 г.

9 ISO 14644-1:2015 General requirements for the competence of testing and calibration laboratories [Электронный ресурс] – https://antoandoluong.com/Files/Docs/20203181613304.pdf Дата доступа: 05.11.2024 г.

10 Sud-ekspertlik ilmiy-tadqiqot instituti tomonidan tanqidiy ko'rib chiqilgan va sud-ekspertlik sohasiga oid yagona reestrga kiritilgan uslubiy qo'llanmalar [Электронный ресурс]. - https://sudex.uz/?page_id=4801 Дата доступа: 06.11.2024 г.

фективно противостоять современным угрозам и активно участвовать в развитии правовой системы для обеспечения цифровой безопасности.

Аналогичная работа проводится и по образовательным программам магистратуры, включающих такие направления, как «Прокурорская деятельность», «Следственная деятельность», «Международное право прав человека» и «Противодействие коррупции». Эти программы дают слушателям возможность углубленно изучать специфику различных аспектов правоприменительной практики в цифровой среде, осваивать современные методики и подходы, а также развивать навыки аналитической и исследовательской работы.

В соответствии с решением Президента Республики Узбекистан, с 2025/2026 учебного года в Правоохранительной академии планируется внедрение программы магистратуры по новой специальности «Киберправо». Это нововведение позволит готовить высококвалифицированных специалистов, обладающих углубленными знаниями в области правового регулирования цифровой среды и кибербезопасности и обеспечит их актуальными навыками для работы с новейшими технологиями, а также для создания и реализации правовых норм, направленных на защиту интересов государства и общества в условиях цифровизации[11].

Так, в 2024 году авторским коллективом Правоохранительной академии и Ташкентского государственного юридического университета подготовлен учебник «Киберправо», ставшим важным шагом в создании современной образовательной базы для подготовки специалистов в области киберправа и цифровой криминалистики. Учебник охватывает ключевые аспекты правового регулирования киберпространства и знакомит читателей с отраслевыми международными стандартами, практиками и правовыми нормами[12].

Планируется, что в ближайшем будущем учебник будет опубликован на английском и узбекском языках, что позволит использовать его как на национальном уровне, так и в международной академической среде. Двухъязычное издание сделает учебник доступным для широкого круга специалистов, обучающихся и работающих в сфере киберправа, и будет способствовать укреплению сотрудничества с зарубежными партнерами в области цифровой безопасности и правоприменительной деятельности в киберпространстве.

Ранее, при технической поддержке Офиса координатора проектов в Узбекистане ОБСЕ создано первое учебное пособие по цифровой криминалистике, являющийся уникальным учебным пособием для специалистов в этой области. Это издание, подготовленное на русском и узбекском языках, стало важнейшим инструментом для формирования базовых и углубленных знаний среди следователей, занимающихся расследованием преступлений в цифровой среде. Пособие включает в себя основные методы и приемы цифрового анализа, принципы сбора, сохранения и обработки цифровых доказательств, а также раскрывает особенности расследования киберпреступлений[13].

Пособие было распространено среди всех следователей республики, что позволило обеспечить их необходимыми знаниями и практическими навыками для эффективного противодействия киберпреступности.

Разработано и внедрено в учебный процесс пособие по исследованию мобильных устройств, которое включает в себя научно обоснованные алгоритмы и протоколы исследования информации в мобильных устройствах.

Правоохранительная академия Республики Узбекистан стала одним из разработчиком законопроекта о введении в национальное законодательство понятия «электронное (цифровое) доказательство». Этот законопроект призван урегулировать правовой статус цифровых данных, используемых в качестве доказательств в уголовных и других видах производства, что является важным шагом в обеспечении правовой определенности и эффективности расследования преступлений, связанных с использованием цифровых технологий[14].

Особое внимание в Правоохранительной академии Республики Узбекистан уделяется укреплению основ международного сотрудничества, что позволяет эффективно реагировать на глобальные вызовы, связанные с цифровой криминалистикой и киберпреступностью. Академия активно

11 Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-381 «О мерах по усилению защиты прав потребителей цифровой продукции (услуг) и борьбы с правонарушениями, совершаемыми посредством цифровых технологий» от 1 декабря 2024 г. [Электронный ресурс]. - https://lex.uz/docs/6681115 Дата доступа: 06.11.2024 г.

12 O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasida Kiberhuquq bo'yicha xalqaro konferensiya o'tkazildi. [Электронный ресурс]. - https://gulyamov.org/ru/international-conference-on-cyber-law-held-at-the-academy-of-law-enforcement-of-uzbekistan/ Дата доступа: 06.11.2024 г.

13 Г. Ф. Мусаев [ва бошқ.]. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси. [Электронный ресурс] - https://proacademy.uz/ru/e-library/index?alias=628 Дата доступа: 06.11.2024 г.

14 Депутаты приняли закон о цифровых доказательствах с третьего раза. [Электронный ресурс] -https://www.gazeta.uz/ru/2024/08/27/digital-evidence/ Дата доступа: 06.11.2024 г.

взаимодействует с международными организациями и правоохранительными структурами других стран, что способствует обмену знаниями, опытом и передовыми технологиями.

Развитие международного сотрудничества позволяет академии интегрировать в учебный процесс лучшие мировые практики, а также адаптировать международные стандарты к национальной правовой системе. Укрепление таких связей играет ключевую роль в повышении квалификации узбекских специалистов и создает основу для формирования надежной системы противодействия киберпреступности на глобальном уровне.

В Правоохранительной академии Республики Узбекистан были проведены многочисленные конференции, семинары и тренинги по тематике расследования киберпреступлений, использования OSINT, работы с цифровыми активами, а также проблем Darkweb, криптовалют и блокчейн, с участием ведущих экспертов из США, Великобритании, России, Беларуси, Латвии, Казахстана, Турции, Грузии, Республики Корея и других стран[15]. Эти мероприятия стали важной площадкой для обмена знаниями и передовыми практиками в области цифровой криминалистики, кибербезопасности и правового регулирования в цифровой среде.

Участие международных экспертов позволило студентам и сотрудникам академии ознакомиться с различными подходами к расследованию киберпреступлений, освоить новейшие методы и технологии, применяемые в других странах, а также укрепить профессиональные связи с зарубежными коллегами.

В заключение необходимо отметить, что Правоохранительной академией проделана определенная работу по формированию потенциала в развитии и укреплении цифровой криминалистики, заложив фундамент для подготовки высококвалифицированных специалистов, способных эффективно противостоять современным цифровым угрозам.

Однако, несмотря на все достигнутые результаты, многое еще предстоит сделать. В условиях стремительно развивающихся технологий и постоянного появления новых форм киберпреступности академии необходимо продолжать совершенствовать свои программы, расширять научно-исследовательскую деятельность и укреплять международное сотрудничество. Предстоит работа по созданию дополнительных методик, внедрению практики использования современного оборудования и развитию комплексных образовательных программ, чтобы соответствовать глобальным стандартам и новейшим достижениям в сфере цифровой криминалистики. Эти усилия позволят академии и в дальнейшем эффективно содействовать обеспечению правопорядка и верховенства права, готовя специалистов, способных решать сложные задачи правоохранительной деятельности в цифровом пространстве на самом высоком уровне.

#

15 Состоялся семинар-тренинг по проведению следственных действий в отношении криптоактивов // Официальный сайт правоохранительной Академии Республики Узбекистан [Электронный ресурс] – https://proacademy.uz/ru/news/view?alias=1775 Дата доступа: 06.11.2024 г.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси**
**бошлиғининг ўринбосари, ю.ф.д., профессор**

# ҲАР БИР ШАХСНИНГ АДОЛАТЛИ СУД МУҲОКАМАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Ушбу мақолада ҳар бир шахснинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги қонуний асослари таҳлил қилинган. Муаллиф суд тизимидаги ислоҳотлар, судьяларнинг мустақиллиги ва судда адолатли муҳокама олиб боришнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар асосида шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмлари ёритилган. Шунингдек, мақолада адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқини таъминлаш бўйича янги ташаббуслар ва ислоҳотлар эътироф этилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В данной статье анализируются конституционные гарантии права каждого человека на справедливое судебное разбирательство и их правовая основа в Республике Узбекистан. Автор уделяет особое внимание реформам в судебной системе, независимости судей и значению проведения справедливых судебных процессов. В статье изложены механизмы защиты прав личности через суд на основе Конституции Республики Узбекистан, международных документов и национальных законов. Также подчеркиваются новые инициативы и реформы, направленные на обеспечение права на справедливое судебное разбирательство.*

***ABSTRACT.*** *This article analyzes the constitutional guarantees of each person's right to a fair trial and their legal basis in the Republic of Uzbekistan. The author pays special attention to reforms within the judicial system, the independence of judges, and the importance of conducting fair trials. The article outlines the mechanisms for protecting individuals' rights through the judiciary based on the Constitution of the Republic of Uzbekistan, international documents, and national laws. Additionally, the article emphasizes new initiatives and reforms aimed at ensuring the right to a fair trial.*

***Калит сўзлар:*** *адолатли суд муҳокамаси, конституциявий кафолатлар, суд ислоҳотлари, судьяларнинг мустақиллиги, ҳуқуқий ҳимоя, демократик тамойиллар.*

***Ключевые слова:*** *справедливое судебное разбирательство, конституционные гарантии, судебные реформы, независимость судей, правовая защита, демократические принципы.*

***Key words:*** *fair trial, constitutional guarantees, judicial reforms, judicial independence, legal protection, democratic principles.*

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишларнинг ҳозирги босқичида халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, барчанинг фикрини билиш, дардини эшитиш ва ҳақиқий ҳаётга мос бўлган халқчил стратегияни амалга оширишнинг ҳосиласи сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан адолат тамойили кун тартибидаги энг устувор масалалардан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади[1].

Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали, таъсирчан ва демократик усулларидан бири бўлган суд орқали ҳимояни мумкин қадар кенгайтириш, суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишни тақозо этди.

Алишер Навоий бобомиз “зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат қўрғонини бунёд эт”, деб ёш авлодга йўл-йўриқ кўрсатган. Буюк Амир Темур бобомизнинг Шаҳрисабздаги Оқсарой қароргоҳи пештоқига битилган “Адолат – давлатнинг асоси ва раҳбарлар шиоридир” деган ҳикматли сўзларида жуда чуқур маъно бор.

“Янги Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқдик. Хусусан, “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак”

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // http://lex.uz/docs/6445145

деган ғояни илгари сурдик ва амалга оширишни бошладик”[2].

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни ҳамда амалдаги процессуал қонунчиликка асосан ишлар тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судлар, жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар, маъмурий судлар ҳамда ҳарбий судлар томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида одил судлов қонунга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилади[3].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (55-модда).

Мазкур конституциявий норма Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади) 3-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган ва еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” номли II йўналишида ҳам фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш масалалари назарда тутилган[4].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддасига мувофиқ, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. ФПКнинг 7-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Судлар фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Фуқаролик ишлари судлар томонидан ҳал қилинаётган ва турли ҳуқуқий муносабатлардан (фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан) келиб чиқадиган ишлардан иборат бўлиб, суд амалиётида ушбу тоифадаги ишлар иқтисодий, жиноят ишларига қараганда кўпчиликни ташкил этади.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий масалаларни суд мажлисида кўриш ва ҳал этиш орқали амалга оширилади. Судда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш тартиби фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш бўйича субъектив ҳуқуқларни амалга ошириши бир қатор шартларга асосланган бўлиб, бунга кўра ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари билан манфаатдор шахсларнинг судларга қонунда белгиланган тартибда даъво қўзғатиш мажбуриятини юклайди (ФПКнинг 194, 195-моддалари).

Бироқ таъкидлаш жоизки, шахс унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаати бошқа шахслар томонидан бузилганлигини исбот қила олиш-олмаслигидан қатъи назар, судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, судья даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган важ билан даъво аризани қабул қилмасликка ҳам ҳақли эмас. Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда – ФК) 153-моддаси иккинчи қисми ҳамда ФПКнинг 10-моддаси мазмунига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафлар-

2 Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda

3 Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги “Судлар тўғрисида”ги 428-сонли қонуни таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2017 й., 15-сон, 2,3-моддалари

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

нинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши туфайли даъвогарнинг судга мурожаат этиш муддатини ўтказиб юборганлиги масаласи суд томонидан фақат низодаги тарафнинг берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас. Эркин ҳуқуқлилик тамойилига кўра манфаатдор шахс ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилишни ўзи ҳал этади.

Бироқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг айрим соҳаларида судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечишнинг ҳақиқий эмаслигини белгилайдиган махсус қоидалар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 31-моддаси бешинчи қисмига кўра, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни назарда тута олмайди[5].

Юридик адабиётларда судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш, одатда келишув битими шаклида ифодаланиши ҳақидаги фикрлар ҳам илгари сурилади[6]. Бироқ бизнинг фикримизча, келишув битимида даъвогар томонидан келажакда жавобгарга қўйилиши мумкин бўлган даъволардан воз кечиш шарти қабул қилиниши мумкин эмас. Бундай шарт судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечишнинг ҳақиқий эмаслигини белгиловчи Фуқаролик процессуал кодекси нормасига зид ҳисобланади. Бинобарин, жавобгарга қўйилган барча талаблардан, шу жумладан, ушбу процессда кўрилмаётган даъволардан воз кечиш тўғрисидаги келишув битимининг шарти қонунга мос келмайди.

Агар манфаатдор шахс у ёки бу сабабларга кўра ёки бирон-бир таъсирсиз судга мурожаат қилмаса, ушбу ҳолат судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш, деб баҳоланмаслиги керак. Юридик адабиётларда ҳам эркин ҳуқуқ тамойили фуқаролик процессуал ҳуқуқи субъектларининг процессни вужудга келтириши, ҳаракатланиши ва тугаши билан боғлиқ бўлган процессуал ҳуқуқлар ва улар томонидан амалга оширилиши учун суд, прокуратура, давлат бошқарув органлари томонидан ёрдам кўрсатилиш билан боғлиқ низоли моддий ҳуқуқларидан фойдаланиш эркинлиги эканлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади[7].

Янги таҳрирда қабул қилинган мамлакатимиз Конституциясига киритилган муҳим янгиликлардан бири ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланишининг назарда тутилиши бўлди (55-модданинг учинчи қисми).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд ишларини қонуний асосда ташкил этилган, ваколатли, мустақил ва холис судлар томонидан адолатли ва ошкора равишда кўриб чиқилиш ҳуқуқи (адолатли суд ҳуқуқи), шунингдек, суд жараёнининг тегишли кафолатлари БМТга аъзо давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича тасдиқланган мажбуриятларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Давлатлар суд мажлисларини мониторинг қилиш ушбу мажбуриятларни бажаришда ошкораликни таъминлаш воситаси эканлигини тан олишди ва ишончни мустаҳкамлаш чораси сифатида суд жараёнларида кузатувчиларнинг иштирок этишини қабул қилишга келишиб олишган.

Маълумки, адолатли, холис суд концепцияси халқаро ҳужжатларда адолатли суд ҳуқуқини амалга оширишни назарда тутувчи одил судлов стандартлари ва талаблари сифатида мустаҳкамланган.

Адолатли суд концепцияси 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда шундай дейилган: “Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”[8].

Адолатли суд ҳуқуқи мустақил модда сифатида Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 6-моддасида мустаҳкамланган (1950 йил, Рим)[9]. Ушбу модда ҳуқуқнинг мазмунини анча тўлиқ очиб беради, бу унинг тушунчасини янада тўлиқ англашга ёрдам беради.

Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида мустаҳкамланган бўлиб, унда шундай дейилган: “Ҳар бир шахсга унга қўйилган жиноий айбловни кўриб чиқиш ёки ҳар

5 Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // https://lex.uz/docs/104720

6 Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. М.А. Викут. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт, 2014 г.

7 Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари // Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент, ТДЮИ, 2007 й. 7-б.

8 https://constitution.uz/uz/pages/humanrights

9 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция. (Рим, 1950 йил 4 ноябрь) // https://nrm.uz

қандай фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлашда қонуний асосда ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошкора муҳокама қилиш ҳуқуқи кафолатланади”[10].

Судьялар умумжаҳон хартиясининг 1-моддасида ҳам адолатли суд муҳокамасини амалга ошириш ҳуқуқи суднинг фаолияти орқали кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра, “судьялар ўз фаолиятида ҳар бир шахснинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлайдилар”[11].

Миллий қонунчиликка мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддаси учинчи қисмида ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган[12]. Бироқ бундай суд ҳимоясининг адолатли бўлиш талаби алоҳида қайд этилмаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилиши назарда тутилган. Мазкур Конституциянинг 17-моддасида эса “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади” деган муҳим норма мустаҳкамлаб қўйилган[13]. Бу ҳолат миллий ҳуқуқий тизимга адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқнинг юридик конструкциясини, шу жумладан, унинг амалга оширилиши учун кафолатларни халқаро ҳужжатларда белгиланган ёндашувлар асосида тўлиқ киритишни зарур, деб ҳисоблашга асос бўлади.

Қолаверса, Конституциямизда ҳар бир шахснинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган норманинг ўз ифодасини топишига яна бир асос сифатида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуни 60-моддасида белгиланган илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахснинг қуйидаги қасамёди матнини келтириш мумкин: “Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан”[14].

Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сонли қарори билан тасдиқланган Судьялар одоби кодексининг 5-моддасида адолатли суд муҳокамаси одил судловни холис ва беғараз амалга оширишнинг асосий шарти эканлиги назарда тутилган[15].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-моддаси учинчи қисмида фуқаролик ишлари бўйича чиқариладиган суд ҳал қилув қарорларига нисбатан қўйиладиган талаблардан бири сифатида унинг адолатли бўлиши кераклиги назарда тутилган[16].

Юқоридагилардан маълум бўладики, судда иш кўриш жараёнида холислик ва адолатни таъминлаш тартибини тартибга солувчи миллий қонунчиликда адолат ва холислик тоифаси вазифа, принцип ва адолатни таъминлаш сифатига қўйиладиган талаб сифатида ишлатилади. Бу эса ўз навбатида, қонунчилигимизда ҳар бир шахснинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқининг кафолатланишига қаратилган норманинг ўз ифодасини топиши билан боғлиқ масаланинг ҳозирги кунда долзарб эканлигини кўрсатади.

#

10 https://lex.uz/docs/2640479

11 Всемирная хартия судьи. Принята Центральным советом МАС в Тайване 17 ноября 1999 года. https://www.unodc.org/res/ji/import/international_standards/the_universal_charter_of_the_judge/universal_charter_2017_russian.pdf Дата доступа: 22.01.2023 г.

12 Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги Конституцияси // https://lex.uz/docs/20596?ONDATE=01.05.2023

13 Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги Конституцияси // https://lex.uz/docs/20596?ONDATE=01.05.2023

14 Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни // https://lex.uz/docs/5534923

15 Судьялар одоби кодекси // https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/menu/sudjalar-odobi-kodeksi

16 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // https://lex.uz/docs/3517337

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси профессори,**
**ю.ф.д., профессор**

**Расулбек ҚЎШМАКОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабаси**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Мазкур мақолада мамлакатимиз Конституциясининг жамият ҳаётидаги ўрни, янги таҳрирда қабул қилиниши асослари, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишлари ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, конституциявий принциплар таҳлили, конституциявий кафолатларни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъулияти, прокуратура органларининг вазифалари ёритилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В данной статье освящены вопросы статус новой Конституции в общественной жизни страны, основания принятия новой редакции, основные направления развития страны конституционно-правой среде, анализ конституционных принципов, ответственность правоохрательных органов в обеспечении конституционных гарантии, задачи органов прокуратуры.*

***ABSTRACT.*** *This article deals with the status of the new Constitution in the public life of the country, the grounds for the adoption of the new edition, the main directions of development of the country constitutional-legal environment, the analysis of constitutional principles, the responsibility of law enforcement agencies in ensuring constitutional guarantees, the tasks of the prosecutor's office.*

***Калит сўзлар:*** *Конституция, янгиланган Конституция, қабул қилиш асослари, тараққиётининг асосий йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотлар, прокуратура органларининг вазифалари, конституциявий принциплар ва кафолатлар.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, новая редакция Конституции, основания принятия, основные направления развития, реформы ,задачи органов прокуратуры, Конституционные принцыпи и гарантии.*

***Key words:*** *Constitution, new version of the Constitution, grounds for adoption, main directions of development, reforms, tasks of the prosecutor's office, constitutional principles and guarantees.*

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан ундан топа билиши зарур.

Ўзбек халқи тарихида кескин бурилиш ясаган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татигулик ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Асосий қонунимиз – Конституциямизни алоҳида эҳтиром билан тилга оламиз. Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция аввало миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир.

Конституциямизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умумэътироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган[1].

Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир[2].

Асосий қонунимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашдилар. Лекин ҳеч ким, ҳаттоки, бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади[3].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқти-

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ // Масъул муҳаррир: Азизхўжаев Алишер Аббасович. Т.: 2008 й., 3-бет.

2 И.А. Каримов "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" // Т: "Ўзбекистон", 1996 й., 93-бет

3 И.А. Каримов "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" // Т: "Ўзбекистон", 1996 й., 93-бет.

содиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Мустақиллигимиз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, миллий онг, миллий ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имкониятини бермоқда, бугунги жамиятимизнинг руҳий ва мафкуравий оламини ўзгартирмоқда ва асл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатларга ўзгалар эътиборини тортмоқда, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда[4].

Конституциямизда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлидаги ислоҳотлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тўла қамраб олаётир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципи суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи қудратли омилга айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига давлат ёндашуви жиддий такомиллашаяпти.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир[5]. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ривожланаётган мустақил давлатимизнинг ажралмас қисми бўлиб, у республикамиз мустақиллиги ва Конституциямиз билан узвий боғлиқдир.

Сўнги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида:

– инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

– мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

– миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

– адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

– маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

– миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

– мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш белгиланди[6].

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан да-

4 Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. -Т., “Халқ сўзи”, 2006 йил 2 сентябрь

5 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т., “Ўзбекистон”, 2010 й.

6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони

лолат. Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида қуйидаги асосий ғоялар:

– барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;

– аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;

– аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;

– халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;

– мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш инобатга олинди[7] ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган ва амалга оширилиши давом этаётган, ўз аҳамиятини йўқотмаган барча мақсадларга эришиш ва долзарб вазифалар бажарилиши таъминланиши белгиланди.

Конституция, қонунни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамият, сиёсий ва ҳуқуқий тизим фаолияти самарадорлигининг асосий кафолатидир. "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади"[8], деб айтган эди буюк саркарда Амир Темур. Дарҳақиқат, давлат бошқарувининг асосий принципларидан бири қонунийлик бўлиб, у ҳуқуқий муносабатларнинг амалга оширилишида ўта муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда ушбу принципни таъминлаш учун фуқаролар, давлат органлари ва мансабдор шахслари қонунларга қатъий амал қилишлари лозим. Конституцияда белгиланган қуйидаги кафолатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди:

– ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлиги, Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир шахс учун дахлсиздир. Улардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки чеклаш мумкин эмас;

– қонун устуворлиги, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўз фаолиятида қонунларга қатъий амал қилишлари шарт;

– инсон манфаатлари устуворлиги, қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилади.

Конституциямизнинг 20-моддаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам пойдеворини яратади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир[9]. Ушбу моддада белгиланган кафолатлар фуқароларга ўз ҳуқуқларини эркин амалга ошириш, давлат органларининг эса фаолиятида қонунийлик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиш имконини беради.

Қонунларга оғишмай итоат этилсагина жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири – жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланганлигидадир.

Ушбу принципларни таъминлашда ҳамда фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг роли ва ўрни катта, бу эса уларнинг тўғри ва аниқ ишлашларида намоён бўлади.

Жамоатчилик онгида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига амалда энг аввало жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи орган сифатида қаралади. Уларнинг функциялари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қонун бузилишларининг олдини олиш орқали ижтимоий тузум, унинг сиёсий ва иқтисодий тизимлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилинишига кўмаклашишдан иборатдир.

Кейинги йилларда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар биримиз қонун бўйича яшаш ва меҳнат қилишни, қонун орқали ҳуқуқ ва эркимизни ҳимоя қилишни, юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришни ўрганишимиз ва мунтазам равишда ўзимизни

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги 158-сонли фармони

8 Амир Темур тузуклари. -Т., 1992 й., 9-б.

9 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 01.05.2023 й, https://lex.uz/docs/6445145

ва бошқаларни шу аснода тарбиялашимиз лозим.

Инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, ҳаётининг фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари, таъсирчан механизмларини яратиш, халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мукаммал тизимни шакллантириш мамлакатимиз Конституцияси ва тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади[10].

Прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган 2023 йилда прокурорлар секторларидаги “Темир дафтар”га киритилган 163 мингдан зиёд оилаларга ҳар томонлама кўмак берилди, жумладан, уларнинг 170 мингдан зиёд ишсиз аъзолари ишга жойлаштирилди. Натижада “Темир дафтар”га киритилган оилалардан 95 фоизи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарори асосида рўйхатдан чиқарилди. Прокурорлар кўмаги билан 50 мингдан зиёд хотин-қизлар ишга жойлаштирилди, 62 дан зиёдига зарур тиббий ёрдамлар кўрсатилди. Вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини тўла таъминлаш бўйича назорат тадбирлари тизимли давом эттирилиб, 41 мингдан зиёд вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Ижтимоий соҳанинг бошқа муҳим йўналишларида, жумладан аҳоли соғлиғини сақлаш, оналар ва гўдаклар ўлими ҳолатларининг олдини олишга оид қонунчилик ижроси юзасидан назорат тадбирлари тизимли давом эттирилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экотуризмни ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти янада кучайтирилди. Бунда, табиий экологик муҳитни сақлаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ва ноқонуний қурилмалар қурилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданий мерос ва спорт соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирлари кучайтирилди[11].

Прокуратура органларининг ҳар бир ходими Конституциямизда белгилаб берилган устувор тамойил ва қоидаларнинг тўлиқ рўёбга чиқиши учун Ўзбекистоннинг янги ютуқларига ҳисса қўшишни, Президентимиз ишончига муносиб ва ҳаётбахш сиёсатига содиқ бўлиб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билади. Дарҳақиқат, прокуратура органлари ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг масъулияти ва муҳимлигини чуқур ҳис қилади. Улар қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда адолат ва ҳаққонийликни қарор топтириш учун бор куч-ғайратларини сафарбар этадилар.

Бугунги кунда прокуратура органлари ходимлари нафақат малакали ҳуқуқшунос, балки аҳолининг дарду ташвишларига шерик бўладиган, уларнинг муаммоларини ҳал этишда кўмаклашадиган ҳақиқий халқ хизматчиларидир. Улар ўз фаолиятида инсонпарварлик, одиллик ва қонунийлик принципларига қатъий амал қиладилар. Президентимиз ишончини оқлаш, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш – ҳар бир прокурор ходим учун шарафли вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакатимиз мустақиллигининг мустаҳкам пойдевори, демократик тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолатидир. Унинг ҳар бир моддаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, адолат ва қонун устуворлигини қарор топтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳар биримиз Конституциямизга содиқ бўлиб, унинг тамойилларини ҳаётга татбиқ этишимиз лозим. Зеро, Конституция – бу нафақат қонунлар мажмуаси, балки халқимизнинг орзу-умидлари, эзгу интилишларининг мажмуасидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – бу миллий ғууримиз, эркинлигимиз ва тараққиётимиз рамзидир. Унинг ҳар бир моддасини чуқур англаб, амалда татбиқ этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

#

10 Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т., 2001 й., “Олий таълим вазирлиги меъёрий ҳужжатлар тўплами”, 20-бет.

11 Бош прокуратуранинг 2023 йил давомидаги статистик маълумотлари таҳлили

**Мирзатилло ТИЛЛАБОЕВ,**
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРГА СОДИҚЛИК

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари билан ҳамкорлик қилиш натижалари таҳлил қилинган. Шунингдек, Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари таҳлил қилинган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье анализируется результаты внедрения международных стандартов прав человека в законодательство и правоприменительную практику, сотрудничества с международными механизмами защиты прав человека. Кроме того, проведен обзор механизмов защиты прав и свобод человека в Новом Узбекистане.*

***ABSTRACT.*** *This article analyzes the results of integrating international human rights standards into legislation and law enforcement practices, as well as cooperation with international human rights protection mechanisms. Additionally, it provides an overview of the mechanisms for protecting human rights and freedoms in New Uzbekistan.*

***Калит сўзлар:*** *Конституция, БМТ, ХМТ, инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро орган, резолюция, шартномавий қўмита.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, ООН, МОТ, права человека, резолюция, международные органы по правам человека, договорные комитеты.*

***Key words:*** *Constitution, UN, ILO, human rights, international human rights bodies, resolution, treaty bodies.*

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган чуқур сиёсий ва иқтисодий зиддиятлар даврида Янги Ўзбекистонда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида фаол иштирок этиб, жаҳон ҳамжамияти учун умумий муаммоларни мулоқот ва ҳамкорлик, маданий-цивилизациявий, миллатлараро ва динлараро ўзаро ҳамкорлик орқали ҳал этишга интилмоқда. Мамлакатимиз халқаро ташкилотлар доирасида халқаро нормаларни яратиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 10 дан ортиқ махсус резолюция қабул қилинди.

Халқаро майдондаги фаол иштироки мамлакатнинг илк бор тарихда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиб сайланишига ҳисса қўшди. Ушбу кенгаш доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан “COVID-19 пандемиясининг ёшлар ҳуқуқларига таъсири” (2021 йил октябрь), “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” (2022 йил октябрь) ҳамда “Ҳар бир болага тинчлик ва бағрикенглик руҳида сифатли таълимни таъминлаш” (2023 йил октябрь) резолюциялари қабул қилинди.

Ўзбекистон илк марта БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти Маъмурий кенгаши аъзолигига сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон вакили илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига аъзо бўлди.

Юртимизда ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, камбағалликка қарши кураш ва иқлим ўзгариши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган йирик халқаро тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон БМТ тузилмалари, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотлар ва вазият билан танишиш учун БМТ Бош котиби Антониу Гуттериш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Жильбер Унгбо, Европа Иттифоқининг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Эндрю Гилмор, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи ташриф буюрди.

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган шартномаларнинг бажарилиши бўйича БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарига ўз вақтида миллий маърузалар тақдим этиб ке-

линмоқда. Жумладан, 2023 йил давомида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан БМТнинг шартномавий қўмиталарига Ўзбекистон Республикасининг:

– Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича бирламчи миллий маърузаси;

– Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенция бажарилиши бўйича Олтинчи миллий маърузаси;

– Универсал даврий ҳисобот бўйича Тўртинчи миллий маърузаси тақдим этилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. ХМТ мамлакатимиз тажрибасини халқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муваффақиятли модель сифатида кўрмоқда. Ташкилот кўмагида Ўзбекистонда меҳнат соҳасида 40 дан ортиқ меъёрий ҳужжат қабул қилинди, 22 та халқаро конвенция ратификация қилинди. Ижтимоий адолат тамойилларини илгари суриш бўйича, шу жумладан, “Ижтимоий адолат глобал коалицияси” доирасида қўшма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистоннинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлигига оид тарихий аҳамиятга эга норма белгилаб қўйилди. Ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик тамойиллари жорий қилинди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун бутунлай янги механизмлар мустаҳкамланди.

Агар дунё мамлакатлари конституцияларида инсоннинг 110 дан ортиқ ҳуқуқи қайд этилганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кунда бу ҳуқуқларнинг 90 таси янги таҳрирдаги Конституциямизда мавжуд. Шундан 40 таси янги конституциявий ҳуқуқлардир.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 25-моддасида расман “ўлим жазоси тақиқланади” деб аниқ белгиланди. Бу билан Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Иккинчи факультатив баённомасининг талаблари амалга оширилди.

Биринчи марта қулай атроф-муҳит ҳуқуқи конституциявий даражада таъминланди. Мамлакатимиз 2018 йилда Париж келишувига қўшилди. Экологик муаммоларни ҳал қилиш учун бир қатор дастурий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ва 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси қабул қилинди. Шунингдек, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгаши ташкил этилиши белгиланди.

Уй-жой ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 10 миллиондан ортиқ инсоннинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради ва мулк ҳуқуқини таъминлаш учун ҳуқуқий асос яратади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида “ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли” эканлиги белгиланган. Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституция, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ролини ошириш, хусусан, Конституциянинг 56-моддасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тўғрисидаги қоидаларнинг мустаҳкамланиши муҳим демократик қадамдир. “Болалар омбудсмани тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ҳозирда парламент томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди.

Фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқи конституциявий даражада мустаҳкамланган. Қонунга кўра, кам таъминланган шахсларга, руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатда гендер тенгликни, сўз эркинлигини, дин эркинлигини, қийноқларга қарши курашишни таъминлаш бўйича аниқ чоралар қабул қилинмоқда. Айниқса, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга нисбатан ҳар қандай стереотиплар ва зўравонликларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қийноқлар ва зўравонликнинг бошқа турлари конституциявий даражада тақиқланган. Конституциянинг 26-моддасида қийноқлар, зўравонлик ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолар тақиқланган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Нельсон Мандела қоидалари миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётга татбиқ этилган.

Шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон инсон

ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига доимий равишда татбиқ этиб келмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер, инсон ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши экспертизаси амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон 2021 йилда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди, унинг қоидалари "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида"ги янги қонунда ўз аксини топган. Мамлакатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг жамиятга интеграциялашуви, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бу бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш ҳамда жамиятда миллатлараро, динлараро тотувликни мустаҳкамлашдир. Хусусан, Конституциянинг 19-моддаси асосида Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кафолатланади.

Мамлакатда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати концепцияси амалга оширилмоқда. Дунёда Халқаро дўстлик куни деб қабул қилинган 30 июль санаси мамлакатимизда Халқлар дўстлиги куни деб эълон қилинган ва ўзига хос байрам сифатида кенг нишонланади.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлиб яшамоқда. Шунингдек, 157 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилмоқда, мактаб ўқувчилари давлат ҳисобидан дарсликлар ва бадиий адабиётлар билан таъминланади. Ўзбекистонда 12 тилда телевидение ва радио дастурлари эфирга узатилади, 10 дан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилади.

Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таълими самарадорлигини ошириш, шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишлар фаол давом этмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий таълим дастури амалга оширилмоқда. Касб-ҳунар ва олий таълим тизимида "инсон ҳуқуқлари", "аёллар ҳуқуқлари", "болалар ҳуқуқлари" ўқув курслари жорий этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўлланма ва рисолалар доимий равишда нашр этилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим учун электрон платформа ишга туширилди.

Ҳозирги даврда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлашда бизнес тузилмалари билан тажриба алмашиш ва мулоқотни йўлга қўйиш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Мамлакатда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (Бизнес-Омбудсман) ушбу йўналишда фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ҳар йили 20 августда Тадбиркорлар куни ўтказилиб, бизнес вакиллари билан доимий мулоқот ташкил этилмоқда. Парламент томонидан Тадбиркорлик кодекси қабул қилиш учун тайёрланмоқда. Қолаверса, "Бизнес ва инсон ҳуқуқлари" миллий ҳаракатлар режасини қабул қилиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

БМТ Бош котибининг "Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват" ташаббусини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари ва нормалари тўғрисидаги билимларини ошириш мақсадида мамлакатимизда ўтган йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги тадбирлар дастури қабул қилинди.

Жорий йилда Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция қабул қилинганининг 45 йиллигини, Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция қабул қилинганининг 40 йиллигини ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 35 йиллигини нишонлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу йилнинг июнь ойида Самарқанд шаҳрида "Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш" мавзусида Инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи форум ўтказилди. Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли тадбирга аллақачон Самарқанд форуми номи берилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд форуми иштирокчиларига йўллаган табригида 2018 йилда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми жаҳон амалиётига ўзига хос "Самарқанд руҳи"ни олиб киргани таъкидланди. Самарқанд шаҳрида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг долзарб муаммоларга бағишланган форумлар ўтказиш яхши анъанага айланди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос равишда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, адвокатура институтининг мавқеини кескин ошириш, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва адлия тизимини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, 2025 йил 1 январдан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьяси лавозими жорий этилади. Ушбу судьяга “Хабеас корпус” институти билан боғлиқ бир қатор ваколатлар, жумладан: қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уларнинг муддатини узайтириш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, мол-мулкни хатлаш ваколатлари берилмоқда. Шунингдек, судья айбланувчини лавозимидан четлаштириш, тиббий муассасага жойлаштириш, қамоқда сақлаш муддатини қирқ саккиз соатгача узайтириш каби мажбурлов чораларини ҳам амалга ошириши мумкин.

Жорий йилнинг октябрида Ўзбекистонда парламент сайлови Конституцияда белгиланган янги ижтимоий-сиёсий муҳитда бўлиб ўтди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловлар тарихда биринчи марта аралаш, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилди.

Бунда парламент қуйи палатаси депутатларининг 75 нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича мажоритар тизим (номзод учун овоз бериш), қолган 75 нафари пропорционал тизим бўйича, яъни сиёсий партияларга берилган овозлар асосида (партия рўйхати асосида) сайланди. Қонунчиликда белгиланганидек, сиёсий партиялар томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлардан аёллар 40 фоиздан кам бўлмаслиги шартига амал қилинганлиги яхши натижа кўрсатди.

Сайлов янгиланган Конституция мустаҳкамлаган кучли парламентаризм ва жойларда вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда бўлиб ўтди.

Бу жараёнларда сайлов қонунчилиги демократик стандартларга мувофиқ тўлиқ такомиллаштирилгани муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси бошчилигида янги сайлов органлари тизими жорий қилинди. Шунингдек, депутатликка номзод сайланиши учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши белгиланди. Сайлов жараёнларини ўтказишда “E-saylov” ахборот тизими фаол қўлланилиб, ушбу тизим орқали сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан деярли 60 турдаги муносабати тўлиқ электрон тарзда амалга оширилди.

Шундай қилиб 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг ўзига хос жиҳатларидан бири – сайловчиларнинг фуқаролик масъулияти ва дахлдорлик туйғуси янада ошганлиги билан боғлиқ. Яна бир муҳим мезон: фуқароларимизнинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайловлари жараёнига қизиқишининг сезиларли даражада ошгани барча босқичлари очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик асосида ўтказилган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда яққол сезилди.

Шунингдек, парламент сайловларида аралаш сайлов тизимининг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги демократик муҳитга янги қувват бағишлагани сайловолди ташвиқоти давомида яққол намоён бўлди. Буларнинг барчаси янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг амалий аҳамиятидан далолатдир.

#

**Сардорбек КАРИМОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Ушбу мақолада "вояга етмаган", "уй-жой", "прокурор назорати" тушунчалари амалдаги прокурор назоратига оид назария ва миллий қонунчилик бўйича ўрганилди ва таҳлил этилди. Муаллиф вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети, объекти ва субъектини назарий жиҳатдан чуқур ўрганган ҳамда бу борадаги таклиф ва мулоҳазаларни баён этган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В данной статье изучены и проанализированы понятия "несовершеннолетний", "жилищный", "прокурорский надзор" согласно действующему национальному законодательству и теории прокурорского контроля. Автор глубоко исследовал предмет, объект и субъект прокурорского надзора за исполнением законодательства, направленного на обеспечение прав несовершеннолетних на жилище с теоретической точки зрения, а также высказал предложения и мнения по этому поводу.*

***ABSTRACT.*** *This article examines and analyzes the concepts of "minor", "housing", "prosecutor's supervision" in accordance with the current national legislation and the theory of prosecutorial control. The author deeply examined the subject, object and subject of prosecutorial supervision over the implementation of legislation aimed at ensuring the rights of minors to housing from a theoretical point of view, and also expressed proposals and opinions on this matter.*

***Калит сўзлар:*** *прокурор назорати, вояга етмаганлар, уй-жой, уй-жойга бўлган ҳуқуқ, прокурор назорати предмети, объекти ва субъекти.*

***Ключевые слова:*** *прокурорский надзор, несовершеннолетние, жилище, право на жилище, предмет, объект и субъект прокурорского надзора.*

***Key words:*** *prosecutorial supervision, minors, housing, right to housing, subject, object and subject of prosecutorial supervision.*

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди ва ушбу ишлар мантиқий изчилликда давом эттирилмоқда.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилган асосий қоидалар 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган уларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби бевосита оила, болалар ва ёшларга бағишланган бўлиб, унинг 79-моддасида давлат ёшларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиши қайд этилган. Хусусан, ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиши алоҳида қайд этилган. Вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ўз вақтида ва тўлақонли таъминлаш нуқтаи назаридан прокуратура органлари муҳим ва катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни 4-моддасига мувофиқ прокуратура органлари фаолиятининг 9 та асосий йўналиши белгиланган. Прокурор назоратига оид назарияларни ўрганиш шуни кўрсатдики, бугунги кунда вояга етмаганларни уй-жой билан таъминлаш нақадар долзарб бўлишига қарамай алоҳида йўналиш эмас, балки йўналиш ичида ўрганиладиган бир тармоқ тариқасида қайд этилган.

Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ишончли ва тўлақонли таъминлашга оид қонунчилик устидан назорат қилиш, бу борадаги камчиликларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан ўз вақтида самарали таъ-

сир чораларини қўллаш “фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш” йўналиши доирасида амалга оширилмоқда.

Вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш орқали асослантирилган назарий хулосаларга келиш ҳамда амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун, биринчи навбатда, бу борадаги “вояга етмаган”, “уй-жой”, “уй-жойга бўлган ҳуқуқ”, “прокурор назорати” тушунчалари мазмун-моҳиятини илмий манбалар, юридик энциклопедия, луғатлар, миллий ҳамда хорижий мамлакат олимларининг қарашлари асосида тўлиқ ёритиб бериш лозим, назаримизда.

Фикримизча, “вояга етмаган” тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида энг кўп қўлланиладиган юридик атамалардан бири ҳисобланиб, унга “вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс”[1] деб таъриф берилган. Мазкур тушунчага меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ таъриф берилган. Шу боис ушбу юридик атамага ортиқча тўхталиш шарт эмас.

Ўрганилиши лозим бўлган кейинги тушунча бу “уй-жой” ҳисобланади. Миллий қонунчиликни ўрганиш шуни кўрсатадики, “уй-жой” тушунчасига аниқ таъриф мавжуд эмас. Бу борада илмий ва ўқув адабиётларда “уй-жой” тушунчасига таърифлар берилган. Масалан, О.Йўлчиевнинг фикрича, “уй-жой” муайян хоналардан ташкил топадиган муайян бино, шунингдек бундай бинода яшаш билан боғлиқ бўлган фуқароларнинг маиший-хўжалик ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ёрдамчи фойдаланишдаги бинолар мажмуасидир[2].

Қайд этиш жоизки, миллий қонунчилигимизда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш нуқтаи назаридан “уй-жой” тушунчасига таъриф берилган. Хусусан, уй-жой – етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаши учун барча зарур шароитларга эга бўлган (таъмирланган ва жиҳозланган (ошхона анжомлари, газ плита, каравот, телевизор, музлатгич, стол-стул), фойдаланишга тайёр бўлган уй-жой[3].

Мазкур уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 14, 22-моддаларида баён қилинган. Хусусан, белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида янги қурилаётган уйга мулк ҳуқуқи уй давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Уйнинг, квартиранинг олди-сотди ва айирбошлаш шартномаси ёзма шаклда, тарафлар имзолайдиган битта ҳужжатни тайёрлаш йўли билан тузилади ҳамда у нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Давлатга қарашли уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонунчиликда назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

“Вояга етмаганларнинг уй-жой ҳуқуқлари” тушунчасига таъриф беришда уй-жойга бўлган конституциявий ҳуқуқдан келиб чиқиш керак, яъни вояга етмаганнинг турар жой биноларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ мулкий ҳуқуқлари мажмуидир.

Бу борада юқоридагиларга асосан қуйидаги хулосага келиш мумкин: “Вояга етмаганларнинг уй-жой ҳуқуқлари – вояга етмаганлар яшаши учун барча зарур шароитларга эга бўлган (таъмирланган ва жиҳозланган (ошхона анжомлари, газ плита, каравот, телевизор, музлатгич, стол-стул), фойдаланишга тайёр бўлган уй-жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ мулкий ҳуқуқлари тўпламидир”.

Кейинги таҳлил этиладиган масалалардан бири “прокурор назорати” тушунчасидир. Фикримизча, ушбу тушунчанинг моҳиятини тушуниш орқали вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати мазмунини тўлиқ очиб бериш мумкин.

Олимлар томонидан “прокурор назорати” тушунчасига турлича таърифлар берилган. Жумладан, О.М.Мадалиевнинг фикрига кўра, прокурор назорати деганда давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар – прокурорлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда ба-

---

1 Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 263-сонли қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон

2 О.Йўлчиев Кўчмас мулкнинг ўзига хос объекти сифатида уй-жойнинг ҳуқуқий режими // Образование наука и инновационные идеи в мире, 2023 йил, июль. №25, –70-71-б.

3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сонли қарори билан тасдиқланган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги низом // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.10.2021 й., 09/21/656/0996-сон, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон, 02.06.2022 й., 09/22/295/0462-сон, 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон, 17.08.2022 й., 09/22/451/0743-сон; 04.09.2023 й., 09/23/434/0679-сон

жарилишини таъминлашга қаратилган фаолияти тушунилиши лозим[4].

М.Рустамбаев томонидан “прокурор назорати” тушунчасига О.М.Мадалиев томонидан берилган таърифга ўхшаш фикр берилган. Хусусан, “Прокурор назорати – давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахс – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир”[5], деб таъриф берган.

Ф.Рахимов “прокурор назорати” тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Ўзбекистонда прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат фаолиятини амалга оширувчи прокуратура органларининг ўзига хос фаолияти туридир. Прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил, алоҳида мақомга эга ўзига хос кўриниши”[6].

О.Шокиров “прокурор назорати” тушунчасига “прокуратура органларининг Конституция ва қонунларга асосланган ҳолда, уларга қонун билан берилган ваколатлар доирасида давлат ҳокимияти тармоқларидан мустақил равишда амалга ошириладиган, қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида ва тезкорлик билан аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, қонун бузилишларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни профилактика қилишга қаратилган махсус фаолияти тушунилиши мақсадга мувофиқ бўлади”[7], деб таъриф берган.

Т.Г.Воеводинанинг фикрича, прокурор назорати “фақат прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган ва назорат остидаги органлар ва шахслар томонидан Россия Федерацияси Конституциясига риоя этилишини ва Россия Федерацияси ҳудудида амалдаги қонунларнинг прокурорларга хос бўлган ҳуқуқий назорат воситалари билан бажарилишини текширишда ифодаланган давлат фаолиятининг бир тури”[8].

“Прокурор назорати” тушунчасига Е.А.Миллерова томонидан ҳам таъриф берилган бўлиб, унда бу фаолият фақат прокуратура томонидан амалга оширилиши ва бошқа органлар томонидан амалга оширилмаслиги алоҳида таъкидланган[9].

Ўзбекистонлик ёш тадқиқотчи Д.Ш.Ибрагимовнинг фикрича, прокурор назорати – бу прокуратура органларининг қонунларда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат идораларидан мустақил равишда амалга оширадиган, қонунларнинг аниқ ва бир хилда амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш, унга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни профилактика қилишга қаратилган фаолиятдир[10]. Ушбу тадқиқотчи томонидан қонун бузилиши ҳолатларига имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни профилактика қилишга қаратилган фаолият деб билдирган фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин, назаримизда.

Таҳлилларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати – қонун асосида фақат прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашда қонун бузилишларни дарҳол аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш ҳамда ушбу соҳадаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш фаолиятидир.

Фикримизча, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мазмун-моҳиятини аниқлаш ва уни тўлиқ очиб бериш учун бу борадаги прокурор назорати предмети, объекти, субъекти ва уларнинг ўзига хос бошқа жиҳатларини турли хил илмий-назарий қарашлар асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур.

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг уй-жой-

4 Мадалиев О.М. Прокурор назорати муаммолари фанидан ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006 йил, 82-83-бетлар

5 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратураси: рисола // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005 йил, 8-12-бетлар

6 Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами // Ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2008 йил, 87-94-бетлар

7 Шокиров О. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари қарорлари қонунийлиги устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. 2024. Special Issue – 02 (2024) / ISSN 2181-1415. – 178-б.

8 Воеводина Татьяна Геннадьевна. Прокурорский надзор за исполнением законов о несовершеннолетних: [монография] // Т. Г. Воеводина; МЦНП «Новая наука» – Петрозаводск, 2019 г. – С. 85-86.

9 Прокурорский надзор: учеб. пособие / Е.А. Миллерова; ФГБОУ ВО РГУПС. – Ростов н/Д, 2017 г. – 58 с. – Библиогр.: с. 5.

10 Ибрагимов Д.Ш. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023 йил, 9-бет

га бўлган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш етарлича ўрганилмаганлиги сабабли юридик манбаларда ўзбек ҳуқуқшунос олимлари томонидан бу борадаги прокурор назорати предметига оид билдирилган фикрларни деярли учратмайсиз. Шу боис хорижлик олимларнинг фикрлари билан илмий мунозарага киришилди. Жумладан Н.Е.Ничкованинг фикрича, назорат предмети ва объекти ўзаро боғлиқ бўлган категориялар бўлса-да, уларни ажратиб кўрсатиш керак[11]. Назаримизда, биз ушбу фикрга тўлиқ қўшилган ҳолда прокурор назорати предметига оид қарашларни таҳлил этишимиз мантиқан тўғридир.

Прокурор назоратига оид юридик адабиётларда прокурор назорати предмети тушунчаси борасида турлича фикрлар мавжуд. Масалан, А.Х.Казарина “прокурор назорати предметини органлар, мансабдор шахслар, тижорат ва нотижорат ташкилотлар раҳбарларининг “Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида”ги Федерал қонунида белгиланган хатти-ҳаракатлари ва ҳужжатларининг қонунийлиги”[12], деб таъкидлайди.

В.Б.Ястребов томонидан прокурор назорати предмети тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Прокуратура назорати ваколатига кирадиган органлар, ташкилотлар ва шахсларнинг қонунда кўрсатилган ҳаракатлари ва ҳужжатларининг қонунийлиги”[13].

Вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати “фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш” йўналиши доирасида тадқиқ этилаётганидан келиб чиқиб, бу борадаги прокурор назорати предметини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 24-моддасига мурожаат қилиш керак бўлади. Чунончи, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети эканлиги қайд этилган.

Бу борада хорижлик олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Хусусан, А.А.Альборова “прокурорлар назорат йўналишларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ ва аниқ билиши бу борадаги прокурор назорат предметини тушуниш учун зарур”[14], деб таъкидлаган фикрига тўлиқ қўшиламиз.

Айнан вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратини чуқур тадқиқ этган М.Л.Огурцованинг фикрича, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети “Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида”ги Федерал қонунининг 26-моддасида санаб ўтилган органлар, уларнинг мансабдор шахслари ва ташкилотлари томонидан вояга етмаганларнинг уй-жой ҳуқуқларига риоя этилишидир[15].

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети деб ҳисоблаш мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, бу борадаги вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

– ушбу органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги;

– ушбу органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ва фуқароларнинг уй-жой фаолияти соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши.

Нуқтаи назаримизча, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметини белгилашга бундай ёндашув

11 Ничкова Н. Е. Субъекты прокурорского надзора за исполнением законов в сфере оборота наркотиков //Вопросы российской юстиции. – 2020 г. – №. 7. – С. 554-558.

12 Казарина А.Х. Теоретические и прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов экономической направленности: автореф. дис д-ра юрид. наук: 12.00.11. М., 2009 г. С. 35.

13 Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: учебник. М.: Зерцало-М, 2011 г. – С.12 15.

14 Альборова А.А. Предмет прокурорского надзора за исполнением законов в сфере градостроительной деятельности // ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ БИТ 2020 г. Том 4 № 1 (13). – С. 13-15.

15 Огурцова М.Л. Прокурорский надзор за соблюдением жилищных прав несовершеннолетних: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.11 / Огурцова Марина Леонидовна – М., 2015 г. – С. 45.

ушбу соҳада қонунийликни, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини етарли даражада таъминлашга замин яратади.

Яна бир муҳим масалалардан бири "прокурор назорати объекти" тушунчасига таъриф бериш орқали вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектининг мазмун-моҳиятини очиб беришдир.

Бу борада М.Ф.Максютовнинг фикрича, назорат объектлари ва субъектлари доирасини аниқлаш прокурор учун назорат предметини тушуниш каби муҳимдир, чунки амалда бу сизга ишни тўғри режалаштириш, иш юкини прокурорлар ва назорат органлари ўртасида тақсимлаш имконини беради[16]. Прокурор назорат объекти ва субъекти тўғрисида билдирилган мазкур фикр ўринли бўлиб, ушбу нуқтаи назарни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан ўринли фикр билдирилган. "Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади"[17].

Прокурор назорати объекти борасида олимларнинг фикрларига тўхталадиган бўлсак, Е.Н.Костенко "прокурор назорати функциялари амалга ошириладиган муассаса ва ташкилотлар тушунилиши керак"[18], деб таъкидлайди.

А.Ю.Винокуров томонидан билдирилган фикрлар Е.Н.Костенконики билан деярли бир хилдир. Унинг сўзларига кўра, прокурор назорати объектлари "Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида"ги Федерал қонунида ва прокурор назорати объектига киритилган бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган органлар ва бошқа тузилмалардир[19].

Т.В.Занин томонидан билдирилган фикр ҳам ўринли, назаримизда. Унинг фикрича, "Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида"ги Федерал қонуни тегишли моддасида кўрсатилган рўйхатда алоҳида шахслар кўрсатилмаганлиги сабабли уларнинг фаолияти прокурор назорати объекти эмас[20].

Айрим олимлар ушбу фикрга қисман қўшилган ҳолда мансабдор шахсларни ҳам назорат объекти сифатида кўрсатиб ўтишган. Масалан, В.П.Рябцев мансабдор шахслар ва бошқа шахсларни, шунингдек, "Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида"ги Федерал қонунида мустаҳкамланган органларни шахсларнинг жонли табиатига аҳамият бермасдан, назорат объектлари сифатида кўради[21].

Бу борада ўзбекистонлик тадқиқотчи Д.Ш.Ибрагимовнинг фикрича, прокурор назорат объекти деганда Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар ҳисобланади[22]. Фикримизча, ушбу фикрлар билан тўлиқ келишиб бўлмайди, чунки ташкилотлар ва бошқа тузилмалар назорат объекти бўлса, мансабдор шахслар эса назорат субъектидир.

Айрим муаллифлар, афсуски, прокурор назорати объектлари ва субъектларини ажратмайдилар[23].

Кейинги муҳокама масалаларидан бири прокурор назорати субъектларини кўриб чиқиш ҳисобланади. Профессор А.Ю.Винокуровнинг сўзларига кўра, прокурор назорати субъектлари "Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида"ги Федерал қонунида кўрсатилган мансабдор шахслар ва прокурор томонидан назорат қилинадиган ва прокурор назорати объектига киритилган бошқа шахслардир[24].

Фикримизча, прокурор назорати муносабатлари икки томонлама муносабатлардир. Демак, прокурор назорати муносабатларининг субъекти, бир томондан прокурор, иккинчи томондан "назорат қилинадиган" субъектлар бўлади.

Бу борада Россия Федерация қонунчилигига тўх-

16 Максютов М. Ф. Объекты и субъекты прокурорского надзора за исполнением законов в сфере корпоративных закупок (вопросы теории и практики) //Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2018 г. – №. 4. – С. 128-132.

17 Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // "Халқ сўзи" газетаси, 2001 йил 30 август

18 Костенко Е.Н. Объекты прокурорского надзора за исполнением законов о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // Современное право. – 2018 г.- № 7-8. – С. 29.

19 Прокурорский надзор: Учебник для вузов / под редакцией Ю.Е. Винокурова – М.: Издательство Юрайт. 2020 г. С. 25.

20 Занин Т. В. Является ли деятельность физических лиц объектом прокурорского надзора? // Криминалистъ. 2015 г. N 1 (16) С. 43.

21 Прокурорский надзор: Учебник для вузов/ под общ. ред. А. Я. Сухарева. М.: Издательство Норма. 2001 г. С. 16.

22 Ибрагимов Д.Ш. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023 йил, 15-бет

23 Казарина А.Х. Избранные труды / сост. Р.В. Жубрин и др.; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М., 2014 г. С. 201, 204, 205.

24 Прокурорский надзор: Учебник для вузов / под редакцией Ю.Е. Винокурова – М.: Издательство Юрайт. 2020 г. С. 25.

таладиган бўлсак, назорат субъекти, "Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисида"ги Федерал қонунининг 1-моддасига биноан, прокурор – прокуратура органларида доимий ёки вақтинча хизматда бўлган ва ўз ваколатлари доирасида прокуратура назоратини амалга оширадиган мансабдор шахс[25].

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети, объекти ва субъектларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш бу борадаги миллий қонунчиликнинг келгусида янада такомиллашишига ҳамда вояга етмаганларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини тўла ва ўз вақтида таъминлашга замин яратади.

#

25 https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/

**Гулчеҳра МАЛИКОВА,**
**Главный научный сотрудник Института законодательства**
**и правовой политики при Президенте Республики Узбекистан,**
**д.ю.н., профессор,**

# AD IMPOSSIBILIA LEX NON COGIT ИЛИ ЗАКОН НЕ ТРЕБУЕТ НЕВОЗМОЖНОГО

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье проводится правовой анализ отдельных положений недавно принятого Конституционного закона «О Кабинете Министров Республики Узбекистан». Автор исследует соотношение поставленных Президентом задач с их нормативным отражением в тексте закона, выявляя недостающие элементы и проблемные аспекты, существующие в правоприменительной практике. Кроме того, рассматриваются потенциальные риски, связанные с неполным охватом ряда важных управленческих вопросов. Особое внимание уделено правовым аспектам текущих реформ, нацеленным на модернизацию системы государственного управления и повышение эффективности деятельности исполнительной власти.*

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақола яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг айрим нормаларини ҳуқуқий таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф Президент томонидан қўйилган вазифаларнинг қонунда норматив ифодаланиши даражасини ўрганиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд муаммоли жиҳатларни аниқлайди. Шунингдек, бошқарувнинг бир қатор муҳим масалаларни тўлиқ қамраб олинмаганлиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар кўриб чиқилади. Давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш ва ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ҳозирги ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади.*

***ABSTRACT.*** *The article provides a legal analysis of certain provisions of the recently adopted Constitutional Law «On the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan». The author examines the alignment between the tasks set by the President and their regulatory reflection in the law, identifying missing elements and problematic aspects present in law enforcement practices. Additionally, potential risks related to the incomplete coverage of several important governance issues are discussed. Special attention is given to the legal aspects of ongoing reforms aimed at modernizing the state governance system and increasing the efficiency of the executive branch.*

***Ключевые слова:*** *реорганизация, сложение полномочий, инспекция, контроль, дублирование полномочий, приостановление решений.*

***Калит сўзлар:*** *қайта ташкил этиш, ваколатларни зиммасидан соқит қилиш, инспекция, назорат, такрорланган ваколатлар, қарорларни тўхтатиб туриш.*

***Key words:*** *reorganization, an abdication, inspection, control, duplication of powers, suspension of decisions.*

В исполнительной ветви заключено то звено государства, которое практически организует жизнь каждого народа. Эта власть включает в себя основную массу государственных органов и наибольшее число государственных служащих, она обладает широкими полномочиями. Исполнения законов, являющееся по концепции правового государства главной функцией исполнительной власти, объективно требует осуществления большой распорядительной деятельности, которая неизбежно затрагивает права и интересы граждан. Отсюда та тщательность, с которой в каждом демократическом государстве подходят к вопросам формирования, организации и ответственности органов исполнительной власти.

Система органов исполнительной власти утверждена в Указе Президента Республики Узбекистан «О первоочередных организационных мерах по эффективному налаживанию деятельности республиканских органов исполнительной власти» №УП-14 от 23 января 2023 года. (Далее – **УП-14**). *Это – министерства, комитеты, агентства и инспекции.*

Согласно ст.114 Конституции Республики Узбекистан исполнительную власть осуществляет Кабинет Министров Республики Узбекистан, деятельность которого регулируется Конституционным законом «О Кабинете Министров Республики Узбекистан» принятого 25 октября 2024 года. Остановимся на его некоторых положениях.

**Первое.** Основанием для разработки данного законопроекта является **п.18 Указа Президента №УП-269 от 24 декабря 2022 года «О мерах по реализации административных реформ Нового Узбекистана»** (далее – **УП-269**), в котором было определено, что проект **нового Закона «О Кабинете Министров Республики Узбекистан»** должен предусматривать определение:

- статуса органов исполнительной власти, в том числе в разрезе их республиканских и территориальных подразделений;
- конкретного порядка образования и упразднения исполнительной власти, а также критерии их разграничивающие.

Разработчики конституционного закона справились с данной задачей, однако логической проработки на законодательном уровне ждут такие во-

просы как определение статуса территориальных органов, а также создание **конкретного порядка образования и упразднения** исполнительной власти.

Ещё в Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции административной реформы Республики Узбекистан» №УП-5185 от 9 сентября 2017 года (далее – **УП-5185**) была поставлена задача «внедрения четких критериев и процедур *создания и упразднения органов исполнительной власти*», включая их структурные и территориальные подразделения. Однако, порядок, регулирующий эту сферу деятельности так, и не был разработан.

Разработка проекта закона с определением основ и критериев *организации и прекращения деятельности республиканских органов исполнительной власти* с уточнением их полномочий и сфер ответственности вновь стала актуальна с Указом Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» №УП-60 от 22 января 2022 года (далее – **УП-60**).

Министерством Юстиции был разработан законопроект «О республиканских органах исполнительной власти», но так и не был внесен в Законодательную палату.

УП-60 в цели 4 вновь обозначил «Разработку правовых механизмов, предусматривающих *конкретный порядок создания и упразднения министерств и ведомств, критерии их разграничения*, пересмотр действующей системы государственного управления. Однако единый правовой продукт так и не был получен.

Отсутствие данного порядка перерастает в системный характер. Из-за не проработанности порядка нет четкого разделения функций, из-за отсутствия четкого разделения функций усложняется процесс рассмотрения вопроса, из-за усложненного процесса рассмотрения принятие управленческих решений страдает мобильностью, отсутствие мобильности сказывается на результативности.

**Второе.** Разработчику конституционного закона следовало определиться с судьбой ранее разработанного проекта закона «О республиканских органах исполнительной власти». Поскольку этот закон мог бы урегулировать многие вопросы, обозначенные в УП-269. Таковой, например, представляется ст.4 «Статус республиканских органов исполнительной власти» Конституционного закона «О Кабинете Министров Республики Узбекистан», потому как она не является его предметом. Для обозначения статуса республиканских органов исполнительной власти нужен специальный закон, подробно регулирующий их деятельность.

Анализируя ст.4 Конституционного закона «О Кабинете Министров Республики Узбекистан» считаем необходимым остановиться на одной из структур исполнительных органов власти – *инспекциях*. Согласно определению «**Инспекция** является республиканским органом исполнительной власти, осуществляющим в качестве своей основной задачи **государственный надзор и контроль** в соответствующих сферах и отраслях, а также **функционирующим в организационном подчинении министерства**». На сегодняшний день при 8 министерствах функционируют 8 Инспекций.

На совещании 16 января 2024 года Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев назвал «абсолютно неудовлетворительной» работу Инспекции государственного финансового контроля, которая при проверке в детсадах находила «дежурные недостатки». «В 259 садах выявлены недостатки на 10 млрд. сумов, хотя на самом деле там 100 млрд сумов». Он также заявил о «высокой коррупции» в ведомстве[1]. Сегодня инспекция государственного финансового контроля передана в структуру Департамента по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре.

В своё время Генеральный прокурор Республики Узбекистан Н.Т.Юлдашев поставил под сомнение независимость проверяющих органов, которые находятся в подчинении министерств и ведомств: «если при одном министерстве будут и контролирующий, и контролируемый [органы], то там никогда не будет настоящего надзора. Самое главное – мы должны создать условия для независимой деятельности проверяющих органов»[2].

При выявлении правонарушений на «миллиарды» со стороны независимой структуры, считаем, что пассивная деятельность внутреннего контроля требует передачу этих функций **Счетной палате**. Это позволит сэкономить бюджетные деньги, выделяемые Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан с целью открытия специальных управлений и отделов по вопросам общего надзора.

Наличие в структуре министерств инспекций создает конфликт интересов, так как основной функцией инспекций является государственный надзор и контроль в соответствующих сферах и отраслях, т.е. в сферах и отраслях, отнесенных к ведению именно министерств. И при таком раскладе инспекции при министерствах, конечно-же, не смогут быть независимыми структурами. В этом

1 «КРУ стало ведомством, находящим “дежурные” нарушения» - президент Узбекистана. // https://www.gazeta.uz/ru/2024/01/17/kru/

2 Проверяющие органы не должны находиться в подчинении министерств – генпрокурор. // https://www.gazeta.uz/ru/2021/04/24/inspections/

и состоит функциональный конфликт интересов.

**Третье.** В пункте 6 ст.20 Конституционного Закона «О Кабинете Министров» закреплено, что Кабинет Министров вносит предложения Президенту Республики Узбекистан **об образовании и упразднении** республиканских органов исполнительной власти.

Однако, разработчик упустил из виду, что абзац 13 ст.9 конституционного закона, к компетенции Кабинета Министров относит и **вопрос о реорганизации** республиканских органов исполнительной власти.

Правоприменительная практика показывает, что Президент Республики Узбекистан подписывает указы регулирующие вопросы реорганизации республиканских органов исполнительной власти (например, УП-269, УП-14). Если в полномочия Кабинета Министров входит «разработка предложений о совершенствовании структуры государственного управления, **об образовании, реорганизации и упразднении республиканских органов** государственной власти» не совсем понятна причина, по которой разработчик не раскрыл данный механизм в рассматриваемом конституционном законе.

***Справочно:*** *вопрос реорганизации республиканских органов исполнительной власти четко регламентирован в законодательстве США. В частности, согласно акту «О реорганизации исполнительной власти» Президент США должен предоставить план о реорганизации исполнительной власти для рассмотрения обеим палатам Конгресса США одновременно. Закон подробно регулирует процедурные моменты, такие как: план реорганизации; ограничение полномочий; дата вступления в силу и опубликование планов реорганизации; влияние реорганизации на другие законы, предстоящие судебные разбирательства и неизрасходованные ассигнования; правила Сената и Палаты Представителей о планах реорганизации; условия разрешения; дебаты; голосование по окончательному решению; неодобрение* [3].

Хотя пункт 41 «Единой Методики юридико-технического оформления проектов нормативно-правовых актов, а также информационно-аналитических материалов, прилагаемых к ним» (далее – **Единая Методика**) закрепил, что «по мере возможности в одном акте должны быть **полностью урегулированы** все вопросы определенной отрасли права и сферы общественных отношений». Полагаем, что вопрос о реорганизации органов государственного управления, также, как и вопросы об образовании и упразднении должны были быть отражены специальной нормой.

**Четвертое.** Часть 3 ст.116 Конституции Республики Узбекистан установила, что «действующий Кабинет Министров слагает свои полномочия перед вновь избранным Олий Мажлисом Республики Узбекистан, но в соответствии с решением Президента Республики Узбекистан продолжает свою деятельность до формирования нового состава Кабинета Министров». Эта норма точно в таком же контексте была отражена в части 15 ст.7 Конституционного Закона «О Кабинете Министров Республики Узбекистан». Однако она вызывает ряд вопросов:

1) каким нормативным актом Кабинет Министров оформляет сложение полномочий?

2) сроки сложения полномочий?

Процессуальные моменты должны были быть тщательно доработаны в Конституционном Законе «О Кабинете Министров Республики Узбекистан». Таково предписание пункта 14 Единой Методики, где установлено, что «структура проекта должна обеспечивать логическое развитие и раскрытие предмета правового регулирования». Инициатору не следовало копировать вышеназванную норму, а раскрыть ее механизм. Однако, проект закона не регулирует порядок сложения полномочий.

***Справочно.*** *С.9 Закона Республики Беларусь «О Совете министров» закрепила, что Совет Министров Республики Беларусь принимает постановление о сложении полномочий*[4].

*Ст.34 Федерального конституционного закона Российской Федерации устанавливает, что «Решение о сложении Правительством Российской Федерации своих полномочий оформляется распоряжением Правительства Российской Федерации в день вступления в должность Президента Российской Федерации»*[5].

*Ст.8 Закона Литовской Республики «О Правительстве» закрепила, «считается, что Правительство сложило свои полномочия, когда Премьер-министр или член Правительства, замещающий Премьер-министра, вручает Президенту Республики письменное заявление»*[6].

Открытым остаётся вопрос относительно **решений** Президента о продолжении деятельности действующего правительства до формирования нового состава Кабинета Министров. В какой форме – постановление или указ – Президент Республики

3 https://www.congress.gov/95/statute/STATUTE-91/STATUTE-91-Pg29.pdf

4 Конституция Республики Беларусь. // https://president.gov.by/ru/gosudarstvo/constitution

5 Федеральный конституционный закон «О Правительстве Российской Федерации». // //https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_366950/

6 Закон Литовской Республики «О Правительстве». // https://e-seimas.lrs.lt/rs/legalact/TAD/TAIS.417047/

Узбекистан принимает данное решение?

***Справочно.*** *7 мая 2024 года Президент Российской Федерации принял Указ «О сложении полномочий правительства Российской Федерации»*[7].

*29 марта 2023 года Президент Республики Казахстан принял Указ «О правительстве Республики Казахстан», в котором постановляет, что «Правительству Республики Казахстан исполнять свои обязанности до утверждения нового состава Правительства Республики Казахстан»*[8].

**Пятое.** Абзац 6 ст.44 Конституционного Закона «О Кабинете Министров» гласит, что Кабинет Министров «вправе **приостанавливать и отменять решения** и распоряжения хокимов областей и города Ташкента, противоречащие законодательству». Указанная норма противоречит пункту 16 статьи 109 Конституции Республики Узбекистан, согласно которому Президент Республики Узбекистан обладает исключительным полномочием **по приостановлению, отмене актов** республиканских органов исполнительной власти и **хокимов**. Данная норма является Президентским контролем в отношении исполнительной власти в целом и региональной в частности. Это коррелирует с нормой ст.105 Конституции Республики Узбекистан, которая установила, что Президент Республики Узбекистан призван обеспечивать согласованное функционирование и взаимодействие органов государственной власти.

Если и Президент, и Кабинет Министров имеют право отменять решения хокимов, это может привести к дублированию функций и неэффективности. Такая система требует большего количества ресурсов для анализа и проверки решений, что приведет к увеличению бюрократии и снижению скорости работы. Считаем, что право на отмену решений хокимов сразу двумя органами создаст излишнюю нагрузку на административную систему, снижая ее гибкость и усложнит взаимодействие между различными уровнями власти.

**Шестое.** Часть 12 ст.20 Конституционного Закона «О Кабинете Министров» закрепила норму, что «Кабинет Министров в случае необходимости **может передавать решение** отдельных вопросов государственного управления, входящих в его компетенцию, министерствам и другим республиканским органам исполнительной власти, если решение этих вопросов не отнесено законодательством **к исключительной компетенции Правительства Республики Узбекистан**». Данная норма вызывает ряд вопросов процессуального характера:

1) Каковы конкретные критерии «необходимости» для передачи полномочий Кабинетом Министров другим органам?

2) Каковы исключительные полномочия Кабинета Министров, передача которых невозможна?

3) Как передача полномочий влияет на общую стратегию и координацию государственной политики?

4) Каким образом учитываются компетенции и ресурсы министерств и органов, принимающих полномочия?

5) Могут ли переданные полномочия быть отозваны, и если да, то в каких случаях?

Таким образом, передача полномочий от Кабинета Министров другим республиканским органам исполнительной власти, хотя и может быть эффективной для оперативного решения вопросов, требует четкого контроля, координации и выработки стратегического подхода. Иначе это может ослабить эффективность управления и увеличить административные и социальные риски.

**В заключение** важно отметить, что данный конституционный закон, несмотря на его значимость и актуальность, оставляет ряд важных проблем нерешенными. Этот пробел может существенно снизить его эффективность и создать препятствия для достижения целей, ради которых он был принят. Отсутствие комплексного учета существующих вызовов требует пересмотра и доработки, чтобы он мог отвечать реальным потребностям общества и эффективно регулировать важные аспекты, остающиеся без надлежащего правового внимания.

Для устранения данных недостатков необходимо инициировать процесс внесения поправок, включив в него анализ практических проблем и привлекая экспертов, представителей общественности и профессиональные сообщества. Такой подход позволит сформировать более целостное и качественное законодательство, способное обеспечить устойчивое и справедливое правовое регулирование.

#

7 //z.ru/1693024/2024-05-07/putin-podpisal-ukaz-o-slozhenii-polnomochii-pravitelstvom-rf

8 О Правительстве Республики Казахстан. // https://www.akorda.kz/ru/o-pravitelstve-respubliki-kazahstan-2924834.

**Замира ЭСАНОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети профессори, ю.ф.д., профессор**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: ИСЛОҲОТЛАР ШАРҲИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Мазкур мақола Янги Ўзбекистон ислоҳотлари шароитида қабул қилинган Конституциянинг айрим нормаларини шарҳлашга бағишланган бўлиб, Конституциянинг давлатчилик принциплари ва унинг асосий ғоялари, шунингдек, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, кафолатлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мақолада фуқароларнинг судга мурожаат қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш кафолатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, назарий таҳлиллар ўрин олган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *Данная статья посвящена комментированию отдельных норм Конституции, принятой в условиях реформ нового Узбекистана, согласно которой проанализированы принципы государственности Конституции и ее основные идеи, а также личные права и свободы, гарантии человека и граждан. Кроме того, в статье представлены мнения и теоретический анализ о гарантиях обращения граждан в суд и получения квалифицированной юридической помощи.*

***ABSTRACT.*** *This article is devoted to commenting on some norms of the Constitution adopted in the context of the reforms of New Uzbekistan, according to which the principles of statehood of the Constitution and its main ideas, as well as personal rights and freedoms, guarantees of man and citizens are analyzed. In addition, the article presents opinions and theoretical analysis on the guarantees of citizens' appeal to the court and qualified legal assistance.*

***Калит сўзлар:*** *Конституция, ҳуқуқ, давлат, суд, кафолат, одил судлов, халқчил сиёсат, адвокатура, фуқаро, инсон, қонун, ислоҳот.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, право, государство, суд, гарантия, правосудие, народная политика, адвокатура, гражданин, человек, закон, реформа.*

***Key words:*** *Constitution, law, state, court, guarantee, justice, people's policy, advocacy, citizen, man, law, reform.*

Ўтган даврлар мобайнида давлатимизда жуда кўп конституциявий ислоҳотлар амалга оширилган. Бир неча маротаба Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилинишига доир сўнгги жараёнлар, ушбу қонуннинг референдум ўтказиш шаклида муҳокама қилиниши ва 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кириши ислоҳотларнинг қомусий даражага кўтарилганлигини англатади.

Манбаларга кўра, қомусий ҳужжатлар (қонунлар) яратиш амалиёти ва кўникмаси ўзбек халқи ва миллати тарихига ёт амалиёт эмас. Ўтган минг йилliklar тарихида юртимизда қомусий олимлар яшаб, ижод қилиб, қомусий манбаларни яратган ва мерос қилиб қолдирилган. Масалан, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий каби олимларнинг қўлёзмалари ва ишланмалари ҳозиргача давлат ва халқ учун асқотади, асл ҳолатини ва долзарблик даражасини йўқотмаган.

**Конституция** – давлат тузилиши, унинг тартиботини, ҳаёт тарзини, яшаш шаклини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи, манфаатларини ҳимоя қилувчи нормаларни ўзида белгилайди ҳамда ушбу нормаларни кафолатлайди, жумладан, унинг кафолатларини ҳам яратувчи нормаларни бевосита ўзида акс эттиради.

Шу кунга қадар илмий тадқиқотларда, назарияда ва илмий ишланмаларда Конституциянинг устуворлиги, буюклиги, қатъийлиги эътироф этилган, аммо унинг амалдаги устуворлиги кутилган даражада тан олинмаган. Чунки барча соҳада, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам моддий ва процессуал кодексларга, қатор қонунларга мурожаат қилинган ва уларга таянилган. Жумладан, суд-тергов, прокуратура, адлия, ички ишлар органлари, адвокатура амалиётида ҳам ўзининг махсус қонунларига мурожаат қилинган.

Агар амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар натижасида ҳаққоний, реал татбиқ этиладиган, ҳеч монеликсиз, тўсқинликсиз ҳаракатланадиган нормалар янги Конституцияда ифодаланса ва айнан ифодаланмоқда ҳам, шубҳасиз, ушбу давлат ва миллат Конституциясига нисбатан халқнинг ишончи ортади, фуқароларнинг ҳурмати шаклланади ва  ушбу ҳужжатга нисбатан масъулияти янада кучаяди.

Масалан, Конституцияга янги киритилган “Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас”лиги қоидаси фуқароларнинг давлат ва у томонидан белгиланган нормаларга нисбатан янада ишончини кучайтиради ва  бир қатор оилалардаги муаммоларга ечим беради.

Конституциявий ислоҳотлар натижасида яратилган Янги Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, унинг буюклиги янада ортмоқда. Масалан, унда янги белгиланган Ўзбе-

кистон – суверен, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат эканлигининг ўзи ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг юксак даражада бўлишини ҳамда давлатнинг энг зарур белгиларининг айнан саралаб олиниши унинг фуқаролар олдидаги вазифалари ижроси билан боғлиқлигини кўрсатади. Давлатнинг мазкур беш белгиси бир-бирини тўлдиради ҳамда давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади.

**Конституциянинг буюклиги шундаки,** аввало у халқ билан давлат ўртасидаги муносабатларни белгилайди, минглаб қонунлар Конституцияга мурожаат қилади, унга суянади ва таянади.

**Конституциянинг халқчиллиги шундаки,** унда референдум ўтказиш орқали халқнинг розилиги олинаяпти, халқнинг хоҳиши ифодаланаяпти. Республикамизнинг барча ҳудудларида бежизга "Конституция сеники, меники, бизники ва барчамизники" шиори остида тарғибот акцияси ўтказилмади. Ушбу Конституция нормалари барчага баробар манфаат беради.

**Конституциянинг устуворлиги (устунлиги) шундаки,** Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилинишига эришиш лозим ва қабул қилинадиган қонунларга дастуриламал бўла олади. Масалан, “Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас”, деб белгиланди. Ушбу қоида барча ҳуқуқлардан устун ҳамда ана шу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ижтимоий ва маданий ҳаётда, ҳуқуқий ва сиёсий маконда бўлсин, барча қонунларда бўлсин инсон шаъни ва қадрини ҳеч кимнинг (фуқаро ва мансабдор шахс) таҳқирлашга, камситишга, топташга ҳаққи йўқ.

Конституциянинг 28-моддасида қайд этилишича, озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари ҳамда “Инсон қадри учун” ғоясининг устувор йўналишларидан бири, гарчи у маҳкум бўлса-да, унга нисбатан тўғри муомалада бўлиш, жазони ижро этиш тартиботига оид ҳужжатларда кўрсатилганидан ташқари барча ҳолларда, жумладан, “.... инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга”. Ҳаттоки, жазони ўташ жараёнида ҳам маҳкум бу ҳуқуқдан фойдаланиши ва бошқалардан ҳам инсоний муомалани талаб этиш ҳуқуқига эга. Бу янгилик инсон тушунчасининг мазмун-моҳиятини янада кенгайтиради.

Конституциянинг 29-моддасида ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Ушбу нормани икки жиҳат билан изоҳлаш мумкин, биринчидан, адвокатура институти, адвокат ёрдамидан фойдаланиш масаласи алоҳида боб (XXIV боб. Адвокатура) ва нормаларда (141-142-моддалар) белгиланди ва биринчи марта Конституцияда мустаҳкамланди. Иккинчидан, шахс бундай ҳолатда (ушланган вақтда) ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи киритилдики, ушбу ҳолатда адвокатни шахснинг (гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқалар) ўзи танлайди.

Конституциянинг 55-моддасига кўра, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ушбу норма ҳам янгилик сифатида киритилган бўлиб, аввалги 44-модданинг мазмун-моҳиятини ўзида ифодалайди. Чунончи, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

“Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли” эканлиги фуқаро бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини қонун йўл қўйган, рухсат берган барча усуллар, судга қадар мурожаат шакллари, медиатив процедура, ҳакамлик судлари томонидан ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланади. Албатта, ушбу усуллар низоларни муқобил ҳал этиш усуллари саналиб, фуқаро хоҳласа ушбу органларга, хоҳласа судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ва бундай усулларни ихтиёрий танлаш имкониятига эга.

Конституциянинг 27-моддасига асосан, шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асослари тушунтирилиши шарт. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилиши билан боғлиқ процессуал муносабатларда тил принципи имкониятларини тўлиқ таъминлайди, таржимон иштироки билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Аммо янгилик сифатида “..... шахсга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асосларининг.....” тушунтирилиши кенг маъно касб этади ва юксак инсонпарварлик аҳамиятига эга. Чунки бу норма нафақат Ўзбекистоннинг кўп миллатли фуқаролари учун, балки республикамизда жозибали инвестициявий муҳитни шакллантириш, туризм имкониятларини кенгайтириш мақсадида юртимизда яшаётган ва айни пайтда кириб келаётган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун

муайян маънода енгиллик яратади ҳамда процессуал нормаларни ўз тилида осон тушуниш ва тушунтиришни талаб этиш имкониятига эга бўлади. Ушбу жараён кейинги босқичларда ҳам процессуал нормаларни тўғри қўллашда ва адолатни қарор топтиришда муҳим ўрин тутади.

Конституциявий янгиланишлар суд тизимини, унинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Хусусан, ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши бевосита суд орқали амалга оширилади.

Конституцияда "XXIII боб. Суд ҳокимияти" ҳам мазмунан, ҳам шаклан такомиллашган бўлиб, унда бевосита 130-140-моддалар суд тизими соҳасига бағишланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши барча судларда одил судлов фақат суд томонидан процессуал қоидалар бўйича амалга оширилади. Ушбу норма мазмунида одил судлов фаолиятининг фақат судга хослиги, бошқа идоралар ушбу ваколатни амалга ошира олмаслиги, суд ўз фаолиятида одиллик (ҳаққонийлик) билан иш кўриши, кўрилган иш натижалари бўйича фақат қонуний, асосли, адолатли суд ҳужжатлари чиқариши тушунилади.

Ушбу норма бир қатор қонун ва кодексларда принцип даражасига кўтарилган бўлиб, масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни 8-моддасида Ўзбекистон Республикасида одил судлов қонунга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилади, деб мустаҳкамланган ёки Фуқаролик процессуал кодексининг 7-моддасида "одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши" принцип сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги нормасининг ифодаланиши унинг бошқа тизимдан, чунончи қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади. Шунингдек, судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модда мазмунида судьянинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонун(моддий ва процессуал қонун)ларга бўйсуниши, судлов фаолиятига ҳеч кимнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги ва бу жавобгарликка асос бўлиши тушунилади.

Масалан, Жиноят кодексининг 236-моддаси "Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш" деб номланиб, унда тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун жавобгарлик чоралари белгиланган.

Ушбу норма ҳам принцип даражасига кўтарилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни 9-моддаси "Судьяларнинг мустақиллиги" деб номланиб, унга кўра судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминловчи яна бир норма, масалан, "Судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилади ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши керак" мазмунидаги 140-модданинг киритилганлиги ҳам судлар фаолиятини молиялаштириш ҳеч қайси идора ёки бирор-бир тузилма зиммасига юкланмаслиги кераклигини кафолатлайди. Акс ҳолда суд молиялаштирувчи органларга (ташкилотларга) тобе бўлиб қолишига олиб келади. Бу ўз навбатида мустақилликни таъминлашда бўйсуниш ва зиддиятни келтириб чиқаради.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистон Конституцияси республикамизда 30 йилдан буён амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ўзида ифодалайди, ушбу ўтган давр мобайнида моддий ва процессуал қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларнинг устуворлигини Конституцияда кўрсатиб беради ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгайган ва кафолатланган ҳолда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

#

**Дилзода ДОВУДОВА,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори,**
**ю.ф.д. (DSc), доцент**

# КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНГАН ПРОКУРОР ВАЗИФАСИНИНГ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ (жиноят-процессуал нуқтаи назаридан)

***АННОТАЦИЯ:** Мақолада прокурорнинг конституциявий вазифаси, қонунчиликда белгиланган жиноят ишларини юритишда умумий ва махсус функцияси, унинг таснифи, назарий жиҳатлари ҳамда ушбу функцияларни қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни мушоҳада қилинган.*

***АННОТАЦИЯ:** В статье рассматриваются конституционная обязанность прокурора, общая и специальная функция прокурора при ведении уголовных дел, ее классификация, теоретические аспекты, а также роль этих функций в обеспечении законности, прав и свобод человека.*

***ABSTRACT:** The article discusses constitutional duty of the prosecutor, the general and special functions of the prosecutor in the conduct of criminal cases, its classification, theoretical aspects, as well as the role of these functions in ensuring the rule of law, human rights and freedoms.*

***Калит сўзлар:** вазифа, функция, жиноят-процессуал функция, прокуратура, жиноят процесси, суд муҳокамасида прокурор функцияси, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари.*

***Ключевые слова:** обязанность, функция, уголовно-процессуальная функция, прокуратура, уголовное процесс, функции прокурора в суде, права и свободы человека.*

***Key words:** duty, function, criminal procedure function, prosecutor's office, criminal procedure, functions of a prosecutor in court, human rights and freedoms.*

Конституциямизнинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши ҳақидаги асосий функцияси белгиланган. Мазкур қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилишга қаратилган асосий вазифаси асосида қонунчиликда прокуратура органларининг вазифалари, мақсади, йўналишлари, ваколатлари мустаҳкамланган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида[1] прокуратура ходимининг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, унга кўра ходимнинг вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Прокуратура функциясини қонун билан белгиланган мустақил фаолият тури сифатида тушуниш керак, қайсики прокуратура органлари вазифаларида ифода этиладиган, ушбу вазифаларни ҳал этишга қаратилган ва юклатилган ваколатлар ҳамда ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни талаб этадиган ижтимоий мақсади билан белгиланади[2].

Демак, қонунларда юклатилган вазифалар ва мақсадларни амалга ошириш прокурорнинг муайян махсус функцияларини белгилаб беради.

З.С.Ибрагимов ўз тадқиқот ишида дунё прокуратурасини икки асосий модел: ***биринчидан***, прокуратура жиноий-ҳуқуқий таъқиб органи сифатида намоён бўладиган, хусусан, бу моделга роман-герман ҳуқуқ тизимига амал қилувчи мамлакатларнинг мутлақ кўпчилигида амал қилади, унга кўп жиҳатдан АҚШнинг атторней хизмати мос келади. Мазкур мамлакатларда прокуратура, одатда, жиноий хатти-ҳаракатлар содир этган шахсларнинг жиноий-ҳуқуқий таъқиб этиш, судда давлат айбловини қувватлаш, шунингдек, жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш ва шахсларни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақлашнинг қонунийлигини назорат қилиш функцияларига эга бўлади; ***иккинчидан***, прокуратура қонунийликни назорат қилиш органи сифатида майдонга чиқадиган, яъни

1 Ўша қонун 29.08.2001 й. 257-II-сон [электрон ресурс], (қаралган вақти: 14.07.21 й.) http://www.lex.uz/acts

2 Рябцев В.П. Функции и направления деятельности органов прокуратуры// Прокурорский надзор: учебник дляя вузов/ Под ред. А.Я. Сухарева. М., 2004 й. – С. 64.

прокуратура ўз моҳиятига кўра қонунлар ижроси устидан назорат қилиш фаолияти билан бир қаторда бошқа функцияларни, шунингдек, жиноий-ҳуқуқий таъқиб, терговга процессуал раҳбарлик қилиш, судда давлат айбловини қувватлаш каби вазифаларни ҳам амалга оширувчи кўп функционал орган сифатида намоён бўлади (Вьетнам, Куба, КХДР, Озарбайжон, Россия, Украина, ХХР, Қозоғистон)[3].

*Фикримизча,* прокуратура органлари фаолиятининг ҳар қайси моделида прокурорнинг жиноят ишлари кўрилишида иштирок этиш функцияси мавжуд. Бу эса қайд этилган мавзунинг долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Функция сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “functio”, яъни “бажармоқ”, “ижро қилмоқ” деган маъноларни билдиради[4].

“Жиноят-процессуал функция” юридик адабиётларда XVI асрдан[5] бери фойдаланиб келинса-да, бироқ ҳуқуқшунослар унинг ягона мазмунини, таърифини ишлаб чиқмаган. В.М.Савицкийнинг таъкидлашича, функция аниқ фаолият йўналиши билан тавсифланади[6], Т.Н.Радько ва В.А.Толстикнинг фикрича, функция – бу ҳуқуқий ҳаракатнинг йўналишидир[7], К.Ф.Гуценко функция жиноят ишларини юритишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятни йўналтириш деб белгилайди[8], А.М.Ларин эса жиноят-процессуал функция – бу қонунда назарда тутилган йўналишлар, бевосита ҳуқуқий мақсадлар нуқтаи назаридан ажратилган процессуал фаолият турлари эканлигини таъкидлайди[9]. С.П.Ефимичев ва П.С.Ефимичевлар жиноят-процессуал функция – бу ҳуқуқ нормалари билан белгиланган, жиноят процессининг мақсадини бевосита очиб берувчи, жиноят процесси олдида турган вазифаларни ҳал этишга, жараён иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда фаолият йўналишларини белгилашга қаратилган йўналиш эканлигини билдиради[10]. Қайд этилган олимларнинг фикрларича, жиноят-процессуал функция бу кўпроқ фаолият йўналишга боғлаган.

Бироқ С.В.Романов ўзининг тадқиқот доирасида ушбу масалани кенгроқ ёритган, хусусан, жиноят-процессуал функция деганда жиноят процесси иштирокчисининг мақсадига эришиш ва жиноят процессининг муайян босқичи ҳамда шунга хос равишда бутун жиноят процесси муаммоларини ҳал қилишдаги ўрни ва роли тушунилиши керак[11].

Бизнинг фикримизча, *жиноят-процессуал функция* – бу процесс иштирокчисига ижроси юкланган вазифалар ва талабларнинг мажбурий бажарилишини таъминлаш асосидир. Яъни функция орқали жиноят процесси иштирокчисида ваколат ёки ҳуқуқ ва мажбурият юзага келади.

М.С.Шамулов прокурор функциясини унинг ҳуқуқий мақомига, давлат механизмида тутган ўрни ва аҳамияти билан боғлаган ҳолда унга қонун билан юклатилган вазифалар, деб таъкидлайди[12].

Прокурорнинг процессуал функциялари масаласида шуни таъкидлаш керакки, илмий ва назарий жиҳатдан бу масала процессуалист олимлар томонидан кенг муҳокамаларга сабаб бўлган. Кўпгина муаллифлар прокурорнинг жиноий процессуал функцияларининг дуалистик табиатга эга эканлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурган[13].

В.А.Чернишевнинг фикрича, прокурорнинг жиноят процессидаги процессуал функциялари кенг ва тор маънода тушунилиши керак[14]. Кенг маънода жиноят-процессуал функцияларнинг бутун мажмуаси тушунилса, тор маънода эса, жиноят процесси иштирокчиларининг функцияларини тушуниш кераклигини келтириб ўтган.

3 Ибрагимов З.С. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) // Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. Тошкент – 2010 й. 22-23-бетлар // https://drive.google.com/

4 Авагимовой Ю.А. “Функции прокурора в уголовном судопроизводстве” Правопорядок: История, теория, практика. № 4(15) / 2017 г. – С 64.

5 Давыдов Н.В. Уголовный процесс. М., 1915; Давыдов Н.В. Несколько лекции по уголовному процессу. М., 1909; Давыдов Н.В., Полянский Н.Н. Судебная реформа. Том. I

6 Савицкий В.М. Государственное обвинение в суде. М., 1971 г. С. 42.

7 Радько Т.Н., Толстик В.А. Функция права. Нижний Новгород, 1995 г. С. 23.

8 Уголовный процесс. Учебник / Под ред. Гуценко К.Ф. - ,М., 2004 г. С. 28.

9 Ларин А.М. Функция процессуального руководства и прокурорский надзор в стадии предварительного следствия // Развитие и совершенствование уголовно- процессуальной формы. – Воронеж, 1979 г. С. 75.

10 Ефимичев С.П., Ефимичев П.С. Функции в уголовном судопроизводстве: понятие, сущность, значение // Журнал российского права. 2005 г. № 7 С.56.

11 Романова С.В. Понятие, система и взаимодействие процессуальных функций в российском уголовном судопроизводстве/ Дисс. … канд. Наук. –М., 2007 г. С.8.

12 Шамулов М.С. Функция прокуратуры: Письмо в редакцию// Государство и право. 1995 г. №6. С.155.

13 Викторов И. Прокуратура: статус на рубеже тысячелетий / И.А. Викторов // Законность. – 2000 г. №12. – С. 22–25; Кобзарев Ф.М. Правовой статус российской прокуратуры и проблемы его развития: лекция. – М., 2002 г. – С. 129 и др.

14 Чернышев В.А. Проблема функций в российской науке уголовного процесса: дис. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 1999 г. – С. 3.

А.А.Тушевнинг таъкидлашича, прокурорнинг жиноят-процессуал функцияси – жиноят процессининг умумий мақсадига эришиш ва вазифаларини амалга ошириш учун жиноят-процессуал қонун билан унга юклатилган ваколатлардир[15].

В.Г.Даев ва И.И.Моршуновларнинг фикрича, прокуратура органларининг назорат фаолияти унинг ягона ва асосий функцияси бўлиб, жиноят ишларини тергов қилиш, суд процессида иштирок этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириши функциялар ҳисобланмай, улар назорат фаолиятининг бир қисми сифатидаги шакллари эканлигини таъкидлашган[16]. Мазкур фикр билан келишиб бўлмайди, чунки жиноят процессининг суд муҳокамасидаги прокурор иштироки прокуратура органлари фаолиятининг алоҳида функцияси ҳисобланади.

Бу фикрга қарши немис процессуалист олимларининг таъкидлашича, жиноят процессида прокуратура органлари учта асосий вазифани (функцияни) бажаради: прокуратура жиноий ҳуқуқбузарликларни текширади ва улар бўйича жиноий таъқибни амалга оширади; суд процессининг суд муҳокамаси босқичида айбловни қўллаб-қувватлайди, "холис тараф" сифатида иштирок этади; ҳукмни ижро этувчи орган ҳисобланади[17].

В.А.Лазареванинг таъкидлашича, прокурор – жиноий таъқибни амалга оширувчи барча органларни назорат қилувчи асосий исботлаш субъектдир. Жиноят иши прокурорсиз судга тақдим қилиниши мумкин эмас, у айблов хулосасини тасдиқлайди ва судда давлат айбловини қувватлайди[18]. Д.А.Безвершенконинг фикрича, прокурор – тортишув тизимини қабул қилган умумҳуқуқ давлатларида асосий қонун вакили ҳисобланади. У жиноят содир этган шахсга қўйилган далилларнинг асослилигига жавобгардир[19].

Дарҳақиқат, Д.А.Безвершенконинг фикрлари ўринли бўлиб, прокурор айбловни қувватлаш мажбуриятига эмас, аксинча унинг асослилигига жавобгар ҳисобланади. Э.Е.Манивлецнинг фикрича, Украина Республикаси ЖПКнинг 264-моддаси талабларидан келиб чиқиб, жиноят ишларини судда кўришда прокурор иштироки бу прокуратура органлари фаолиятининг алоҳида функцияси ҳисобланади[20].

*Фикримизча, прокурорнинг жиноят-процессидаги функцияси* – жиноят процесси вазифа ва мақсадларини амалга ошириш учун прокурорнинг ваколатлари доирасини, иш юритиш механизмидаги ролини, процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқли жиҳатлари ва ўрнини аниқлашга имкон бериш мезонидир.

Жиноий суд ишларини юритишдаги прокурор фаолияти кўп функционал мазмунга эга бўлиб, бирёқлама айблов фаолиятига айланиб қолмаслиги керак[21].

Прокурор функциясининг таснифи тўғрисида шуни таъкидлаш керакки, узоқ вақт давомида юридик адабиётларда уларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш қулайлиги учун функциялар асосий, қўшимча ва ҳосила каби турларга бўлинганлигига оид турли қарашлар мавжуд эди[22]. Бир гуруҳ олимлар прокурорнинг функцияларини умумий ва махсус турларга бўлишган[23] ҳамда прокурорнинг жиноят процессида айбловни қўллаб-қувватлаши, жиноий таъқибни амалга ошириши, суднинг турли босқичларида иштирок этиши махсус жиноят-процессуал функцияларига киришини келтириб ўтишган.

Демак, судга қадар иш юритишда прокурор назорат олиб борса, мазкур назорат функцияси ҳам бир нечта махсус, яъни жиноятчиликка қарши курашиш, ҳимоя қилиш, назорат қилиш функцияларини ўз ичига олса, суд жараёнида эса қонунни тўғри қўллаш, ишнинг адолатли ҳал этилишини таъминлашда ўз муносабати билан давлат вакили сифатида айблов, ҳимоя, ҳуқуқни тиклаш, жиноятчилик-

15 Тушев А.А. "Прокурор в Уголовном процесси Российской Федерации: система функций и полномочий" диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. –К., 2006 г. – С.64.

16 Даев В.Г., Маршунов И.И. Основы теории прокурорского надзора. – М., 1990 г. – С. 45–46.

17 Бойльке В. Уголовно-процессуальное право ФРГ: учеб. 6-е изд., с доп. и изм.; пер. с нем. Я.М.Лошкиной; под ред. Л.В. Майоровой. Красноярск: РУМЦ ЮО, 2004 г. – С. 352.

18 Лазарева В.А. Проблемы доказывания в современном уголовном процесси. России: учеб. Пособие. Самара: Самарский ун-т, 2007 г. – С. 83.

19 Безвершенко Д.А. Роль прокурора в уголовном судопроизводстве РФ / Д. А. Безвершенко. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2013 г. № 1 (48). – С. 256-258. – URL: https://moluch.ru/archive/48/6103/ (дата обращения: 23.09.2020 г.).

20 Манивлец Э.Е. Участие прокурора в рассмотрении судами уголовных дел. IV Международная научно-практическая конференция. МЦНС «Наука и просвещение». УДК 343.13. С.180.

21 Демидов И.Ф. Участие прокурора в рассмотрении судами уголовных дел // Настольная книга прокурора. - М., 2002 г. – С.653.

22 Долежан В.В. Проблемы компетенции прокуратуры: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1991 г. – С. 10.

23 Рябцев, В.П. Концептуальные проблемы организации и функционирования прокуратуры: автореф. д-ра юрид. наук. – Москва: ВНИИ ПУЗП, 1991 г. – С. 33. Смирнов А.Ф. Организационно-правовые факторы оптимизация управления в органах прокуратуры Российской Федерации: дисс. ... д-ра юрид. наук. – М., 1997 г. – С. 68.

ка қарши курашиш каби махсус функциялар билан иштирок этади.

Фикримизча, илмий изланишлардан келиб чиққан ҳолда прокурорнинг жиноят процессида икки хил кўринишдаги умумий функцияси мавжудлиги илгари сурилади:

а) терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

б) суд босқичларида ўз ваколатлари доирасида қонунийликни таъминлаш (ёки иштирок этиш)[24].

Суд муҳокамасида жиноят ишлари кўрилишидаги прокурор функцияси борасида процессуалист олимлар ўртасида турли хил фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

З.С.Ибрагимов ўз тадқиқот ишида судда айбловни давлат номидан қувватлаш прокуратуранинг ва барча у сингари институтларнинг универсал функцияси эканлигини таъкидлайди[25].

Н.П.Кирилованинг фикрича, суд муҳокамасида давлат айбловчиси икки хил функцияни амалга оширади, яъни жиноий таъқиб ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш. Давлат айбловини қувватлаши – бу жиноий таъқиб функциясининг шакли, суд муҳокамаси иштирокчисининг моддий ва процессуал ҳуқуқи бузилганда оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрганда ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси намоён бўлади[26].

Т.В.Якушеванинг таъкидлашича, прокурор судда камида икки функцияни, жумладан, давлат айбловини қувватлаш орқали жиноий таъқибни ва ҳуқуқ ҳимоясини таъминлаш функцияларини амалга оширади. Бу функцияларнинг ҳар бири эса прокурорнинг ваколатлари билан таъминланади[27].

А.А.Тушевнинг фикрига кўра, амалдаги Россия Федерациясининг ЖПКга мувофиқ, прокурор суд босқичида учта функцияни амалга оширади – жиноий таъқиб, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш[28].

Суд муҳокамасида давлат айбловини қувватлаш ва жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш – тенг, нисбатан бир-бирига боғлиқ ва тўлдирувчи сифатида қаралади. Бунда жиноят процессида прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси Конституцияда мустаҳкамланган давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясининг ўзига хос кўринишидир[29].

Ю.В.Кореневскийнинг фикрича, биз прокурор фаолияти мазмуни ўзгармас деб ҳисоблаймиз: суд мажлисида қонунийликни ҳимоя қилувчи орган вакили сифатида намоён бўлар экан, у айблов функциясини барча процесс иштирокчиларининг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали амалга ошириш керак.

Б.А.Тугутовнинг фикрича, прокурор суд жараёнида давлат айбловини қувватлаш, қонунийликни таъминлашни назорат қилиш ва қонунийликни тиклаш функциясини амалга оширади, бир вақтда у жиноий таъқиб прокурорнинг вазифаси эмаслигини тасдиқлайди[30]. Шунингдек, прокурор суд жараёнининг қонунийлигини назорат қилади деган фикрни В.Ф.Крюков[31] ҳам қўллаб-қувватлайди.

Б.А.Тугутов ва В.Ф.Крюковнинг прокурор суд жараёнининг қонунийлигини назорат қилади деган нуқтаи назарлари билан келишиб бўлмайди. Чунки прокурор суд жараёнида процессуал қонун талабига асосан тараф ҳисобланиб, қонуннинг тўғри қўлланилиши ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ўзининг асослантирилган муносабатини билдиради.

Н.В.Буланова ҳам Б.А.Тугутов ва В.Ф.Крюковнинг "қонунийликни назорат қилиш" тушунчаси тўғри қўлланилмаганлигини, қонунийлик – бу кўп қиррали сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, у жамият ташкил этишнинг давлат-ҳуқуқий шаклини такомиллаштириш ва ижтимоий адолат ҳамда умуминсоний қадриятлар ғояларини, эркин демократик жамият ва қонун устуворлиги ҳуқуқий идеалларини амалга ошириш жараёнини тавсифловчи ва жамоатчилик муносабатларининг барча субъектлари томонидан

24 Ушбу масала дастлабки тадқиқот (диссертация) ишида кенгроқ муҳокама қилинган. Қаранг: Д.С.Довудова. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент 2020 й.

25 Ибрагимов.З.С. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) // Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Д-355. Тошкент 2010 й. 126-б.

26 Кириллова Н.П. Процессуальные функции профессиональных участников состязательного судебного разбирательства уголовных дел в суде первой инстанции: дис. ... д-ра юрид. Наук. СПб., 2008 г. – С.10.

27 Якушева Т.В. Понятие и процессуальный статус государственного обвинителя. Журнал: Экономика и социум @ ekonomika-socium. 1 (20) 2016 г.

28 Тушев А.А. «Прокурор в уголовном процессе Российской Федерации: система функции и полномочий» диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М., 2006 г. – С. 220-221.

29 Курочкина Л.А. Указ. соч. – С. 5,25,32.

30 Тугутов Б.А. Функции прокурора на судебных стадиях уголовного процесса: дис.канд.наук. М., 2014 г. – С 12

31 Крюков В.Ф. Отказ прокурора от государственного обвинения: дис. канд. юрид.наук. Воронеж, 1996 г. – С.161

амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш ҳамда амалга оширишга қаратилганлиги билан характерланиши ҳақида фикр билдиради[32].

Ушбу фикримизни Н.Я.Арсеньев тасдиқлайди, яъни суд прокурор назоратида эмас, жиноят иши бўйича прокурор судга қандай қарор қабул қилиш юзасидан кўрсатма беролмайди ва бунга ҳақли эмас, прокурор фақатгина юқори турувчи судга суднинг ҳаракатлари юзасидан протест келтириш ваколатига эга. Шу сабабли прокурор судга нисбатан назорат ҳуқуқига эга эмас[33].

Шу билан бирга, И.Д.Перлованинг бу борадаги фикрлари диққатга сазовор бўлиб, судда айбловни қувватлаш функцияси прокурорнинг суддаги мавқеи ва ролини, процессуал позициясини белгилайди. Суд жараёнида прокурор ўзи тараф сифатида қатнашаётган суднинг фаолиятини баҳолай олмайди. Прокурор ушбу баҳони суд ҳукми чиқарилгандан кейин протест келтириш орқали бериши мумкин. Бундай ҳолда биринчи инстанция судининг ҳаракатларига якуний баҳо юқори турувчи суд томонидан берилади[34].

В.М.Савицкийнинг фикрича, суд процессида прокурор томонидан давлат айбловини юритиш функцияси маълум босқичлардан иборат: жиноят ишига тайёргарлик кўриш, жиноят ишини судда моҳиятан кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш, суд қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда иштирок этиш[35].

Судда прокурорнинг функциялари масаласи ҳақида шуни таъкидлаш керакки, бир қатор олимлар суд муҳокамаси жараёнида прокурорга фақатгина жиноий таъқиб қилиш функцияси берилган, деб айтиш нотўғри эканлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, прокурор судда давлат айбловини юритиш функциясини бажаради[36]. В.А.Лазареванинг таъкидлашича, суд процессининг суд муҳокамаси жараёнида прокурор тўғридан-тўғри ваколатга эга бўлмаган, аммо давлат айбловини қўллаб-қувватлаш орқали давлат ҳокимиятини амалга оширадиган томондир[37].

А.М.Баксалованинг таъкидлашича, жиноий таъқиб ва айблов процессуал нуқтаи назардан тенг маънодаги атама[38] бўлиб, жиноят суд ишларини юритишда айбловни прокурорнинг ягона функцияси деб ҳисоблайди[39]. Унинг фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки прокурор қонун вакили бўлиб, шахснинг айбдорлиги далиллар билан тасдиқланган тақдирда айбловни қувватлайди, тасдиқланмаса айбловни ўзгартиради ёки воз кечади.

Шу билан бирга В.А.Лазареванинг таъкидлашича, биринчи инстанция судида иш юритиш судгача бўлган процессга қараганда жиноят процессининг бутунлай бошқача шаклини англатади. Бунда суд ҳукмронлик қилади, прокурор эса тергов органлари томонидан қўзғатилган жиноий таъқибни давом эттирадиган тенг тарафлардан биридир[40]. А.А.Чувилёв ҳам худди шу фикр тарафдоридир[41].

Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурорнинг биринчи инстанция судидаги айблов функцияси тергов босқичидаги айблов функциясидан фарқланади, жиноят ишини судда кўришда айблов функцияси дастлабки тергов давомида тўпланган жиноят иши материаллари асосида суд процессида судланувчи сифатида иштирок этаётган айнан шу шахс томонидан жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи далилларнинг давлат айбловчиси томонидан тақдим этилиши йўли билан айбланувчининг айбдорлигини судда текшириб чиқишга қаратилган[42]. Бироқ ушбу фикрда келтирилган давлат айбловчиси далилларни тақдим этиши ҳақидаги фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки амалдаги қонунчиликда бу каби норма мавжуд эмас.

Б.Х.Пўлатов ва В.А.Лазареванинг юқоридаги фикрларига қисман кўшилган ҳолда фикримизча, прокурор судда қонунийликнинг таъминланиши-

32 Буланова Н.В. Указ. соч. – С 10.

33 Арсеньев Н.Я. Судебный надзор прокуратуры // Соц. законность. 1949 г. № 1. – С. 20

34 Перлов И.Д. Судебное следствие в советском уголовном процессе. М., 1955 г. – С. 107

35 Савицкий В.М. Государственное обвинение в суде. М., 1991 г.

36 Воронин О.В. К вопросу о признании поддержания государственного обвинения в качестве отдельной функции современной Российской прокуратуры / О.В. Воронин // Вестник Томского государственного университета. Право. – 2013 г. №2. – С. 36; Тугутов Б.А. Функции прокурора на судебных стадиях уголовного процесса: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2014 г. – С. 11;

37 Лазарева В.А. Роль прокурора в демократическом правовом государстве (уголовно-правовой аспект) / В.А. Лазарева // Материалы международной научно-практической конференции (г. Астана, 18-19 октября 2007 года). – Астана, 2007 г. – С. 53.

38 Баксалова А.М. Уголовно-процессуальная функция обвинения, осуществляемая прокурором, и ее реализация на судебном следствии. :диссертация канд. юрид. наук. Томск, 2002 г. - С. 28

39 Баксалова А.М. Ўша жойда 8-Б.

40 Лазарева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе. Научно-практическое пособие/ -М.: Издательство Юрайт, 2017 г. – С 87. – Серия: Профессиональная практика.

41 Прокурорский надзор а Российской Федерации. Учебник под.ред. А.А.Чувилова М. Юрист. 1999 г. – С 239.

42 Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти // Ўқув қўлланма. – Т. 2004 й. 92-б.

да, жиноят ишлари юзасидан айбловнинг асослилигини текширишда асосий субъектлардан бири ҳисобланади.

Л.А.Курочкина тадқиқот ишида прокурорнинг суд муҳокамасида фақат айблов функцияси эмас, балки ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси мавжудлигини, у эса жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишда намоён бўлишини таъкидлайди[43]. Шу билан бирга, қайд этилган илмий-тадқиқот ишида прокурорнинг ҳуқуқий тарбиялаш, профилактика функциялари мавжудлиги ҳақидаги ғояларни илгари суради.

М.З.Раджапованинг фикрича, жиноят ишларининг судда кўрилишида прокурор давлат айбловини қувватлаш, қонунийлик ҳамда шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш каби қонун билан унга юклатилган функциялари орқали жиноят процессининг мақсад ва вазифаларига хизмат қилади[44].

Фикримизча, М.З.Раджапова томонидан берилган таърифда кўрсатилган жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи назаридан прокурорнинг айблов функцияси қонун билан юклатилган бўлиб, қолган функция қонуннинг мазмунидан келиб чиқади ҳамда айнан қонуннинг мазмуни прокурорга ушбу функцияларни ваколатлари орқали амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Хориж олимларнинг фикрича, прокурор биринчи инстанция судларида жиноят процесси иштирокчиси сифатида баҳоланмайди. Яъни қуйи инстанция судларида прокурор тараф ҳисобланмайди, прокурор қонунга мувофиқ суд функцияларини бажарадиган бошқа суд ходимлари тоифасига киради[45]. Биз мазкур фикрлар билан ҳам келиша олмаймиз, чунки суд муҳокамасида прокурор бу суд ходими эмас, балки қонунийликни таъминлашга қаратилган давлат органининг вакили сифатида тараф бўлиб иштирок этади.

Илмий-тадқиқот ишларида жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор функцияси ҳақидаги олимлар-процессуалистларнинг фикрларини қуйидаги шартли уч гуруҳга ажратиш мумкинлиги кўрсатилган, жумладан: **биринчи гуруҳ олимлар** – бу гуруҳга машҳур процессуалист олимлар М.С.Строгович, И.Д.Перлов, В.И.Каминская, В.М.Савицкий, П.С.Эькиндларни киритиш мумкин бўлиб, улар “прокурор – бу айблов тараф, айбловчи ва фақат айбловчи” деган фикрни илгари суради;

**иккинчи гуруҳ олимлари** – Г.Н.Агаеева, В.И.Басков, С.Г.Березовская, Д.С.Карев, Ц.М.Каз, Т.В.Малькович, М.П.Маляров, М.Ю.Гаринский, М.А.Чельцов, П.П.Якимов, Г.М.Ясинскийлар “прокурор судда давлат органи вакили, назоратни амалга оширувчи, қонун ҳимоячиси вазифасини бажарувчи, айбловни қувватлаш эса – прокурор назоратининг битта шакли эканлиги” ҳақидаги фикрни илгари суради;

**учинчи гуруҳ олимларига** Б.А.Галкина, Л.Д.Кокарева, Н.Н.Полянского, Р.Д.Рахунова, В.С.Тадевосяна, В.П.Радькова, М.Л.Якуба, М.Л.Шифмана, С.Ходиревскоголар мансуб бўлиб, уларнинг таъкидлашича, “суд муҳокамасида прокурор нафақат айбловчи, шу билан бирга, қонунийликни таъминлашда назоратни амалга оширувчи давлат органи вакилидир”[46].

Қайд этилган олимлар гуруҳи суд муҳокамасида прокурорнинг айбловчи ёки назоратни олиб борувчи иштирокчи эканлигини илгари суради. Бир жиҳатдан фикрлар мазкур даврларда прокуратура тўғрисидаги ва процессуал қонунчиликда суд муҳокамасида иштирок этадиган прокурорнинг ваколати кенг бўлиб, суд устидан назорат функцияси принцип даражасига кўтарилганлигига боғлиқдир.

Хусусан, дастлабки тадқиқот ишида ўрганилган тарихий ривожланишида СССР Олий Совети Президумининг 1955 йил 24 майдаги фармони билан “Прокурор назорати тўғрисида”ги низом ва СССР Олий Советининг 1958 йил 25 декабрдаги қонуни билан ССР иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юргизиш Асослари ЖПКни қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилган. Хусусан, низомнинг 4-боби ва Асосларнинг 20-моддасида қатъий белгилаб қўйилган прокурорнинг суд устидан назорати ЖПКнинг 17-моддасида ўзининг ифодасини топган[47].

Бироқ Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий қонунчиликда босқичма-босқич “прокурорнинг “суд устидан назорат” тушунчаси бекор қилиниб, янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштироки ва ваколатларига бир қатор ўзгартиришлар киритилган-

43 Курочкина Л.А. Проблема обеспечения прокурором прав участников судебного разбирательства дис. ... д-ра юрид. наук. Москва, 2003 г. – С. 31.

44 Раджапова М.З. Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент 2023 й. 53-б.

45 Zedner, Lucia. Criminal justice. Oxford University Press, 2004. 319 p.

46 Тугутов Б.А. «Функции прокурора на судебных стадиях уголовного процесса» диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М., 2014 г. –С. 53-58.

47 Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент 2020 й.

лиги билан характерланади. Шу билан бирга, 2001 йил 29 август куни 257-II-сонли қарор билан “Прокуратура тўғрисида”ги қонун қайта янги таҳрирда қабул қилинди ва унда фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этиши қайд этилди (33-модда)[48]. Бундан ташқари, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар прокуратуранинг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш йўлида халқ прокуратурасини шакллантиришга қаратилгандир.

Шу нуқтаи назардан суд муҳокамасида прокурор фақат битта эмас, балки бир нечта функцияларни амалга ошириши ҳақидаги илмий қарашларни илгари сурамиз.

Фикримизни қуйидаги халқаро ҳужжат тасдиқлайди, хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 19 (2000)-сонли “Жиноий одил судлов тизимида прокуратуранинг роли тўғрисида”ги тавсияларининг “Прокурорнинг шахс олдидаги мажбуриятлари” бўлимида прокурор айблов учун масъуллиги, унинг ҳуқуқ ҳимоячиси сифатидаги асосий функцияси мавжудлиги, прокурор ўзининг жиноий одил судлов тизимидаги иштироки билан кенг қамровли функцияларни амалга ошириши қайд этилган[49].

Бу масалада биз прокурорнинг суд муҳокамасидаги функциялари бир неча кўринишга эга эканлиги (Д.С.Довудова[50]), унга кўра суд босқичларида прокурор айбловнинг қонунийлиги ва асослилигини қувватлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш функцияларини амалга оширувчи процесс иштирокчиси (давлат органи вакили) сифатида намоён бўлиши ҳақидаги фикрни илгари сурамиз. Бу борада тадқиқот олиб борган А.А.Тушев[51] ҳам ўхшаш қарашларни баён қилган.

Айбловни қувватлаш – айбловнинг қонуний ва асослилигини таъминлашда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш эса – шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, шу билан бирга, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жиноятчиликка қарши курашиш бўлса – суд муҳокамасида ҳар бир ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳолатларга муносабат билдиришда ҳамда у орқали жамоатчиликни ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир этишларининг олдини олишда намоён бўлади.

Фикримизни Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишидаги асосий вазифалари – қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат эканлиги ҳақидаги қоида тасдиқлайди.

*Фикримизча, жиноят иши бўйича суд муҳокамаларидаги прокурор функцияси – суд жараёнларида жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифа, мақсад ва принципларини амалга оширишга қаратилган ваколатлар йиғиндисидир (асосидир).*

*Прокурор ўз ваколатлари доирасида суд муҳокамасида иштирок этиш орқали умумий функцияни амалга оширса, айбловнинг асослилиги ва қонунийлигини таъминлаш орқали қувватлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш орқали махсус функцияларни амалга оширади.*

*Юқоридагилардан келиб чиқиб фикримизча, жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки – бу унга юклатилган функцияси орқали жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ваколат доирасида суднинг барча босқичларида давлат вакили сифатидаги фаолиятидир.*

Прокурорда процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқли равишда қўшимча мажбуриятлар мавжуд бўлиб, мазкур мажбуриятлар процесс иштирокчисининг биронтасида йўқ. Масалан, ҳимоячи шахс айбли бўлса ҳам, айбсиз бўлса ҳам уни ҳимоя қилади. Бу унинг вазифаси ҳисобланади. Прокурор эса агар суд жараёнида шахснинг айби бўлса ёки айбдор бўлмаса қонун доираси ўз позициясини ҳамда шахснинг ҳуқуқлари бузилса, у хоҳ судланувчи, хоҳ жабрланувчи ёки бошқа процесс иштирокчиси бўлишидан қатъи назар, ўз фикрини билдириш орқали муносабат билдириши шарт ҳисобланади.

Тадқиқот иши давомида прокурор-терговчилар

48 Ўша манба

49 Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 19 (2000)-сонли “Жиноий одил судлов тизимида прокуратуранинг роли тўғрисида”ги тавсиялари // Электрон манба: https://www/refworid.org.ru

50 Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент 2020 й.

51 Тушев.А.А. Прокурор в уголовном процессе Российской Федерации: система функции и полномочий» диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. – М., 2006 г. – С. 220-221.

ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасида респондентларнинг 54,26 фоизи суд муҳокамасида прокурор иштироки зарур эканлиги, 21,88 фоизи жабрланувчи ва унинг вакили иштироки етарли эканлиги, 23,86 фоизи прокурорнинг оғир ва ўта оғир ишларда иштироки зарурлиги тарафдори эканлигини маълум қилган[52]. Бошқа соҳа вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномада эса, 74 фоиз иштирокчи суд муҳокамасида прокурор иштироки қонунийликни таъминлаш учун зарур эканлигини маълум қилган[53].

Россия Федерацияси (кейинги ўринда РФ) Бош прокурорининг 2021 йил 30 июндаги "Жиноят суд ишларини юритишнинг суд босқичларида прокурор иштироки ҳақида"ги 376-сонли буйруғида жиноят суд ишларини юритишнинг суд босқичларида прокурор иштироки прокуратуранинг муҳим функцияларидан бири эканлиги қайд этилган[54]. Россияда ушбу функцияни таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши буйруқ даражасида белгиланган.

Юқоридаги таҳлил ва фикрлардан кўриш мумкинки, жиноят-процессуал қонунчиликда суд муҳокамасида прокурорнинг функцияси муҳим аҳамият касб этиши билан характерланади. Бироқ фикримизча, прокурорнинг асосий функцияси бўлган суд ишларини юритишда тортишув принципида назарда тутилган айбловнинг қонунийлиги ва асослилигини тўлиқ ҳамда сифатли таъминлаш орқали ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш каби қўшимча функцияларни амалга ошира олади. Шу сабабли ҳам суд муҳокамасида прокурор иштироки мажбурий ва зарур ҳисобланади.

Бироқ амалиётда суд муҳокамасида прокурорнинг функциясини тўлиқ ва сифатли таъминлашга таъсир этувчи омиллар сабабли бунинг имконияти мавжуд эмаслиги энг оғриқли муаммолардан бўлмоқда. Ҳудудлар мисолида олиб борилган таҳлиллар, масалан, Шайхонтоҳур туманида 5 та судья ва 1 та ёрдамчи, Юнусобод туманида 7 та судья ва 2 та ёрдамчи, Тошкент шаҳар судида 19 та судья фаолият олиб боради, 6 та ҳайъатда 3 та бўлим прокурори иштирок этади, бу эса нафақат прокурор функциясини сифатли ва тўлиқ таъминлаш, балки иш ҳужжатлари билан танишишга тўсқинлик қилади. Одатда прокурор суд муҳокамасида 100 фоиз иштирок этиши назарда тутилсада, лекин тўлиқ иштирок суд процессида 30 фоизни ташкил этади, прокурорлар асосан ишни бошлаб беришга, кейин зарурий гувоҳларни сўроқ қилиш ва музокара қисмига киради. Бу эса прокуратура органларида ушбу йўналишга қуйи поғоналар (туман (шаҳар)-га штат бирлиги берилиши, яъни 2 та судьяга 1 та прокурор ёрдамчиси бўлиши лозимлигини тақозо қилади.

Фикримизни соҳа мутахассислари ҳам тасдиқлаб, туман кесимида судьялар штат бирлигига нисбатан прокуратура ходимларининг штат бирликлари ўзаро мувофиқ эмаслигини таъкидлашади[55].

Шу сабабли фикримизча, туман (шаҳар) прокуратураларида фаолият олиб бораётган соҳавий йўналиш ходимларини ҳудудий судьялар штат бирлигига, яъни 2 нафар судьяга 1 нафар прокурор ёрдамчиси ҳамда жиноят ишлари салмоғига мутаносиблигини мувофиқлаштириш лозим. Чунки юқоридаги таҳлиллар натижаси асосий иш салмоғи биринчи инстанцияда туманларда (шаҳарларда) кўрилади ва деярли барча топшириқлар юборилади. Яна бир мисол, Олмалиқ шаҳрида 1 та штат бирлигида ёрдамчи, яъни бугунги ҳолатга иш ўрганувчи, 4 та судья штат бирлигида фаолият олиб боради. Бундан ташқари, унга 9 (вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилиги ижрочи устидан назорат), 17 (суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этишда қонунчилик ижроси устидан назорат) йўналиш ҳам бириктирилган[56]. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, прокурор суд муҳокамасида ўз функциясини сифатли таъминлаши учун билимга, нотиқлик маҳоратига ва ушбу соҳада иш тажрибасига эга бўлиши лозим. Бизнинг фикримизча, соҳавий йўналишда прокурор функциясини сифатли таъминлаш учун ходимга прокуратура органларида камида уч йиллик иш тажрибаси, зарур назарий билим ва кўникма, қатъиятлилик ва инсонийлик хислатлари, шунингдек, нотиқлик маҳорати каби талаблар қўйилиши лозим деган таклиф билдирилади.

Ўтказилган сўровномада иштирок этган прокуратура ходимларининг 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш лозимлиги ҳақидаги фикрни 45 фоизи, нотиқлик маҳоратини эса 51 фоизи, бошқа соҳа вакиллари (суриштирув, тергов ва суд) эса 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш лозимлиги ҳақида-

52 Прокуратура ходимлари ўртасида "sedo" ҳужжат айланмаси орқали ўтказилган сўровнома натижалари (06.10.2023 йил).

53 Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, суд ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари (09.10.2023 йил).

54 Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2021 йил 30 июндаги "Жиноят суд ишларини юритишнинг суд босқичларида прокурор иштироки ҳақида"ги 376-сонли буйруғи // Электрон кутубхона.

55 Д.С.Довудова ва Андижон вилояти прокуратурасининг 12-бўлими бошлиғи билан жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки муаммолари юзасидан ўтказилган интервью (28.12.2023 йил).

56 Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига тақдим этилган маълумотлар (01.01.2024 йил ҳолатига).

ги фикрни 53 фоизи, нотиқлик маҳоратини эса 51 фоизи тасдиқлаган[57].

В.Г.Ульянов прокурорни тараф сифатидаги процессуал позициясидан келиб чиқиб, тортишув жараёнининг исботлаш қисмида бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари билан тенг деган хулосага келиш тўғри бўлиб, бироқ бошқа ваколатларни тенглаштириш учун тарафларнинг мажбуриятларини тенглаштиришга ҳеч қандай асос мавжуд эмас деган ўринли фикр билдирган[58].

Шахс ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, шу билан бирга, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси (ПАСЕ) ўзининг 1604-сонли "Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида"ги тавсияларида прокуратура органларининг қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиноий тажовузлардан ҳимоя қилинишини, жиноятлар содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини, хавфсизлик ва жамият эркинлигини таъминлашдаги ролини юқори баҳолаган[59].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамиятга касб этиб, у ўз функцияларини принципларга таяниб, тўлиқ ва сифатли, қонун доирасида амалга ошириши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига хизмат қилади.

#

57 Прокуратура ходимлари ўртасида "sedo" ҳужжат айланмаси орқали ўтказилган сўровнома натижалари (06.10.2023 йил). Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, суд ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари (09.10.2023 йил).

58 Ульянов В.Г. Государственное обвинение в российском уголовном судопроизводстве. Процессуальные и криминалистические аспекты. СПб., 2002 г. См. также: Курочкина Л.А. Обеспечение прокурором прав участников судебного разбирательства уголовных дел. – М., 2004 г. – С.16. 47-48.

59 Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 19 (2000)-сонли "Жиноий одил судлов тизимида прокуратуранинг роли тўғрисида"ги тавсиялари // Электрон манба: http://www/refword.org.ru

**Бобоқул ТОШЕВ,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

# КОНСТИТУЦИЯ ДАВЛАТНИНГ СИЁСИЙ ПАСПОРТИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИДИР

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада Конституциянинг ҳуқуқий табиати, унинг устуворлиги, белгилари, қонунларнинг қабул қилинишида Конституцияга риоя этиш аҳамияти, Конституция ва қонунларнинг нисбати, ҳуқуқий билим, конституциявий ислоҳотлар, Конституцияга оид олимларнинг назарий-сиёсий қарашлари баён этилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье рассматривается правовая природа Конституции, её приоритетность, признаки, важность соблюдения Конституции при принятии законов, соотношение Конституции и законов, правовые знания, конституционные реформы, а также теоретико-политические взгляды ученых, касающиеся Конституции.*

***ABSTRACT.*** *The article examines the legal nature of the Constitution, its priority, characteristics, the importance of adhering to the Constitution in the adoption of laws, the relationship between the Constitution and laws, legal knowledge, constitutional reforms, as well as the theoretical and political views of scholars on the Constitution.*

***Калит сўзлар:*** *Конституция, қонун, ҳуқуқ, ҳуқуқий маданият, ижтимоий муносабат, қонун лойиҳаси, демократик қадрият, халқаро-ҳуқуқий мажбурият.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, закон, право, правовая культура, социальные отношения, законопроект, демократическая ценность, международные правовые обязательства.*

***Key words:*** *Constitution, law, rights, legal culture, social relations, draft law, democratic values, international legal obligations.*

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, мамлакатни дунёга танитадиган сиёсий харита, мустақилликни таъминлаб берган давлатнинг паспорти сифатида тан олинар экан, у доим ўзлигимизни кўрсатиб турадиган олий қонундир. Бу қонун давлат ва жамият учун ҳар доим устувор ҳисобланади.

Конституция ўз мазмуни ва ижтимоий вазифасига кўра давлатнинг моҳиятини таърифловчи, унинг ташкилий тузилишини ифодаловчи, давлат сиёсатининг асосларини белгиловчи ҳужжат сифатида гавдаланади[1].

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони эканлиги алоҳида таъкидланишида катта маъно бор. Ҳақиқатан ҳам қонун устуворлиги таъминланган давлатда демократик қадриятлар қарор топади ва мустаҳкам бошқарув амалда бўлади. Президентимиз ушбу тушунчаларга чуқур таъриф берар экан, ***"Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир"***, деб тўғри таъкидлаган эди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда **Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди"[2].

Давлатимиз раҳбари ушбу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат ва жамият ўртасида мувозанатни таъминлаш, бунча қонунчиликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини барча чиқишларида алоҳида қайд этиб ўтмоқда. Президентимиз янги таҳрирдаги Конституциямиз[3] қабул қилинганлиги муносабати билан ўзказилаётган тадбирларда сўзлаган нутқида ҳам, Мурожаатномаларда ҳам Конституция нормалари устуворлигини таъминлашга эришиш давлатимиз келажаги ва халқимизнинг келгуси истиқболини белгилаб беришини айтиб ўтди.

Бизнингча, Конституция устуворлигини таъминлашга бир қатор муҳим тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай қонун ҳужжати яратилишидан олдин унинг ғояси ва концепцияси Конституцияга мосланиши, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари чуқур англаб олиниши, давлат ва жамият тараққиёти ривожланиши йўлида қўйилган вазифалар идрок қилиниши ва мақсадлар аниқлаб олиниши лозим.

Иккинчидан, Конституцияда мавжуд, лекин жамиятда тартибга солинмаган ижтимоий муносабатлар аниқланиши, фуқаролар ва жамиятнинг муаммолари ўрганилиши, муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлаётган турли қарашлар инобатга олиниши ҳамда илмий асосланиши керак.

Учинчидан, қонун ҳужжатлари фақат Конституцияда белгиланган нормалар, қоидалар, принциплар доира-

1 Отахонов Ф. https://xs.uz/uzkr/post/konstitutsiya-tushunchasi-funktsiyalari-va-asosij-printsiplari.

2 Shavkat Mirziyoyev: Konstitutsiyani to‘g‘ridan to‘g‘ri qo‘llash amaliyotiga o‘tishimiz zarur // https://kun.uz/news/2023/12/07/shavkat-mirziyoyev-konstitutsiya-kuni-munosabati-bilan-ozbekiston-xalqiga-bayram-tabrigi-yolladi

3 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон https://lex.uz/docs/6445147

сида ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, имкон қадар идоравий характердаги, ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилишни кескин камайтириш, қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини турлича талқин қилишга олиб келадиган ҳаволаки нормалар кириб қолишининг олдини олиш, тўғридан-тўғри қўлланадиган қоидаларнинг яратилиши муҳим омиллардан саналади.

Тўртинчидан, яратилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва мутахассисларнинг экспертлик кўригидан ўтказилиши, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши лозим.

Бешинчидан, ҳар қандай давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мақомини янада ойдинлаштириш, уларнинг фақат қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, одамларда норма ижодкорлиги қобилиятини ривожлантириш, фикрларни эркин баён қилиш муҳитини шакллантириш, ҳар қандай ғоя ва қарашларни ҳурмат қилиш, уни рағбатлантириш, илм-фан натижалари, олимларнинг илмий хулоса ва таклифларидан ўринли фойдаланиш, қонун ҳужжатларини яратишнинг институционал тизимини йўлга қўйиш лозим.

Еттинчидан, қонунчилик жараёнини такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни хатловдан ўтказиш, умумлаштириш, кодекслаштиришга кенг йўл бериш, қонун ҳужжатларини ижро қилишнинг янгича механизмларини жорий қилиш, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларини шарҳлаш ва талқин қилиш қобилияти ва кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш самара бериши мумкин.

Жамиятда Конституция нормаларининг устуворлигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан бири – бу мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билимли бўлишидир. Уларнинг ҳуқуқий билими даражаси бир томондан қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг сифатига таъсир кўрсатса, иккинчи томондан қонун ҳужжатларининг ўз вақтида ва ишончли ижросини таъминлашга олиб келади.

Замонавий демократик ёндашувларга кўра, Конституция – бу ижтимоий шартнома, яъни халқ ва давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган аҳднома ҳисобланади[4].

Давлат органларида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини Конституцияга мос равишда ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнларда очиқликни таъминлаш, лойиҳаларни кенг муҳокама қилиш, унинг тегишли ҳуқуқий экспертизаларини ташкил этиш муҳим омиллардан саналади. Б.Қаюмов ҳақли равишда экспертиза орқали қонун ҳужжати лойиҳаларининг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилишини таъкидлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги пайтларда қабул қилинган қатор фармон ва қарорларда қонун устуворлигига эришишда мансабдор шахсларнинг бошқарув қобилиятини ривожлантириш, қўл остида ишлаётган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига сўзсиз риоя этишлари, уларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказмаслик, ходимларнинг ишчанлик қобилиятини ривожлантириш ва ҳар томонлама рағбатлантириш ҳақида раҳбарларнинг огоҳлантирилаётгани катта самара бериши мумкин. Қонунчиликда ва миллий амалиётимизда қарор топган ушбу ҳолатлар, ўз навбатида, тегишли қонунларни коррупциянинг келиб чиқишига нисбатан экспертиза қилишда ва ушбу жараёнда лоббизм юзага келишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда "давлат органлари ва мансабдор шахслар халққа хизмат қилиши" асосий бошқарув принципига айлантирилаётган экан, қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири – бу фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш бўлса, иккинчи томонидан мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибларини такомиллаштиришга ҳам боғлиқ. Мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини нотўғри бажариши, ваколатидан четга чиқиши, масъулиятсизлиги, бюрократияга асосланиш, қоғозбозлик, мажлисбозлик каби замондан орқада қолган бошқарув принциплари қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган жиҳатлар ҳисобланади. Р.Ҳакимов таъкидлаганидек, бунда ана шундай салбий ҳолатлар устидан жамоат назоратини ўрнатиш ижобий натижалар бериши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш" ғояси нафақат давлат бошқарувини тўғри ташкил этишга хизмат қилади, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, одамларда келажакка ишонч ҳиссини кучайтиради. Демократик қадриятларни кенг жорий этиш, давлат ва жамият бошқарувида ҳар бир кишининг иштирокини таъминлаш, муаммолар ечимини кўрсатиб берадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, мамлакатимиз зиммасига олган халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини виждонан бажариш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Инсон бахтли бўлиши, ўзини эркин ва озод ҳис қилиши, ҳаётидан рози бўлиши, ўзи ва фарзандларининг хавфсиз жамиятда яшаши кафолати айнан Конституция нормалари устувор бўлган жойдагина таъминланади.

#

4 Миракулов М. Конституциявий қонуннинг моҳияти ва аҳамияти // https://gk-usbekistan.de/uz/ 2023/04/03/ o'zbekcha

**Шодияр ШАЙЗАКОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ бошлиғи, ю.ф.ф.д.(PhD), доцент, мустақил изланувчи**

# ФУҚАРОЛИК СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Мазкур мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинган суд қарорлари устидан апелляция тартибида шикоят келтириш, қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш имконияти орқали ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, апелляция инстанциясида суд ҳужжатларини қайта кўришнинг конституциявий асослари, апелляция судларининг мақсад ва вазифалари, суд ҳужжатларига қўйилган талаблар, апелляция инстанциясида иш юритишда амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, апелляция инстанциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқаро стандартлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда бу борада процессуалист олимларнинг қарашларини таҳлил қилиб, муаллифлик таърифларини илгари сурган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В данной статье автор, используя право на судебную защиту своих прав и свобод, закрепленное в Конституции Республики Узбекистан, рассматривает возможность подачи апелляционной жалобы на решения судов первой инстанции по гражданским делам для устранения ошибок и недостатков в судебных актах, не вступивших в законную силу, с целью защиты прав и свобод. Автор исследует конституционные основы пересмотра судебных актов в апелляционной инстанции, цели и задачи апелляционных судов, требования к судебным актам, проблемы и их решения на практике в ходе апелляционного производства, международные стандарты по защите прав и свобод граждан, а также опыт зарубежных стран в данной области, анализируя взгляды процессуалистов и предлагая авторские определения.*

***ABSTRACT.*** *In this article, the author, exercising the right to judicial protection of individual rights and freedoms enshrined in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, examines the possibility of filing an appeal against decisions of first-instance courts in civil cases to eliminate errors and deficiencies in judicial acts that have not entered into legal force, with the aim of protecting rights and freedoms. The author explores the constitutional foundations of reviewing judicial acts in the appellate instance, the goals and objectives of appellate courts, requirements for judicial acts, practical issues and their solutions during appellate proceedings, international standards for the protection of citizens' rights and freedoms, as well as the experience of foreign countries in this field, analyzing the perspectives of procedural scholars and offering original definitions.*

***Калит сўзлар:*** *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, апелляция инстанцияси суди, суд ҳужжатлари, одил судлов, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги, адолатлилиги, қайта кўриш институти.*

***Ключевые слова:*** *Конституция Республики Узбекистан, Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан, апелляционный суд, судебные акты, правосудие, право на судебную защиту, законность судебных решений, обоснованность, справедливость, институт пересмотра.*

***Key words:*** *Constitution of the Republic of Uzbekistan, Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, appellate court, judicial acts, justice, right to judicial protection, legality of judicial decisions, validity, fairness, review institution.*

Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш тизими адолатли судловни таъминлаш ва қонунийликни сақлашда муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати белгиланган бўлиб, бунинг амалда таъминланиши суд тизимида қонунчиликнинг аниқ ва адолатли қўлланилишига боғлиқдир. Апелляция институти фуқаролик ишларини адолатли ва холисона кўриб чиқиш имконини беради, бу эса ўз навбатида, судлов фаолиятининг сифатини оширади ва фуқароларнинг давлатга ишончини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда фуқаролик ишларини қайта кўриш институтининг конституциявий асослари ўзига хос бўлиб, мамлакат қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Ушбу асослар фуқаролик ишларини апелляция тартибида қайта кўриш жараёнида қонунлар ва қоидаларнинг аниқ амалга оширилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатнинг асосий қонуни сифатида адолат ва қонунийлик принципларини ўз ичига олади. Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қоидалари суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Адолатли суд ҳимоясида бўлиш эса ҳар бир фуқаронинг асосий ҳуқуқи бўлиб, фуқаролик ишларини кўриш жараёнида унинг таъминланиши давлатнинг демократик асослари мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Адолат принципи, энг аввало, судларнинг холисона ва қонуний иш олиб боришини талаб қилади. Апелляция институти эса суд қарорларини қайта кўриб чиқиш имкониятини беради, бу орқали адо-

латли қарор қабул қилинишига эришилади.

Конституцияда белгиланган адолат принциплари ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш кафолатлари ҳар бир судлов жараёнида адолат ва қонунийликнинг таъминланишини талаб қилади. Апелляция инстанцияси, ўз навбатида, қонуний ва одил қарорлар чиқарилишини назорат қилиш механизмларидан бири сифатида муҳим ўрин тутади. Биринчи инстанция судлари қарорларига нисбатан норози томонлар апелляция институти орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ, "Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли. Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга"[1]. Бу қоида фуқароларнинг адолатли суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда аҳамиятлидир.

Адолат ва қонунийлик ўзаро боғлиқ бўлиб, фуқароларнинг судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини янада мустаҳкамлайди. Конституцияда белгиланган одил судлов ҳуқуқи ҳар бир шахсга қонуний ва асосланган қарор чиқарилишини кафолатлайди. Фуқаролик ишларини апелляция инстанциясида қайта кўриш жараёни бу ҳуқуқнинг амалий кўриниши сифатида намоён бўлади.

Судлар томонидан адолатли ва қонуний қарорлар чиқарилиши, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур механизмдир. Шундай экан адолат принципларининг қонун устуворлиги билан боғлиқлиги, фуқароларнинг судда ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари учун қонуний кафолатларни таъминлайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг қоидаларига кўра, биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинган қарорларга нисбатан норози бўлган тарафлар апелляция инстанциясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқий асос ишларни қайта кўриш орқали суд ҳужжатларининг қонуний ва асосли бўлишини таъминлайди. Апелляция институти, шунингдек, биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш механизмларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинги ўринларда – ФПК) 383-моддасида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин[2].

Апелляция инстанциясида фуқаролик ишларини кўриш тартибида процессуал қонун-қоидалар муҳим ўрин тутади. Бу қоидалар ишларни қайта кўришда судларнинг қонуний ва асосли қарорлар чиқаришини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд қарорларига нисбатан апелляция орқали шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, бу институт фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Мазкур институтнинг ҳуқуқий асослари мамлакатнинг демократик қадриятлари ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш принципларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган.

Апелляция институтининг асосий вазифаларидан бири суд ҳужжатларининг қонунийлигини текшириш ва адолатни тиклашдан иборатдир. Фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган меъёрлар апелляция тартибида ишларни кўришда адолатли ва қонуний қарорлар чиқарилишини таъминлашга қаратилган. Апелляция инстанциясида ишларни қайта кўриш жараёнида судлар биринчи инстанцияда йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш ва томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади.

Апелляция институтининг ҳуқуқий асослари нафақат фуқаролик процессуал қонунчилигида, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мустаҳкамланган. Конституцияда белгиланган нормалар фуқаролик ишларини апелляция инстанциясида кўриб чиқиш жараёнида ҳам тўғридан-тўғри

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон // https://www.lex.uz/docs/6445145

2 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // https://www.lex.uz/docs/3517337

амал қилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 1-бандида “Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини англатади. Шунга кўра, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозим. Судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратишлари керак”[3], деб қатъий белгилаб қўйилган.

Шу сабабли ҳам фуқаролик судлари ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқишда суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида, Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилиши лозим бўлади.

Шу жиҳатдан ҳам апелляция институтининг фуқаролик ишларини адолатли ва қонуний кўришни таъминлашда ўзига хос жиҳати мавжуд бўлиб, суд ҳал қилув қарорлари ҳали қонуний кучга кирмасдан туриб йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш ва бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Ушбу институтнинг ҳуқуқий асослари қонунийлик ва адолат принципларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Апелляция институтининг фуқаролик ишларидаги роли фуқароларнинг судга ишончини мустаҳкамлаш ва давлатнинг қонунийликни таъминлаш вазифасини амалга оширишда муҳим механизмлардан биридир.

Апелляция инстанциясининг асосий мақсади[4] ҳам биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ажримнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш, унда йўл қўйилган хато ва камчиликларни қонунда белгиланган муддатларда ваколатли шахслар томонидан берилган шикоят (протест) орқали қайта кўриш ҳамда бу орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган одил судловдан фойдаланиш ҳар бир шахснинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бу ҳуқуқ инсон ҳуқуқларининг асосий қисмидир ва суд-ҳуқуқ тизимидаги адолат принципини амалда таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Апелляция институти бу ҳуқуқнинг амалий кўриниши сифатида хизмат қилиб, биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар адолатли бўлишини таъминлайди.

Апелляция инстанциясидаги ишларни кўриш биринчи инстанция судлари қарорларининг қонунийлигини текшириш ва зарур ҳолларда хатоларни бартараф этиш имконини беради. Бу жараёнда суднинг мустақиллиги ва холислиги алоҳида аҳамият касб этади. Одил судловга эришиш, шунингдек, апелляция инстанциясида ишларни кўришда томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашни назарда тутади. Фуқаролик ишларида апелляция институти орқали томонлар ўз даъволарини тўлиқ баён этиш, далилларни тақдим этиш ва биринчи инстанция судидаги хатоларни кўрсатиш имконига эга бўлади.

Апелляция инстанциясида одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутиб, суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигини назорат қилиш механизмларидан бири ҳисобланади. Бунда апелляция институти фуқароларнинг судга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди ва давлатнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги обрўсини оширади. Биринчи инстанция судларининг қарорлари апелляция жараёнида қайта кўрилганда, судлар томонидан адолатли қарорлар қабул қилиниши таъминланади ва фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади.

Апелляция инстанциясининг адолатни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида кўплаб олимлар ўз мулоҳазаларини келтириб ўтади. Жумладан, Ш.Шораҳметов фуқаролик ишларини апелляция тартибида судда кўриш фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолати сифатида биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят қилиш(про-

3 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 6-сонли қарори // http://lex.uz/docs/6523654

4 Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Мамасиддиқов, ю.ф.н., проф. Д.Хабибуллаев. -Тошкент. “Lesson press” нашриёти, 2020 й. 479-б.

тест келтириш)нинг аниқ ва ҳаракатчан тизимини шакллантириш, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тузатиш ҳамда ҳал қилув қарорини (ажримини) текшириш борасида самарали инстанция бўлиб ҳисобланиши ҳақидаги қарашларни илгари суради[5].

Р.А.Хусаинова эса апелляция – биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори (ажрими) қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини аниқлаш, мавжуд суд хатоларини бартараф этиш мақсадида иш учун аҳамиятли бўлган юридик ва фактик ҳолатларни текшириш орқали ишни мазмунан қайта кўриш учун апелляция инстанцияси судида қўзғатилган иш юритишнинг тартибини белгиловчи ҳамда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг фуқаролик ишини тўғри ҳал этиш ва биринчи инстанция судининг фаолиятини назорат қилишни таъминлашга қаратилган нормалари тизимидан иборат эканлигини таъкидлайди[6].

Назаримизда, апелляция инстанцияси суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини, қонун ҳужжатларини бир хилда қўллаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ва суд назоратини олиб боришнинг шаклларидан биридир.

Суднинг қонуний, асосли ва адолатли қарорлар чиқариши ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлайди. Шу тариқа апелляция инстанцияси судлов жараёнида одилликни таъминлашнинг зарур механизмларидан бири ҳисобланади. Апелляция институти орқали фуқароларнинг суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, бу эса давлатда демократик ва ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фуқаролик ишларини қайта кўриш институтининг конституциявий кафолатлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир шахсга суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини беради. Бу ҳуқуқ, шунингдек, адолатли суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фуқаролик ишларини кўришда апелляция институтининг зарурлигини асослаб беради. Конституцияда ҳар бир шахснинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаш давлатнинг суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган муҳим талабидир.

Конституциянинг асосий мақсадларидан бири ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Апелляция институти фуқароларнинг адолатли суд қарорларига бўлган ишончини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизм сифатида ушбу кафолатларни амалга оширишга ёрдам беради.

Конституциявий кафолатлар нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни, балки уларнинг суд тизимига бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлайди. Апелляция институти орқали биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатиш имконияти яратилади. Бу механизм суд қарорларининг адолатли ва қонуний чиқарилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, у инсон ҳуқуқлари ҳимоясини қонуний ва амалда таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Конституциянинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган талаблари, айни пайтда, апелляция институтининг ҳуқуқий асослари сифатида хизмат қилади.

Фуқаролик ишларини апелляция инстанциясида қайта кўриш жараёнида томонларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, далилларни тақдим этиш ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконияти яратилади. Апелляция инстанцияси ФПКнинг 396-моддасига асосан янги далилларни ўрганиб чиқиш ва янги фактларни аниқлаш ваколатига эга. Бу ҳуқуқий кафолатлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлайди ва суд қарорларининг қонунийлигига ишонч уйғотади. Суд-ҳуқуқ тизимидаги апелляция институти орқали фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади ва уларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ишонч мустаҳкамланади.

Шундай қилиб фуқаролик ишларини қайта кўришдаги конституциявий кафолатлар суд-ҳуқуқ тизимининг адолатли ва қонуний бўлишини таъминлашга қаратилган. Бу кафолатлар орқали ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи таъминланади. Конституциявий кафолатлар давлатнинг суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу тариқа апелляция институти фуқароларнинг адолатли суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалий жиҳатдан таъминлайди ва давлатнинг суд-ҳуқуқ тизимида қонунийлик ва адолат принципларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасида апелляция институти суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш жараёнида муҳим ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Давлат мустақилликка эришгандан сўнг суд тизимини ислоҳ қилиш ва одил судловни таъминлаш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу жараёнда фуқаролик ишларини қайта кўриш институтининг аҳамияти ҳам ошди. Апелляция институти фуқаролик судларининг биринчи инстанция

5 Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: “Адолат”. 2007 й. 384-б.

6 Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д. З.Н.Эсонова. -Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2013 й. 235-б.

қарорларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг адолатли ва қонунийлигини таъминлаш, қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида, айниқса, фуқаролик процессуал қонунларида белгиланган апелляция тартиби судлов тизимидаги одиллик ва қонунийлик принципларини таъминлашга йўналтирилган. Апелляция институтининг ҳуқуқий ривожланиши нафақат миллий қонунчиликдаги ўзгаришларда, балки халқаро тажрибага таянган ҳолда ишлаб чиқилган ислоҳотларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, апелляция институтининг Ўзбекистондаги ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнида халқаро стандартлар (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактлар ва бошқалар) ва ривожланган давлатлар тажрибаси инобатга олинди.

Халқаро тажрибага кўра апелляция институти демократик давлатларда адолатли судловни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бир қатор Европа давлатлари, шу жумладан, Германия, Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар суд-ҳуқуқ тизимида апелляция институтини қўллаб-қувватлашда улкан тажрибага эгадир. Масалан, Германияда судларнинг холислигини ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида апелляция институти қонун билан мустаҳкамланган[7]. Францияда эса апелляция тартиби адолатли суд ҳуқуқининг ажралмас қисми ҳисобланиб, фуқароларнинг суд қарорларидан норози бўлган ҳолда уларни қайта кўриш имконини берувчи муҳим механизм сифатида хизмат қилади[8].

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айниқса, Конституцияга киритилган ўзгартиришлар ва янгиланган қонун ҳужжатлари орқали фуқаролик ишларида адолатли суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида апелляция институтининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилдан буён қабул қилинган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар апелляция тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бу фуқаролик ишларида қонунийликни таъминлашга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда апелляция институтининг ҳуқуқий ривожланиши халқаро стандартлар ва демократик қадриятларга мос равишда амалга оширилмоқда. Миллий қонунчилик халқаро конвенциялар ва келишувларга асосланган ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Европа Инсон ҳуқуқлари судининг прецедент ҳуқуқи апелляция институтининг ҳуқуқий ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида судлар томонидан чиқарилган қарорларнинг холис ва адолатли бўлишини таъминлашга қаратилган.

Шундай қилиб апелляция институтининг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ривожланиши ва халқаро тажрибани ўрганиш орқали давлатнинг суд-ҳуқуқ тизими янада такомиллаштирилмоқда. Халқаро тажрибага таянган ҳолда Ўзбекистонда апелляция институти орқали фуқароларнинг адолатли ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш ва суд қарорларининг қонунийлигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқий асослар кучайтирилмоқда. Бу йўналишдаги ислоҳотлар суд тизимини ривожлантириш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришда муҳим ўрин тутади.

Фуқаролик ишларини апелляция инстанциясида қайта кўриш жараёнида бир қатор амалдаги муаммолар мавжуд. Бу муаммолар суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашда тўсиқ бўлиб, фуқароларнинг судга нисбатан ишончини камайтириш хавфини вужудга келтиради. Мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларга ечимлар ишлаб чиқиш орқали апелляция институтининг самарадорлигини ошириш мумкин.

**Биринчидан,** апелляция инстанциясидаги ишлар кўпинча узоқ давом этиши ортиқча вақт ва ресурсларнинг сарфланишига олиб келади. Суд ишларининг узоқ давом этиши фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалга оширишда қийинчилик туғдиради. Бу муаммони ҳал қилиш учун суд тизимида ишларни тезкор кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштириш, суд жараёнларини тўлиқлигича электрон тизимларга ўтказиш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш зарур. Бунда суд иш юритуви муддатларини қисқартириш, апелляция инстанциясида иш юритиш қоидаларига нисбатан сунъий интеллектни жорий қилиш орқали апелляция жараёнини янада самарали қилиш мумкин.

**Иккинчидан,** биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлардаги хатолар ва процессуал қонунбузарликлар апелляция инстанциясидаги ишлар сонининг ортишига сабаб бўлади. Судьяларнинг малакаси ва касбий тайёргарлигини ошириш орқали биринчи инстанция судларида қабул қилинадиган қарорларнинг сифатини яхшилаш мумкин. Бу борада судьялар учун доимий малака ошириш дастурлари ва ўқув курслари ташкил қилиш самарали чоралардан бири бўлиши мумкин.

**Учинчидан,** апелляция инстанциясидаги суд жараёнларида қонунчиликдаги мураккабликлар ва тушунарсиз қоидалар ҳам тўсиқ бўлади. Фуқаролик про-

7 Албегова З.Г. Институт апелляция в арбитражном процессе // Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - М., 2008 г. – С.17.

8 Хусаинова Р.А. Фуқаролик ишларини апелляция тартибида судда кўриш муаммолари // Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Т. 2011 й. 43-б.

цессуал қонунчилигини соддалаштириш ва апелляция судларини ихтисослаштириш орқали суд жараёнидаги муаммоларни камайтириш ҳамда бу жараёнда халқаро стандартлардан ва бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

**Тўртинчидан,** суд жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги ҳам апелляция жараёнида қийинчилик туғдиради. Бу муаммони бартараф этиш учун суд жараёни иштирокчиларига тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳуқуқий маслаҳатлар ва ёрдам хизматларини кучайтириш зарур. Суд жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш учун уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш чора-тадбирлари кўрилиши лозим.

Фуқаролик ишларини қайта кўриш жараёнидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, суд жараёнининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва судьялар малакасини ошириш каби механизмлар орқали апелляция институтининг самарадорлигини ошириш мумкин. Шунингдек, суд ишларини тўлиқ электрон тизимлар орқали бошқариш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Назаримизда, бу каби чора-тадбирларнинг белгиланиши апелляция институтининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг судга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш ва суд жараёнидаги одил судлов принципини таъминлашда муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинадиган суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этиб ўтилган бўлса-да, бироқ суд қарорлари қайси ҳолатларда қонуний, асосли ва адолатли бўлиши аниқ белгилаб берилмаган. Шу сабабли ҳам процессуалист олимлар суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги қандай мезонлар асосида белгиланиши ҳақида турли хил қарашларни илгари суради.

Хусусан, М.Тожибоев Ўзбекистон Республикасининг янги ФПКда суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлигини белгиловчи алоҳида норма мавжуд эмаслигини кўрсатиб, ҳал қилув қарорининг қонунийлиги судлар томонидан умумэътироф этилган принцип ва нормаларга, халқаро шартномаларга риоя этилишини англатишини, суд ҳал қилув қарорининг асослилиги фақат суд мажлисида текширилган материаллар билан асосланиши, ҳал қилув қарорининг асослилиги унинг қонунийлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, агар суд ҳал қилув қарорига нисбатан қўйилган биринчи талаб, яъни унинг қонуний бўлиши ҳал қилув қарорининг ҳуқуқий томони бўлса, асослилик эса унинг фактологик томони ҳисобланишини, ҳал қилув қарорларининг адолатлилиги маънавий зарарни ундириш, моддий зарар ёки бошқа мол-мулкни ундиришга оид фуқаролик ишлари бўйича даъво талабларини қаноатлантиришда тарафларнинг, хусусан, жавобгарнинг иқтисодий имкониятларига ва бошқа иш ҳолатларига мувофиқ бўлиши кабиларда кўпроқ намоён бўлишини кўрсатиб[9], ҳал қилув қарорининг адолатлилиги ҳақида ягона фикр билдирмаган.

С.К.Загайнова тадқиқотларида суд қарорларининг қонунийлиги талаби фақатгина моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва тўғри қўллаш билан чегараланмасдан, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари, халқаро шартномалар, моддий-ҳуқуқий муносабатлар ёки процессуал масалаларни тартибга солиши ҳамда бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келишини, суд қарорларининг асослилиги тўғрисидаги талабни текширишда “суд иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни текширади” қоидасидан келиб чиқиши, масаланинг объективлигини суд жараёнида аниқлаши кераклигини, суд қарорининг адолатлилиги тамойили совет илмий адабиётларида анъанавий равишда чиқарилганлиги, суд қарорининг асослилиги ва қонунийлиги унинг ажралмас қисми сифатида қаралганлигини, унинг фикрича, суд ҳужжатининг адолатлилиги қонунийлик ва асослилик талабларини амалга оширишда суднинг мантиқий, ақлий фаолиятини акс эттириб, суднинг у ёки бу хулосага келган сабабларини кўрсатиш масалалари билан боғлиқ ҳамда бу мотивлар моддий ва процессуал ҳуқуқ масалаларига ва фактик масалаларга тааллуқли бўлиши кераклигини илгари суради[10].

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, суд қарорларининг қонунийлиги унинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради. Ушбу нормаларни қўллашда суд Россия Федерацияси Конституциясига, федерал қонунларга ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилади. Процессуал қонун ҳужжатларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қарорни бекор қилиш учун асос бўлади. Суд қарорининг асослилиги иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўғри аниқлаш, суд томонидан иш учун аҳамиятли бўлган

9 Тожибоев М.М. Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорлари: назарий ва амалий масалалар // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Т.: 2023 й. 51-55-б.

10 Загайнова С.К. Судебные акты в гражданском и арбитражном процессе: теоретические и прикладные проблемы // Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - М., 2008 г. – С.23-25.

ҳолатларнинг исботланганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг ишнинг ҳолатларига мувофиқлигидир. Суд қарорининг адолатлилиги – унинг ишончлилиги ва тўғрилиги, шу жумладан, мантиқий тасдиқланган далиллар тизими, суд қарор қабул қилишда фактик ва юридик асосларга таянишидир[11].

М.М.Мамасиддиқов биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига қўйиладиган талаблар қонуний, асосли ва адолатли бўлишини кўрсатиб, қонуний талаб – ҳал қилув қарори моддий ҳуқуқ нормаларига ва процессуал ҳуқуқ нормаларига асосланган бўлиши кераклигини, унинг асосланганлиги – ҳал қилув қарори ишнинг барча ҳолатлари, суд мажлисидаги далилларга асосланган, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олган бўлиши лозимлиги, адолатлилиги эса – ҳал қилув қарори ишда тасдиқланган далилларга асосланиб одилона, холисона қабул қилиниши кераклигини таъкидлайди[12].

Мазкур олимларнинг суд қарорининг қонунийлиги, асослилиги ҳақидаги қарашлари ўхшаш бўлса-да, лекин суд қарорининг адолатлилиги ҳақида ягона ёндашувлар мавжуд эмас. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ягона суд амалиётини шакллантириш учун суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши ҳақида аниқ мезонлар ишлаб чиқилишини талаб этади.

Бизнингча, апелляция инстанциясида суд ҳужжатларини қайта кўришда суд қарорларининг қонунийлиги деганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳужжатлар ва шартномалар, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларига риоя этилишини тушунимиз керак.

Суд қарорларининг асослилиги деганда иш учун аҳамиятли, суд процессида текширилган ва исботланган, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келиши ҳамда қонун талабларига жавоб бериши лозим.

Суд қарорларининг адолатлилиги – суд ишларини юритишда тарафларнинг тенглигига риоя қилинганлиги, ишончли ва тўғри далилларга таянган ҳолда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган одилона қарор тушунилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ишларини апелляция тартибида қайта кўриш институти Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимида қонунийлик ва адолат принципларини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Мазкур институтнинг конституциявий асослари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, давлатнинг қонуний асосларга таянган демократик тизимида адолатли суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Апелляция институтининг фуқаролик ишларидаги роли суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг судга нисбатан ишончини мустаҳкамлашда ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликда, айниқса, фуқаролик процессуал қонунларида белгиланган қоидалар фуқаролик ишларини апелляция тартибида қайта кўриш жараёнида қонунийликни таъминлашга йўналтирилган. Бу жараёнда фуқароларга суд қарорларидан норози бўлган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Конституцияда мустаҳкамланган мазкур ҳуқуқ фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Шу билан бирга, апелляция институтининг Ўзбекистондаги ривожланиши халқаро тажрибага мос келади ва суд-ҳуқуқ тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилади. Бунда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш орқали фуқаролик ишларини қайта кўриш институтининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда. Халқаро стандартларга мувофиқ Ўзбекистонда ҳам апелляция тартибида ишларни кўриш жараёнида қонунийлик ва адолат таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай қилиб фуқаролик ишларини апелляция тартибида қайта кўриш институти Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни таъминлаш, адолатли суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаш ва фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Суд жараёнининг самарадорлигини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва халқаро стандартларга мослаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар давлатнинг ҳуқуқий тизимини янада кучайтиришга ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Апелляция институтининг ривожланиши орқали фуқаролик ишларини кўришдаги қонунийлик ва адолат таъминланади, бу эса давлатнинг қонунийлик асосидаги демократик қадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

#

11 Гражданский процесс: учеб.-метод. пособие / Г.В.Молева, Б.В.Вершинин. – Пенза: Изд-во ПГУ, 2021 г. – С. 143.

12 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари // Ўқув қўлланма –Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018 й. 40-б.

**Насимбек АЗИЗОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси**
**кафедра бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD)**

**Диёрбек ИБРАГИМОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси**
**катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)**

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРНИНГ УСТУНЛИГИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ГАРОВИДИР

***АННОТАЦИЯ.*** *Мазкур мақолада мамлакатимиз Конституциясининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни, мамлакатимиз қонунчилигини ташкил этишдаги аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, жамиятда қонунийликни таъминлашда Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи илмий равишда тадқиқ қилиниб, унинг мазмун-моҳияти очиб берилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В данной статье анализирована роль Конституции нашей страны в защите прав и законных интересов граждан, ее значение в формировании законодательства нашей страны. Также, научно исследован принцип верховенства Конституции и законов в обеспечении законности в обществе, и раскрыта его сущность.*

***ABSTRACT:*** *This article analyzes the role of our country's Constitution in protecting the rights and legal interests of citizens, as well as its significance in shaping the nation's legislation. Additionally, the principle of constitutional and legal supremacy in ensuring the rule of law in society has been scientifically examined, and its essence has been revealed.*

***Калит сўзлар:*** *Конституция, қонунларнинг устунлиги, ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқ устуворлиги, ҳуқуқий нормалар, жонли ҳуқуқ назарияси.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, верховенство законов, общественные отношения, верховенство права, правовые нормы, теория живого права.*

***Key words:*** *Constitution, rule of law, public relations, rule of law, legal norms, theory of living law.*

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқ нормалари билан тартибга солувчи бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар мазмун-моҳиятига, соҳаларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ана шундай ҳуқуқ соҳалари орасида конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг ўрни беқиёс. Зеро, конституциявий-ҳуқуқий нормалар жамиятдаги энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Мамлакатимизда барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгалиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши Асосий қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, конституциявий-ҳуқуқий нормалар бошқа ҳуқуқ тизимларининг доимий равишда ривожланиб боришини, такомиллашувини таъминлайди. Пировардида конституциявий-ҳуқуқий нормалар жамиятда қонунийлик, адолат, тенглик, демократик тамойилларнинг самарали амалга оширилишига, жамиятнинг умумий фаровонлиги ва тараққиётига ҳисса қўшади.

Маълумки, Асосий қонунимизда қайд этилганидек Ўзбекистон ҳуқуқий давлат ҳисобланиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳуқуқ нормалари билан кафолатланади ҳамда ижтимоий муносабатлар қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг энг муҳим омили бу қонун устуворлигини таъминлашдир. Зеро, қонун устувор бўлган давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият манфаатлари таъминланади. Бу орқали эса фаровон жамият ва давлатни қуриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови” деган фикрлари ҳам бугунги кунда қонун устуворлигини таъминлаш бўйича муҳим амалий ишларни амалга оширишни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, мансабдор шахслар Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга

бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ғоят муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади. Бунинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-бобида белгиланган нормаларда ҳам кўриш мумкин. Ушбу боб Конституция ва қонуннинг устунлигига бағишланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Яъни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас. Ф.Рахимов таъкидлаб ўтганидек, “Конституциявий нормалар, унда белгиланган қоидалар, принциплар мамлакат ҳуқуқий базасини ташкил этади”[1]. Дарҳақиқат, юридик адабиётларда қайд этиб ўтилганидек, “Конституция, аввало, юридик мазмун ва моҳиятга эга бўлган ҳужжатдир. У давлатнинг Асосий қонуни сифатида бутун ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, ҳуқуқий тизим ҳаракатланишининг устувор принципларини белгилайди. Шу сабабли барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мувофиқ чиқарилиши лозим бўлади”[2].

Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашларида ҳуқуқ устуворлиги **(инглиз тилида “rule of law”)** ҳамда қонун устуворлиги каби тушунчалар илгари сурилади. Дарҳақиқат, ҳуқуқ устуворлиги ҳамда қонун устуворлиги бир-биридан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Жумладан, ҳуқуқ устуворлиги қонун устуворлигига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Жумладан, ҳуқуқ устуворлиги ўзида бир қатор хусусиятларни мужассам этиб, улар қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, одил судлов ва суд қарорларининг ижро этилиши, ҳуқуқ-тартибот ўрнатилганлиги ва хавфсизликнинг таъминланганлиги, маҳаллий ижро органлари фаолиятининг самарали назорат қилиниши, коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги, ҳокимият институтларининг шаффофлиги ва бошқа шу кабиларни қамраб олади.

Қайд этиш лозимки, барча ижтимоий муносабатлар қонунчилик нормалари билан тартибга солинмаслиги мумкин. Шу боис ҳуқуқ устуворлигининг таъминланиши ҳар бир демократик жамиятнинг энг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳуқуқ устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижросини ташкил этиш ҳолатини ўрганиш, баҳолаш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш бўйича **“Ҳуқуқ устуворлиги”** автоматлаштирилган ахборот тизими яратилди. Жаҳонда Ҳуқуқ устуворлиги индекси (Rule of law, World Justice Project) ҳам юритилади.

Умумий қилиб айтганда, қонун устуворлиги мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган нормаларга оғишмай амал қилиш, унинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни англатади. Ҳуқуқ устуворлиги эса инсон ҳуқуқларини таъминлаш фақатгина ёзилган қонунлар билан эмас, балки давлат томонидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирлар асосида таъминланади.

Шунингдек, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш бир нечта усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Хусусан, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожланган жамиятда қонун устуворлиги мукаммал таъминланади. Бундан ташқари, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, мустақил ва холис оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат идоралари фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва ҳисобдорлик тамойилларини кучайтириш кабилар ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий усулларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашда бевосита ваколатли дав-

1 Рахимов Ф. Асосий қонунимиз – инсон ҳуқуқларининг кафолатлари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномасининг 2012 йил №4 (32)-сони 46-бет.

2 Конституциявий ҳуқуқ: Дарслик // Х.Т.Маматов.; Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018 й. 52-б.

лат органларининг ўрни муҳимдир. Бу борада прокуратура органларига энг муҳим ва масъулиятли вазифалар топширилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган мурожаатида "Мамлакатимизда **"Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар"** деган эзгу тамойил асосида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда ҳар бир прокуратура ходими бир ҳақиқатни чуқур англаб етиши зарур. Қонун ҳукмрон бўлган жамиятда албатта адолат, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва юксалиш бўлади, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади"[3] деб билдирган фикрлари ҳам нафақат прокуратура органларининг, балки бошқа ваколатли давлат идораларининг ҳам қонун устуворлигини таъминлаш соҳасидаги масъулияти юқори эканлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топаётган нормалар қачонки амалда ҳам тўлалигича ўз аксини топса, ижроси таъминланса, шундагина жамиятимизда қонун устуворлиги юқори даражада таъминланиши мумкин. Бу борада машҳур социологик ҳуқуқ мактаби вакили Эрлих Ойгеннинг[4] амалда ўз ифодасини топувчи қонунларнинг жамиятда тутувчи ўрнини баён қилувчи **"жонли ҳуқуқ" ("living law")** назарияси муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, ҳуқуқнинг ҳақиқий манбаси бу қонунлар эмас, балки жамиятдаги мавжуд барча ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Э.Ойген томонидан яратилган "жонли ҳуқуқ" назариясига асосан жамият ҳаётида ҳақиқий ҳукмронлик қиладиган ҳамда жамият томонидан тан олинган қонунлар жонли қонунлар сифатида баҳоланади. Ушбу назариялардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, жамият ҳаётида ўз ифодасини топувчи, жамият иродасини акс эттирувчи, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар яратилиши, бу орқали уларнинг ижросини таъминлаш билан қонун устуворлигини таъминлаш зарур.

Бундан ташқари, жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи шундай қонунлар, нормалар борки, улар ҳақиқатдан ҳам ўз функциясини бажаради. Яъни ўз соҳасидаги мавжуд муносабатларни тартибга солади. Яна шундай қонунчилик нормалари борки, улар фақатгина меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган бўлиб, амалда ўз ифодасини, ижросини тўлақонли намоён этмайди. Хусусан, Роско Паунднинг 1910 йилда чоп этилган **"Китоблардаги қонунлар ва ҳаракатдаги қонунлар"** мақоласида қонунларнинг матнда қандай кўриниши ва уларнинг реал ҳаётда қандай қўлланиши ўртасидаги фарқни кўрсатиб берилган.

Фикримизча, қонун чиқарувчи томонидан маълум соҳани, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда, албатта, амалда ишловчи нормаларни яратиш мақсадга мувофиқ. Бу қоидаларни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Қачон одамларимиз ҳаётида хотиржамлик, рўзғорида фаровонлик ва ҳаловат бўлади, қачон уларда эртанги кунга ишонч ортади? Қачонки, юртимизда қонунлар қоғозда эмас, балки амалда қатъий бажарилган, ислоҳотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб, юртдошларимиз уларнинг амалий самарасини ўз кундалик ҳаётида ҳис этган тақдирда бу мақсадга тўла эришиш мумкин" деган фикрларидан ҳам билиш мумкин[5].

Қайд этиш лозимки, у ёки бу ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари томонидан тартибга солинган бўлиб, ҳозирда уларнинг сони беқиёс. Бунда эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамият касб этиб, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун бирламчи асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис янги таҳрирда қабул қилинган мамлакатимиз Конституциясининг жамият ҳаётидаги ўрни муҳимдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Масалан, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмаслиги, уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши, шунингдек уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланган. Амал-

3 "Халқ сўзи" газетасининг 2024 йил 9 январдаги 5 (8628)-сони

4 Ehrlich E., 1912. Das lebende Recht der Völker der Bukowina. In: M. Rehbinder, ed. Eugen Ehrlich, Recht und Leben. Berlin: Duncker & Humblot, 43–60.

5 "Халқ сўзи" газетасининг 2024 йил 9 январдаги 5 (8628)-сони

даги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида эса олиб қўйиш ёки тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилиши белгиланган. Шундай бўлса-да, ҳозирда юқорида қайд этиб ўтилган Конституциянинг олий юридик кучга эга эканлигини, унинг тўғридан-тўғри амал қилиши каби қоидаларни асос қилган ҳолда тинтув тергов ҳаракатларини амалга оширишда Асосий қонунимиз нормалари амал қилади.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклашда асосий аҳамият касб этуви судлар томонидан конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида 2023 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унга кўра суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида, Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилиши лозимлиги судлар томонидан инобатга олиниши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг бир қисми сифатида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ҳам қайд этиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти ҳисобланиб, мамлакатимиз тараққиёти, фуқароларимизнинг энг устун манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси миллий ҳуқуқий тизимимизнинг бир қисми экан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Шунингдек, давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар. Бу давлат идораларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини амалга оширишда қонунийлик принципининг амалда ўз ифодасини топишини англатади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунида, бундан ташқари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қонунийлик принципи ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Эътироф этиш лозимки, янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда Конституциянинг ўрни беқиёс.

Хусусан Конституциямизнинг 16-моддасида қайд этилганидек, Конституциянинг биророрта қоидаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига, ушбу Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принцип ва нормаларга зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Биророрта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас. Дарҳақиқат, Конституциямизда мустаҳкамланган асосий принциплар мамлакатимиз қонунчилигининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Айтиш жоизки, Конституцияга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг нормалари бекор қилиниши ёки белгиланган тартибда унга мослаштирилиши керак.

Миллий қонунчилигимизга кўра, Конституцияга мувофиқлиги хусусида шубҳа туғдирган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул қилиш Конституциявий суднинг ваколатига тегишлидир. Агарда қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қонунни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиб, уларда мазкур қонуннинг ёки унинг бир қисмининг амалиётда нотўғри ёхуд зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда, ушбу қонун нормасига расмий шарҳ беришга ҳақли.

#

**Ғулом ШОДИЕВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси**
**марказ катта прокурори, ю.ф.н., доцент**

# КОНСТИТУЦИЯ — ШАХС ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракати(ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорларидан жабрланган шахсга зарарни давлат томонидан қоплаб бериш кафолатлари ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган. Хусусан, бир қатор хорижий мамлакатларда ушбу норманинг қўлланилиши юзасидан турли фикр ва мулоҳазалар келтирилган. Муаллиф томонидан ушбу конституциявий ҳуқуқни ЖПКда мустаҳкамлаш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В данной статье изучены и проанализированы гарантии возмещения государством вреда, причиненного действиями (бездействием) или решениями органов и должностных лиц, уполномоченных вести уголовное дело, согласно Конституции Республики Узбекистан. В частности, приведены различные мнения и суждения о применении данной нормы в ряде зарубежных стран. Автором представлены предложения по закреплению данного конституционного права в Уголовно-процессуальном кодексе.*

***ABSTRACT.*** *This article examines and analyses the guarantees of state compensation for damages caused by the actions (inaction) or decisions of bodies and officials authorized to conduct criminal proceedings, as stipulated by the Constitution of the Republic of Uzbekistan. In particular, various opinions and judgments regarding the application of this norm in a number of foreign countries are presented. The author provides proposals for the consolidation of this constitutional right in the Criminal Procedure Code.*

***Калит сўзлар:*** *давлат, Конституция, зарар, кафолат, зарарни қоплаш.*

***Ключевые слова:*** *государство, конституция, вред, гарантия, возмещение вреда.*

***Key words:*** *state, constitution, harm, guarantee, compensation for damages.*

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасига кўра, ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эгадир. Ушбу норма шахс ҳуқуқларининг самарали тикланиши ҳуқуқига эгалигини кафолатлайди.

Бир қатор давлатларда шахснинг давлат томонидан етказилган зарарнинг қопланишига бўлган ҳуқуқи Конституция даражасида мустаҳкамлаган, жумладан, Австрия Конституциясининг 23-моддаси 1-хатбошисида федерация, ўлкалар, туманлар, жамоалар ва бошқа бирлашмалар, шунингдек, халқ ҳуқуқи муассасалари қонунларни бажариш вақтида уларнинг вакиллари сифатида ҳаракат қилган ва ҳуқуққа зид хулқ-атворда бўлган шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгар бўладилар.

2. 1-хатбошида санаб ўтилган ҳуқуқ субъектларидан бирининг вакиллари сифатида ҳаракат қилувчи шахслар, агар уларга ғаразгўйлик ёки қўпол эҳтиётсизлик қилганликда айб қўйилса, ҳуқуқ субъекти томонидан келтирилган зарарлар учун у жабрланган кишининг зарари ўрнини қоплаш учун жавобгар бўлади.

3. 1-хатбошида санаб ўтилган ҳуқуқ субъектларидан бирининг вакиллари сифатида ҳаракат қилувчи шахслар қонунларни бажариш вақтида ўзларининг ҳуқуққа зид хулқ-атвори натижасида бевосита унинг томонидан ҳуқуқ субъектига етказилган зарар учун жавобгар бўладилар.

4. 1-3-хатбошилардаги йўл-йўриқларга тааллуқли бўлган янада батафсилроқ қоидалар федерал қонун билан белгиланади.

5. Федерал қонун 1-3-хатбошиларда кўрсатиб ўтилган тамойиллардан четга чиқиб, почта, телеграф ва телефон алоқаси соҳасида амал қилувчи махсус қоидаларни ҳам белгилаши мумкин[1].

Озарбайжон Конституциясининг 68-моддаси “Зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи” деб номланиб, унга кўра:

1. Жиноятдан, шунингдек, ҳуқуқни суиистеъмол қилишдан жабр кўрган шахснинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Жабрланган шахс одил судловни амалга оширишда қатнашиш ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

2. Ҳар бир шахс давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан ғайриқонуний равишда қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгадир деб белгиланган[2].

Болгария Конституциясининг 7-моддасида дав-

1 Жаҳон конституциялари // У.Тожихонов ва А.Х. Саидовларнинг умумий таҳририй остида, “Адолат” нашриёти. Т. 1 жилд 2001 й. 70-71-б.

2 Ўша жойда 170-б.

лат ўз органлари ва мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳужжатлари ёки ҳаракатлар билан етказган зарари учун жавобгар бўлади деб белгилаб қўйилган[3].

Германия Конституциясининг 34-моддасига кўра, агар бирон-бир шахс ўзига ишониб топширилган оммавий лавозимни бажариш чоғида учинчи шахсга нисбатан ўзининг хизмат вазифаларини бузса, у ҳолда асосан бу шахс хизмат қилаётган давлат ёки корпорация жавобгар бўлади. Ғаразли ният мавжуд бўлганда ёки қўполлик билан эҳтиётсизлик қилинганда регресс даъво билдириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Зарарни қоплаш тўғрисида талаблар қўйиш ва регресс даъво билдириш учун умумий суд тартиби соқит қилиниши мумкин эмас деб белгилаб қўйилган[4].

Россия Федерацияси Конституциясининг 53-моддасида ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти органларининг ноқонуний ҳаракатлари(ёки ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланишига бўлган ҳуқуқи кўзда тутилган[5].

Грузия Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ноқонуний равишда озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг компенсация олишга бўлган ҳуқуқи эътироф этилган[6].

Юқоридаги давлатларнинг конституцияларида белгилаб қўйилган нормалар инсон ҳуқуқларининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракати(ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида шахсни реабилитация қилиш тармоқлараро ҳуқуқий институт бўлиб, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик процессуал, меҳнат, уй-жой ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида реабилитация институтини тартибга солувчи бош ҳуқуқий асос Конституция ҳисобланади.

Хусусан, Конституциямизда реабилитация институти – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши (13-модда), инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги; инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши; давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги; инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши (20-модда), ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги; ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги; ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши (27-модда), жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши; айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши; айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги; гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги; ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги; агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги; озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгалиги; шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги (28-модда), ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши; қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши; ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи

3 Ўша жойда 309-б.

4 Ўша жойда 391-б.

5 Конституции мира: Сборник конституции государств мира. Т.4 //Сост.и авторы вступ. Статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. -Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998 г. С – 285.

6 Конституции мира: Сборник конституции государств мира. Т.2 //Сост.и авторы вступ. Статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. -Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997 г. С – 86.

амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги; гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги; қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги; жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эгалиги; ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши; давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлаши, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратиши (29-модда), ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги; ҳеч ким айни бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмаслиги (30-модда), ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалиги; ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эгалиги; ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги; ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгалиги; ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмаслиги; уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилишлиги; уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши (31-модда), фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши; давлат Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаши; хусусий мулк дахлсизлиги; мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги сифатида белгиланган.

Конституциянинг 10-боби инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларига бағишланганлиги, яъни Конституциянинг алоҳида бобида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари кўрсатилганлигининг ўзи жуда катта аҳамият касб этади. Хусусан, 54-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги, 55-моддаси 5-бандида ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, *2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган* Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида шахсга нисбатан ноқонуний ёки асоссиз, адолатсиз жиноят-процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чораларини қўллаш, фуқароларнинг эркинлиги, шахсий ва мулкий дахлсизлигини чеклаш билан боғлиқ нормалар такомиллаштирилиб конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Бироқ ушбу конституциявий норма Жиноят-процессуал қонунида тўлиқ ўз аксини топмаган деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор нормаларини такомиллаштириш таклиф этилади, жумладан:

1. Суд ҳукми билан оқланган шахснинг процессуал мақомини белгилаш, унга ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини бериш, шу жумладан, ЖПКнинг 37-боби нормаларини Конституцияга мувофиқлаштириш лозим.

2. ЖПКнинг 308-моддасида белгиланган реабилитация асосида жиноят ишини тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор устидан қайси судга, қанча муддатда, қандай тартибда шикоят қилиш қайта кўриб чиқилиши керак.

3. Қабул қилинган қарорнинг реабилитация хусусияти, шу жумладан, юқори инстанция судлари томонидан ва реабилитация қилинган шахс учун у билан боғлиқ оқибатлар тегишли процессуал актнинг мазмунида акс эттирилиши белгиланиши керак.

4. Дастлабки тергов босқичида реабилитация қилиш ва реабилитация қилинган шахснинг зарарни қоплаш ҳуқуқини тан олиш тегишли мансабдор шахслар учун уни амалга ошириш имкониятини таъминлаш билан боғлиқ мажбуриятларни келтириб чиқаради, улар ЖПКда ўз аксини топиши керак.

#

**Тимур КЕНЖАЕВ,**
**Доцент Правоохранительной академии Республики Узбекистан, д.ф.ю.н. (PhD)**

# ОБНОВЛЕННАЯ КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ОСНОВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ

***АННОТАЦИЯ.*** *Статья содержит освещение основных изменений и дополнений, связанных с принятием новой Конституции Республики Узбекистан. В частности, рассмотрены и подробно описаны изменения и дополнения, связанные с государственным суверенитетом Республики Узбекистан, расширением прав граждан, включая личные, политические, социально-экономические, культурные и экологические права. Отдельное внимание уделено вопросам поддержки института семьи и молодежи, реформированию организации государственной власти в целях эффективного функционирования государственных органов.*

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш билан боғлиқ асосий ўзгаришлар ва қўшимчалар кўриб чиқилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ ўзгаришлар ва қўшимчалар батафсил тасвирланган. Алоҳида эътибор оила институти ва ёшлар масалаларини қўллаб-қувватлаш, давлат органларининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида давлат ҳокимиятини ташкил этишни ислоҳ қилиш масалаларига қаратилган.*

***ABSTRACT.*** *The article covers the main changes and additions related to the adoption of the new Constitution of the Republic of Uzbekistan. In particular, it discusses in detail the changes and additions concerning the state sovereignty of the Republic of Uzbekistan and the expansion of citizens' rights, including personal, political, socio-economic, cultural, and environmental rights. Special attention is given to issues of supporting the institution of family and youth, as well as reforming the organization of state power to ensure the effective functioning of state bodies.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, Закон, Республика Узбекистан, права, статья, изменение, дополнение, экономика, молодежь, Олий Мажлис, Президент, Кабинет Министров, местные органы власти, адвокатура, реформа.*

***Калит сўзлар:*** *Ўзбекистон Республикаси, Конституция, қонун, ҳуқуқлар, модда, ўзгартириш, қўшимча, иқтисодиёт, ёшлар, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият органлари, адвокатура, ислоҳотлар.*

***Key words:*** *Republic of Uzbekistan, Constitution, Law, rights, article, amendment, addition, economy, youth, Oliy Majlis, President, Cabinet of Ministers, local authorities, advocacy, reform.*

Новым и значительным шагом для нас стал референдум Республики Узбекистан, проведенный 30 апреля 2023 года, и направленный на принятие новой Конституции Республики Узбекистан. Согласно официальным данным, за изменение Основного закона проголосовали 90,2% избирателей, против 9,35% при явке 84,5%[1]. Таким образом почти все граждане, принявшие участие на референдуме, проголосовали «да» по вопросу: «Принимаете ли вы Конституционный Закон Республики Узбекистан «О Конституции Республики Узбекистан»?». Итогом данной работы стало принятие 1 мая 2023 года Конституционного закона «О Конституции Республики Узбекистан»[2], что ознаменовало вступление в силу новой редакции Конституции Республики Узбекистан.

Наши депутаты особо подчеркнули, что в ходе всенародных обсуждений проекта Конституционного закона всего поступило 222.715 предложений, каждое четвёртое из которых нашло свое отражение в проекте. Кроме того, при подготовке проекта Конституционного закона, были тщательно проанализированы более 400 международных документов и конституции около 190 стран, проект получил высокую оценку международных экспертов и специалистов как документ, воплощающий в себе все общепризнанные нормы международного права[3].

В целом, Конституция Республики Узбекистан 1992 года подвергалась фрагментальным изменениям и дополнениям 17 раз. Но в связи с масштабностью предложенных изменений, было принято решение о принятии Конституции в новой редакции. В результате проведенной реформы количество статей Конституции увеличилось со 128 до 155, также увеличилось количество норм со 275 до 434. В целом, согласно данным Парламентского инфор-

1 Постановление Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан от 01.05.2023 г. № 1245 «Об итогах референдума Республики Узбекистан, проведенного 30 апреля 2023 года» // https://lex.uz/docs/6449097. Дата обращения: 04.11.2024 г.

2 Конституционный Закон Республики Узбекистан от 01.05.2023 г. № ЗРУ-837 «О Конституции Республики Узбекистан» // https://lex.uz/docs/6449097. Дата обращения: 04.11.2024 г.

3 Обновляемая Конституция станет прочной правовой основой благополучной жизни нашего народа. Очередное заседание Законодательной палаты Олий Мажлиса, проведенное 9 марта 2023 года // https://parliament.gov.uz/ru/news/yangilanayotgan-konstitutsiya-yurtimiz-va-xalqimizning-farovon-hayoti-uchun-mustahkam-huquqiy-asos-boladi. Дата обращения: 04.11.2024 г.

мационного центра Законодательной палаты Олий Мажлиса, Конституция была обновлена на 65%[4].

Для подробного сравнения предлагается рассмотреть основные изменения и дополнения между старой и новой редакциями Конституции.

Статья 1, предусматривающая, что Узбекистан является суверенной демократической республикой, была значительно расширена в новой Конституции. Так из предыдущей редакции данной статьи мы могли говорить о трёх аспектах, а именно о суверенитете, демократии (как о политическом режиме) и республике (как о форме правления). В новой же редакции конкретно и подробно закреплено, что Узбекистан является суверенным, демократическим, правовым, социальным и светским государством с республиканской формой правления.

Весьма интересным стало дополнение статьей 154, которая непосредственно связанна со статьей 1. Так, в статье 154 закреплено, что положения статьи 1 не могут быть пересмотрены. Точно так же не подлежит изменению и сама часть статьи 154, содержащая это положение.

Другими словами, это норма означает, что Узбекистан никогда не откажется суверенитета, демократически-правовой и социальной политики светской направленности и республиканской формой правления.

Следующим нововведением предлагается отметить дополнение статьей 15, которая предусматривает что Конституция Республики Узбекистан имеет высшую юридическую силу, прямое действие и применяется на всей территории Республики Узбекистан. Прямое применение Конституции в первую очередь создает конкретную возможность гражданам действовать на основании не только законов, но непосредственно норм Конституции, в частности, обращаться в суд.

Далее рассматриваемая статья закрепляет, что международные договоры Республики Узбекистан наряду с общепризнанными принципами и нормами международного права являются составной частью правовой системы Республики Узбекистан. Если международным договором Республики Узбекистан установлены иные правила, чем те, которые предусмотрены законом Республики Узбекистан, то применяются правила международного договора Республики Узбекистан.

Таким образом на конституционном уровне закреплена роль международных договоров Республики Узбекистан, что говорит о придании важной роль и определении их как составной части правовой системы Республики Узбекистан.

Далее предлагается рассмотреть статью 20, в которой отражено содержание статьи 19 прежней Конституции, а также предусмотрено дополнение следующего содержания:

«Права и свободы человека действуют непосредственно. Права и свободы человека определяют суть и содержание законов, деятельности государственных органов, органов самоуправления граждан и их должностных лиц.

Меры правового воздействия на человека, применяемые государственными органами, должны основываться на принципе соразмерности и быть достаточными для достижения целей, предусмотренных законами»[5].

Основной целью данного нормы, по нашему мнению, является дальнейшее усиление защиты и реализация прав и свобод человека. Указанная часть предусматривает, что правовые меры не должны превышать того, что необходимо для достижения намеченных целей. Данное теоретическое положение правовой меры содеянному действию или бездействию – важный постулат справедливости. Государственные меры применительно к достигаемой цели должны адекватным образом влиять на права граждан.

Последняя часть рассматриваемой статьи предусматривает, что «все противоречия и неясности в законодательстве, возникающие во взаимоотношениях человека с государственными органами, толкуются в пользу человека»[6]. Данное закрепление на уровне Конституции по-нашему мнению является важным событием, так как до этого подобная норма предусматривалась фрагментально законодательными актами[7].

Еще одним существенным дополнением в Конституции стало значительное расширение прав и свобод человека. В частности, сфера конституционных прав пополнилась такими правами, как экологические права, права на охрану здоровья, гендерное равенство, свободное передвижение, свободный выбор места проживания и жительства, беспрепятственный выезд из страны и возвраще-

4 См.: Там же. Дата обращения: 04.11.2024 г.

5 Конституция Республики Узбекистан от 01.05.2023 г. // https://lex.uz/ru/docs/6445147. Дата обращения: 04.11.2024 г.

6 См.: Там же. Дата обращения: 04.11.2024 г.

7 См.: статья 11 Закона Республики Узбекистан от 02.05.2012 г. № ЗРУ-328 «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности». https://lex.uz/docs/2006777.; Статья 13 Налогового кодекса Республики Узбекистан от 30.12.2019 г. № ЗРУ-599. https://lex.uz/ru/docs/4674893; Статья 15 Кодекс Республики Узбекистан об административном судопроизводстве от 25.01.2018 г. № ЗРУ-462. https://lex.uz/ru/docs/3527365; Статья 13 Экономический процессуальный кодекс Республики Узбекистан от 24.01.2018 г. № ЗРУ-461. https://lex.uz/ru/docs/3523895; и др. Дата обращения: 04.11.2024 г.

ние, использование сети Интернет, защита персональных данных, высшее образование, бесплатная юридическая помощь, равенство в доступе к государственной службе, владение жильем и получение компенсации при его лишении, конфиденциальность банковских операций и счетов, внесение законодательных предложений.

В Конституции закрепляются гарантии личных прав и свобод человека в соответствии с самыми передовыми международными стандартами. В частности, лицо не может быть задержано более чем на 48 часов без постановления суда, а если законность и обоснованность задержания не доказана в суде, лицо подлежит немедленному освобождению, а при задержании должны быть понятным языком разъяснены его права и основания задержания[8]. Кроме того, закрепляется право обвиняемого и подсудимого не свидетельствовать против себя самого и близких родственников. Эти положения гарантируют неприкосновенность личной свободы и недопущение незаконного задержания людей.

Закрепляемая в Конституции гарантия о том, что права родственников не могут быть ограничены на основании судимости, означает, что лицо не несет ответственности за ошибки, совершенные его родственниками.

Также впервые на уровне Конституции внесли запрет на смертную казнь. Смертная казнь в Узбекистане была отменена в 2008 году, но данной положение отсутствовало в Основном законе, а внесение данной нормы конкретно показывает, насколько ценным для нас является человеческая жизнь.

В области экономических прав в Конституцию были внесены ряд изменений и дополнений. Например, закреплен запрет, предусматривающий запрет на отказ женщинам в приеме на работу, увольнять с работы и снижать им заработную плату по мотивам, связанным с беременностью или наличием ребенка, а также запрещены любые формы детского труда, оказывающие отрицательное влияние на ребенка и препятствующие получению им образования. Вместе с тем установлено, что минимальный размер оплаты труда определяется с учетом необходимости обеспечения достойного уровня жизни человека[9]. Вместе с тем, критерии определения достойного уровня жизни человека для нас пока остаются субъективными.

В обновленной Конституции также отдельно закреплено, что «равенство прав и возможностей женщин и мужчин в управлении делами общества и государства, а также в других сферах общественной и государственной жизни»[10] обеспечивает государство.

Таким образом, в результате установления прямого диалога между народом и государственной властью коренным образом изменилось отношение к тем реформациям, которые инициируют и осуществляют государственные органы власти. Политика открытости привела к тому, что наши государственные органы стали моментально реагировать на общественной мнение и быстрее решать имеющиеся социально-экономические проблемы.

В основе обновленной Конституции заложен принцип **«человек-общество-государство»**, который имеет практическое значение, поскольку отражает права и интересы всех категорий – молодежи, женщин, детей, инвалидов, учителей, и даже преступников. Данный принцип означает, что на первом месте стоит человек, государство и государственные органы служат во благо народа.

Новая Конституция поистине является народной Конституцией, которая принята непосредственно народом.

#

8 Статья 27 Конституции Республики Узбекистан от 30.04.2023 г. https://lex.uz/docs/6445147. Дата обращения: 04.11.2024 г.

9 См. там же. Статьи 42 и 44.

10 Там же. Статья 58.

**Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси, ю.ф.д., доцент**

# МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада интеллектуал мулк ҳуқуқи, жумладан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, унинг қонунчилик кафолатлари, инсон ҳуқуқларига ва соҳага оид халқаро-ҳуқуқий шартномаларда акс эттирилиши, шартномаларнинг хусусиятлари, халқаро ташкилотларнинг, хусусан, Жаҳон савдо ташкилотининг турдош ҳуқуқларга оид муносабатларни тартибга солишдаги халқаро-ҳуқуқий фаолияти, айрим давлатларнинг конституцияларида интеллектуал мулкка оид қоида ва нормаларнинг мустаҳкамланганлиги, зарурияти ва олимларнинг ушбу соҳадаги назарий-ҳуқуқий қарашлари баён қилинган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье рассматриваются конституционно-правовые основы права интеллектуальной собственности, включая авторское право и смежные права, их законодательные гарантии, отражение в международно-правовых договорах, касающихся прав человека и данной сферы. Освещаются особенности договоров, международно-правовая деятельность международных организаций, в частности Всемирной торговой организации, в регулировании отношений, связанных с смежными правами, необходимость закрепления норм и положений об интеллектуальной собственности в Конституциях отдельных государств, а также теоретико-правовые взгляды ученых в этой области.*

***ABSTRACT.*** *The article examines the constitutional and legal foundations of intellectual property rights, including copyright and related rights, their legislative guarantees, and their reflection in international legal treaties concerning human rights and the relevant field. It highlights the features of these treaties, the international legal activities of organizations such as the World Trade Organization in regulating issues related to related rights, the necessity of enshrining provisions on intellectual property in the constitutions of certain states, and the theoretical and legal views of scholars in this area.*

***Калит сўзлар:*** *интеллектуал мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, қонун, халқаро шартнома, конвенция, Конституция, конституциявий кафолат, ижод эркинлиги, бадиий ижод кафолати, ҳуқуқий ҳимоя.*

***Ключевые слова:*** *интеллектуальная собственность, авторское право, смежные права, закон, международный договор, конвенция, Конституция, конституционные гарантии, свобода творчества, гарантии художественного творчества, правовая защита.*

***Key words:*** *intellectual property, copyright, related rights, law, international treaty, convention, Constitution, constitutional guarantees, freedom of creativity, guarantee of artistic creativity, legal protection.*

Интеллектуал мулк объектларини яратиш ва унинг самарали ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мамлакатнинг иқтисодий, технологик ва маънавий тараққиётини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли давлат раҳбаримиз “Интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади” деган фикрларни таъкидлайди[1].

ХХ асрнинг ўрталарига келиб дунёда интеллектуал мулк ҳуқуқи, хусусан, муаллифлик ҳуқуқларига инсоннинг энг асосий ҳуқуқлари сифатида қарала бошланди. БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида “Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга”, деб мустаҳкамлаб қўйилди[2].

Муаллифлик ҳуқуқига инсон ҳуқуқлари сифатида қараш, унинг қонунчилик асосларини кучайтириш ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини эътироф этиш, инсониятнинг маданий соҳа ва илмий тараққиётдаги ўрнини белгилаш мақсадида БМТ томонидан 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда муаллифлик ҳуқуқлари мустаҳкамланди.

Муаллифлик ҳуқуқининг инсон ҳуқуқлари тизимида халқаро-ҳуқуқий асослари кучайтирилиши турдош ҳуқуқларни, яъни асарларни ижро этиш, техника ёрдамида овозли ёзиб олиш, нусха кўпайтириш, эфир ёки кабел орқали узатиш ва бошқача усулда такрорлаш, қайта ишлаб чиқариш каби янги ижтимоий муносабатларни кучайтирди. Бу муносабатлар ўз навбатида ҳуқуқий тартибга солиниши керак эди. Шундан сўнг универсал халқаро шартномаларга асос солинди. Бу шартномалар ўз навбатида давлатларнинг янги миллий қонунчилик асослари шаклланишига туртки бўлди.

1 https://president.uz/uz/lists/view/3887.

2 https://constitution.uz/uz/pages/humanRights.

Хусусан, 1961 йил 26 октябрда Римда Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция қабул қилинди. Мазкур конвенцияга қўшилиш ҳақидаги қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йилнинг 5 июнь куни имзоланди.

Конвенция муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг манфаатларини аъзо давлатлар ҳудудида бир хилда муҳофазасини таъминлашга қаратилган. Конвенцияда ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар (меросхўрлар, қонуний вакиллар, ҳуқуқий ворислар) субъект сифатида эътироф этилади. Конвенцияга аъзолик аъзо давлатларнинг, шунингдек республикамиз ҳуқуқ эгаларининг (ижрочи, фонограмма тайёрловчи, эфир орқали узатувчилар) шахсий номулкий ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш билан бирга, уларнинг мулкий ҳуқуқларини жамоавий асосларда бошқариш имконини кенгайтиради.

1971 йил 29 октябрда Женевада Фонограммаларни тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний такрорлашдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияга асос солинди. Ушбу конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги қонун 2018 йил 26 декабрда имзоланди.

Мазкур конвенцияга қўшилган давлат унга аъзо исталган мамлакат фуқароси бўлган фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятини зиммасига олади. Ҳуқуқий ҳимоя чоралари сирасига тайёрловчининг розилигисиз фонограммадан нусха кўчиришни ва бу нусхаларни тарқатиш учун олиб киришни, шунингдек бевосита умумжамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш учун тарқатишни тақиқлаш кабилар киради.

1996 йил 20 декабрда Женевада Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси қабул қилинди. Шартномага Ўзбекистон 2019 йилнинг 16 февралида аъзо бўлган. Шартнома ижрочилар ва фонограмма тайёрловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга (айниқса, рақамли соҳада) йўналтирилган.

Республикамизнинг турдош ҳуқуқларга оид юқоридаги халқаро шартномаларга аъзо бўлиши бевосита халқаро ташкилотларнинг ҳам талаби ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июнда “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 181-сонли қарори[3] қабул қилиниши ушбу даврдаги энг муҳим ҳужжатлардан ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат республикамизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидаги давлат-ҳуқуқий сиёсати ва халқаро муносабатларини белгилаб берди. Бунда бевосита муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга риоя этиш, хусусан, ташкилотнинг ТРИПС битими талабларини бажариш билан боғлиқ бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Демократия ва иқтисодий ўсиш йўлини танлаган давлатларнинг халқаро ҳужжатларга аъзо бўлиши натижасида муаллифлик ҳуқуқи билан бирга турдош ҳуқуқлар ҳам давлатлар қонунларида ўз аксини топа бошлади. Айниқса, муаллифлар билан бирга турдош ҳуқуқлар субъектларининг (ижрочининг, фонограмма тайёрловчининг, эфир орқали дастур узатувчи ташкилотларнинг) ҳуқуқлари конституциялар даражасида белгиланиши бу тоифадаги ҳуқуқларнинг нечоғлик муҳим эканлигидан далолат беради. Шундай қилиб XX асрнинг охирларига келиб муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар конституциявий ҳуқуқ тизимида ўз аксини топишни бошлади.

Муаллифлик ҳуқуқига оид норма ва қоидалар жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатлари конституцияларида ўз аксини топган. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир инсонга адабий, бадиий, илмий-техникавий ва бошқа ижодкорлик ва ўқитиш шакллари эркинлиги кафолатланган, шунингдек, интеллектуал мулк қонун билан ҳимояланганлиги кўрсатилган[4]. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир шахс муаллиф сифатида ўз асарларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга эканлиги Конституция даражасида кафолатланган ва муҳофазаланган.

Бу интеллектуал мулкни фақат махсус ҳуқуқ соҳаси даражасида эмас, балки конституциявий ҳуқуқнинг марказига кўтарди. Бугун интеллектуал мулкнинг махсус ҳуқуқий асослари ҳақида гапиришнинг ўзи етарли эмас, балки унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва конституциявий-ҳуқуқий режими, айниқса, муаллифлик ҳуқуқи муҳокама қилиниши зарур[5].

Германияда ҳам муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Конституция билан кафолатланган. Ушбу давлат Конституциясининг 1-моддаси муаллифнинг номоддий манфаатларини ҳимоя қилади (ин-

3 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2023 й., 07/23/181/0328-сон; 04.06.2024 й., 06/24/85/0396-сон. https://lex.uz/ru/docs/6480161

4 http://www.constitution.ru/ (мурожаат қилинган вақт: 2024 йил 28 октябрь).

5 Конституционно-правовой режим авторского права в Российской Федерации // Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.02, кандидат юридических наук Мишин Юрий Данилович. 2002 г. Москва. – С. 3-12.

сон қадр-қимматини ҳимоя қилиш), 14-моддасида эса инсоннинг мулкдор бўлиши (мулк ҳуқуқи) муҳофазага олингани мустаҳкамланган[6].

Германия Федератив Конституциявий суди бир неча бор мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш нормаларини интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлаб қарорлар қабул қилган[7].

Украина Конституциясининг 54-моддасида муаллифлик ҳуқуқларининг конституциявий асослари, инсоннинг интеллектуал фаолиятига бўлган ҳуқуқлари теран ёритилган. Унга кўра, фуқароларга адабиёт, санъат, илм ва техника эркинлиги, ижодкорлик, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, уларнинг муаллифлик ҳуқуқлари, ахлоқий ва интеллектуал мулкнинг турли тоифалари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган моддий манфаатлар кафолатланган. Шунингдек, Конституциянинг 54-моддаси 2-қисмида “ҳар бир фуқаро ўзининг интеллектуал, ижодий фаолияти натижаларига эгалик қилиши ва ҳеч ким унинг розилигисиз улардан фойдаланиши ёки тарқатиши мумкин эмас”лиги келтирилган[8].

АҚШ Конституциясида Конгресс “муаллифлар ва ихтирочиларнинг ўз асарлари ва кашфиётларидаги мулкий ҳуқуқларини маълум муддатга ва фойдали ҳунарларнинг ривожланишига ёрдам бериш ҳуқуқига эга” эканлиги белгилаб қўйилган[9].

К.Муррайнинг таъкидлашича, “Интеллектуал мулкни, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашнинг энг оргинал ва илк намунаси сифатида АҚШ Конституциясини кўриш мумкин. Чунки интеллектуал мулк ҳали қонунларда акс этмасидан, яъни ушбу тушунчага эътибор берилмасидан олдин уни муҳофаза қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари АҚШ Конституциясида ўрнатилган эди”[10].

Арманистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида ҳам ижод эркинлиги, хусусан, муаллифлик ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда қуйидагилар ўз аксини топган: “Ҳар бир инсон адабий, бадиий ва илмий-техникавий ижод эркинлигига эга”[11].

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 47-моддасида фуқаролар илмий ва бадиий ижод эркинлиги ва бошқа маданий ҳуқуқларга эга эканлиги, давлат илмий-тадқиқот ва бадиий ижодни ривожлантиришни қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантириши белгиланган[12].

Интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектлари бугунги кунда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва илмий-техник тараққиёт натижаларини турли соҳаларга жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Интеллектуал мулкни ривожлантирмасдан туриб янги ижтимоийлашган жамиятга ўтиш мумкин эмас. Интеллектуал мулкни ҳуқуқий тартибга солишга оид муаммоларни тезда ҳал қилиш фақат халқаро стандартларга мос ҳуқуқий базанинг мавжудлиги орқали амалга оширилиши мумкин. Интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда Асосий қонун – Конституция етакчи роль ўйнайди.

Шу кунга қадар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги асосий бўшлиқлардан бири ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг давлатимиз Конституциясида етарлича ўз ифодасини топмаганлиги эди. Конституциявий ислоҳотлар натижаси Конституциянинг 42-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланди. Бунда “бадиий” атамасининг қўшилиши орқали инсонларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва ижрочилик ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг 53-моддасида бевосита муаллифлар ва ижрочиларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари давлат муҳофазасида эканлигини белгиловчи норма ўрнатилди. Хусусан, ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади[13].

---

6 https://www.1000dokumente.de/?c=dokument_de&dokument=0014_gru&object=translation&l=ru (мурожаат қилинган вақт: 2024 йил 28 октябрь).

7 Lang Th. Immaterialgüterrechtliche Lizenzierung und Kartelrechtliche Verhaltenskontrolle. – Frankfurt a.M., 2009. – S. 13. / https://www.peterlang.com/document/1106707

8 https://www.google.com/search?q=%D0%BA% HJvbWUqCQgAEEUYOxjCAzIJCAAQRRg (мурожаат қилинган вақт: 2024 йил 28 октябрь).

9 Лялкина У.А., Кирянова А.А., Кружилис В.С. Конституционные основы и свобода творчества // Журнал Научный лидер. Выпуск 1 (151), январь 2024 г. (28.10.2024 г). Конституционные основы и свобода творчества.

10 https://digitalcommons.unl.edu/cgi/viewcontent.cgi?referer=&httpsredir=1&article=2807&context=nlr / Murray K. Constitutional patent law: Principles and institutions // Nebraska law review. – Lincoln, 2015. – Vol. 93. – N 4. – P. 902. – C. 949

11 https://www.president.am/ru/constitution-2015/ (мурожаат қилинган вақт: 2024 йил 28 октябрь).

12 https://chinalaw.center/constitutional_law/china_constitution_revised_2018_russian.

13 https://lex.uz/docs/-6445145.

Ушбу норманинг Асосий қонунда ўрнатилиши муаллифлар ва ижрочиларнинг ҳуқуқлари конституциявий ҳуқуқ доирасида муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилган қадамгина бўлмай, балки муаллифлик ҳуқуқлари ва ижрочилик ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари доирасида замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳимоя қилиниши кераклиги, бунда бутун жамият ва давлат ушбу соҳа учун масъул эканлиги белгилаб берилди.

Конституциянинг 53-моддаси 2-қисмида интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинишининг белгилаб қўйилгани қонунчиликдаги катта қадам бўлди[14]. Бу дегани ҳозир ва келажакда интеллектуал мулк объектлари ҳар доим қонун билан муҳофаза қилиниши ва давлатнинг ушбу соҳага оид қонунчилиги интеллектуал мулк объектларини яратувчи субъектлар ҳуқуқларини, шахснинг муаллифлик ҳуқуқларини поймол этмаслиги ва ҳуқуқлари ҳар доим устувор характерга эга бўлишини белгилаб берди.

Шундай қилиб муаллифлик ҳуқуқи ва ижрочилик ҳуқуқларини конституциявий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашда, давлатнинг халқаро мажбуриятларини бажаришда, халқаро доирада мавқеини мустаҳкамлашда, маданият, фан, санъат ва иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшишда асосий ўрин тутади. Муаллифлик ҳуқуқлари ва ижрочилик ҳуқуқлари инсоннинг олий қадриятлари сифатида эътироф этилган давлат иқтисодий барқарорликка эришади, ташқи ҳар қандай сиёсий-иқтисодий хуружларга қарши кучли иммунитетга эга бўлади, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Сабаби бу жараён жамиятнинг ижодий активлигини ва бу орқали уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга муҳим туртки бўлади[15].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, инсоннинг ижодий ҳуқуқларига конституциявий ҳуқуқ сифатида қаралмас экан, давлат ва жамиятнинг келгуси равнақини белгилаб бериш имконияти чекланади. Зеро, давлат ва фуқароларнинг иқтисодий барқарорлигини, илмий ва техникавий ютуқлари кафолатини, давлатнинг халқаро нуфузини, маънавий ва маданий қадриятларнинг мустаҳкамланишини таъминлайдиган ҳуқуқ тармоғи ҳисобланган интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан ёндашувлар ўзгаришини замон талаб этмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга инсон ҳуқуқларининг тармоғи сифатида қараш келгусида жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ривожлантиради.

#

14 https://constitution.uz/uz/clause/index (мурожаат қилинган вақт: 2024 йил 28 октябрь)

15 Юлдашов А. Муаллифлик ҳуқуқини амалга оширишда шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва унинг иқтисодиётдаги ўрни // "Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари" мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЮМОМ, 2021 й. 24-б.

**Фарход БОБОМУРОДОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)**

# КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШДА АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ МАНБА

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада суд-тергов фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда тезкор-қидирув фаолияти иштирокчиларининг асосий вазифалари, амалиётда учраётган реал муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье сформулированы основные задачи участников оперативно-розыскной деятельности по обеспечению прав, свобод и законных интересов человека в судебно-следственной деятельности, реальные проблемы, возникающие на практике, и предложения, рекомендации по их решению.*

***ABSTRACT.*** *The article developed proposals, recommendations on the main tasks of participants in operational-search activities in ensuring human rights, freedoms and legitimate interests in judicial investigative activities, real problems encountered in practice and their solution.*

***Калит сўзлар:*** *Конституция, инсон ҳуқуқлари, эркинлик, тезкор-қидирув фаолияти, орган раҳбари, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд.*

***Ключевые слова:*** *Конституция, права человека, свобода, оперативно-розыскная деятельность, руководитель органа, дознаватель, следователь, прокурор, суд.*

***Key words:*** *Constitution, human rights, freedom, operational-search activities, head of the body, interrogator, investigator, prosecutor, court.*

Суд-тергов амалиётидан маълумки, жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процессининг асосий вазифаларининг ўрни бебаҳодир, чунки уларнинг ёрдами билан шахс, жамият, давлат манфаатларини таъминлаш, деярли барча турдаги далилларни олишда ҳақиқий шарт-шароитлар яратилишига имконият пайдо бўлади[1]. Албатта, ушбу ҳаракатлар қонунчиликда белгиланган талабга риоя қилган ҳолда амалга оширилганда, биринчи навбатда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиб, адолат қарор топади. Бунинг учун ТҚФ иштирокчиларининг кимлиги ва уларнинг ўзаро муносабатга киришишлари жуда муҳимдир. Шу масалада айрим мутахассисларнинг фикрлари ўрганилганда, жумладан, И.И.Басецкий, Л.И.Родевичлар тезкор-қидирув жараёнида дастлабки текширув ва ишловни амалга оширувчи тезкор бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахслари; тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга санкция берувчи назорат қилувчи прокурорлар; дастлабки текширув, ишлов амалга оширилишини идоравий назорат қилувчи раҳбарлар; суриштирув органи, суриштирувчилар; тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда иштирок этаётган терговчилар; махсус вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида киритиш тадбирини амалга оширувчи тезкор бўлинмалар; ишловни амалга оширишда кўмаклашувчи ноошкора ходим ва ишловдаги шахс иштирок этишини[2] таъкидлаб, ТҚФ иштирокчиларини 8 гуруҳга таснифлайдилар. А.Г.Маркушин эса: “Тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши жиноят процесси шаффофлигини таъминлаб, қонунийликка риоя қилишни назарда тутади”, деб ҳисоблайди. ТҚФнинг асосий субъектлари *(орган ходими ва уларга ноошкора кўмаклашган фуқаро)* ва бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ТҚФ соҳасига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилиш зарур. Ҳуқуқларидан фойдалана-

1 Зеленская Т.В. Значение задач оперативно-розыскной деятельности в уголовном судопроизводстве // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2008 г. №1 (1). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-zadach-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-v-ugolovnom-sudoproizvodstve

2 Басецкий И. И., Родевич Л. И. Субъекты и участники оперативно-розыскного и уголовного процессов // ППД. 2007 г. №1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/subekty-i-uchastniki-operativno-rozysknogo-i-ugolovnogo-protsessov-1 (дата обращения: 23.09.2024 г.).

ётган мансабдор шахс ёки фуқаролар бир вақтнинг ўзида мажбуриятларини ҳам эсдан чиқармаслиги шарт деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, И.И.Басецкий ва Л.И.Родевичларнинг ТҚФ иштирокчиларини 8 гуруҳга таснифлаш ҳақидаги фикрларига қисман қўшиламиз. Боиси ТҚФ иштирокчиларининг рўйхати тўлиқ ва мантиқий кетма-кетликда таснифланмаган. Бизнингча, ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда қуйидаги:

1) ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбари ва ходими;

2) ТҚТ ўтказиш ҳақида ёзма топшириқ бериш ваколати берилган суриштирувчи ва терговчи;

3) ТҚФни назорат қилувчи прокурор;

4) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказишга рухсат (санкция) берадиган суд;

5) жиноят содир этишни режалаштираётган, тайёргарлик кўраётган ёки содир этган гумондор;

6) ТҚФни амалга оширувчи орган ходимига мурожаат қилган жабрланувчи;

7) ТҚФда тезкор аҳамиятга эга шахсларнинг манфаатини таъминловчи адвокат;

8) ТҚФни амалга оширувчи орган ходимига ёрдам берадиган гувоҳлар;

9) ТҚФни амалга оширувчи органнинг ходимига ёрдам берган холислар;

10) ТҚФнинг вазифаларини ҳал этишда кўмак берган эксперт (мутахассис) каби иштирокчиларга таснифланишини мантиқан рўйхати тўлиқ шаклланган деб ҳисоблаймиз. Мазкур ўн тоифага таснифланган ТҚФ иштирокчилари тезкор-қидирув муносабатларига киришар экан, ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда қандай вазифа, функцияни бажаришда амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни таҳлил қиламиз.

***ТҚФда орган раҳбари ва тезкор ходимнинг иштироки.*** ТҚФ амалиётидан маълумки, тезкор бўлинмада тезкор вакил, катта тезкор вакил ва ундан юқори лавозимларда хизмат қилувчи ходимлар ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбарлик лавозимида хизмат фаолиятини ташкил этиб, ТҚФда инсон ҳуқуқларини таъминлашда бевосита идоравий назоратни амалга оширади.

Ушбу масалада Д.В.Свинов “ТҚФда орган раҳбари ТҚФнинг асосий ташкилотчи вазифасини бажариб, айрим ТҚТни ўтказиш учун қарорларни тасдиқлаши, ушбу тадбирларда бевосита иштирок этиши, ТҚФнинг ташкил этилишида *(ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар билан ишлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва бошқалар)* умумий назоратни амалга оширади”[3], деб фикр билдиради.

Л.Ю.Таова эса: “Тезкор-қидирув фаолиятида идоравий назоратни амалга ошириш вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш борасидаги фаолиятини яхшилаш, шу билан бирга, идоравий назорат функциясини бажаришда инсон ҳуқуқлари ва қонунийликка амал қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиб, ТҚФ орган раҳбари қуйидаги: инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг қонунийлигини шахсан текшириши (тезкор-қидирув иши бўйича); фуқароларнинг аризалари ва шикояти, ТҚТ ўтказилиши натижасида қонунийлик, инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини текшириши; тезкор бўлинмаларнинг инсон ҳуқуқларига ва қонунга амал қилиш ҳолатини мақсадли текшириши; тезкор бўлинмаларни комплекс текшириши; марказий бўғинда фаолият кўрсатувчи ТҚФни амалга оширувчи раҳбарлар қуйи тизимда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, қонунийликни таъминлаш ҳолати юзасидан жойлардаги ТҚФ орган раҳбарининг маърузасини шахсан, раҳбариятнинг ҳайъат ва тезкор йиғилишларида белгиланган талаблардан келиб чиқиб ТҚФнинг идоравий назоратини амалга оширилади”[4], деб таъкидлайди.

Д.В.Свиновнинг билдирган фикрлари ТҚФнинг умумий назоратига бағишланиб, Л.Ю.Таованинг фикрларига қисман қўшилиш мумкин. Бизнингча, қуйи тизимда ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбари қўл остидаги тезкор ходимларни мунтазам равишда назорат қилиши лозим. Масалан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини, ТҚФ ташкилий шаклларидан фойдаланиб ТҚТни амалга ошириш жараёнида тузилган ҳужжатларнинг мазмунини текшириши, бундан ташқари, терговга қадар текширув ёки жиноят иши доирасида гумондор, гувоҳлар ва жабрланувчилар билан тезкор ходим сўров ТҚТни ўтказиб, натижалари юзасидан тушунтириш хати расмийлаштиришда фуқаронинг номидан қўлда ёки компьютерда ёзиб, имзо қўйдириш ҳолатларига қатъий чек қўйиши лозим. Бу орқали тезкор ходимга нисбатан келгусида салбий ҳолатларнинг (жиноий жавобгарлик ва бошқалар) вужудга келишига йўл қўйилмайди.

Статистик маълумотларнинг таҳлилига кўра, ҳозирда кибермаконда содир этиладиган жиноятлар-

3 Свинов Д.В. О месте и роли руководителя территориального органа внутренних дел в оперативно-розыскном процессе // Вестник Уральского юридического института МВД России. 2021 г. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/o-meste-i-roli-rukovoditelya-territorialnogo-organa-vnutrennih-del-v-operativno-rozysknom-protsesse (дата обращения: 10.09.2024 г.).

4 Таова Л. Ю. Обеспечение контроля за оперативно-розыскной деятельностью – гарантия соблюдения прав и свобод человека и гражданина // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2013 г. №10-2. URL: https://cyberleninka.ru/article/ (дата обращения: 06.09.2024 г.).

нинг 48,5 фоизи фош этилмасдан қолмоқда. Сабаби жиноятни фош этиш билан боғлиқ излов тадбирлари етарли ташкил этилмаяпти. Оғир ва ўта оғир турдаги фош этилмаган жиноятлар бўйича ишларнинг аҳволи ўрганилганида, жиноятни фош этиш чоралари кўрилмаганлиги маълум бўлди.

Юқорида билдирилган фикрлар ҳамда ТҚФга оид назарий билимлар, амалий кўникмалардан келиб чиққан ҳолда ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбари, *биринчидан,* ТҚФни идоравий назорат қилиш функциясини амалга ошириш билан бирга қўл остидаги тезкор ходимларнинг хизмат фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишини текшириши; *иккинчидан,* текширув турли шаклда амалга оширилиб, тезкор ходимнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилиши билан боғлиқ ҳолатларга йўл қўйилмаслигини таъминлашдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбари қуйидаги: тезкор ходимларнинг бириктирилган маъмурий ҳудудида хизмат вазифаларини қай даражада амалга ошираётганлигини текшириш; тезкор ходимларнинг ТҚФ вазифаларини қонун ва қонуности ҳужжатларига биноан амалга ошираётганлигини текшириш; ТҚФни ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритишнинг қонунийлигини текшириш; ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар билан ишлаш ҳолатини текшириш; тезкор-қидирув ҳамда махсус тадбирларнинг қонуний ўтказилишини текшириш; давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш тўғрисида; ТҚФда иштирок этишга рухсат бериш ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида; ТҚФни амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар билан ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ёки бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳақида[5] қарор қабул қилиш функцияларини бажариши шарт.

Тезкор ходимлар ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабига риоя қилиб ижро этсагина ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланади, фуқароларнинг қонун бузилиши ҳолатларига доир эътирозлари вужудга келмайди. Шунингдек, ТҚФ органининг раҳбари тезкор ходимларни хизмат вазифасига тааллуқли бўлмаган бошқа тадбирларга жалб этмаслик ҳамда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласини ижобий ҳал этсагина ушбу соҳа янада ривожланади.

***Суриштирувчи ва терговчининг ТҚФда иштироки.*** Жиноят-процессуал қонунчиликка биноан суриштирувчи, терговчи ТҚФ билан шуғулланувчи органларга юритувидаги иш ҳужжатлари (терговга қадар текширув, жиноят ишлари) юзасидан ТҚТни ўтказиш ҳақида ёзма топшириқлар бериб, ТҚФнинг материаллари жиноят ишини қўзғатиш учун суриштирув ва терговчига тақдим этилади[6]. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш орқали суриштирувчи ва терговчилар ТҚФнинг иштирокчисига айланишади. Бундан ташқари, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг рухсати билан суриштирувчи ва терговчилар ТҚТни ўтказиш жараёнида иштирок этиши ҳам мумкин. Содда қилиб айтганда, суриштирувчи ва терговчининг ТҚФ билан боғлиқ жараёнларга жиноят-процессуал жиҳатдан муносабат билдириши ТҚФнинг иштирокчисига айланишига имкон беради.

Суриштирув органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида тадқиқот олиб борган Ш.Ф.Файзиев "жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар томонидан ТҚТларини ўтказилишини тартибга солувчи қонун нормасини ЖПКнинг нормалари мазмунига киритилиши терговчи ва суриштирувчининг қонуний ваколатидан тўла фойдаланишга хизмат қилади"[7] мазмунида мулоҳаза юритиб, суриштирувчи ва терговчиларнинг ТҚФда иштирок этишининг ҳуқуқий асосини белгилашга ҳаракат қилади. Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган ушбу иштирокчилар ТҚФда инсон ҳуқуқларини таъминлашда ТҚТ асосида тўпланган ҳужжатларнинг ЖПКга мувофиқ тузилганлигини текшириши лозим. Шу усул билан ТҚТнинг қонунийлигига баҳо берилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Д.Э.Каримова эса "жиноятларни очиш, тергов қилиш ҳамда суд ва терговдан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш бўйича фаолиятнинг ташкил этилиши борасидаги эмпирик кузатувлар терговчиларнинг терговга қадар текширувни ёки ТҚФни амалга оширувчи органлар, хусусан, жиноят қиди-

5 Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги 344-сонли қонуни // Электрон манба: URL: http:// www.lex.uz (мурожаат вақти: 09.09.2024 й.).

6 Андриенко Ю.А. Отдельные аспекты использования следователем результатов оперативно-розыскной деятельности // Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. 2022 г. №4. УРЛ: URL: https:// cyberleninka.ru/artisle/n/ otdelnye-aspekty-ispolzovaniya-sledovatelem-rezultatov-operativno-rozysknoy-deyatelnosti (дата обращения: 22.08.2024 г.).

7 Файзиев Ш.Ф. Суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш // Юрид. фан. д-ри (DSc) дис. … автор. – Т., 2019 й. 17-б.

рув бўлинмалари билан ҳамкорлиги масалаларини қонун нормалари билан мустаҳкамлаш лозимлиги”[8] ҳақида фикр билдириб, ЖПК ҳамда ТҚФ соҳасида қонунчилик нормаларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга ҳаракат қилади. ТҚФни амалга оширишда ИИВнинг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлик қилиш инсон ҳуқуқларини таъминлашда ёрдам беради. Мазкур мутахассисларнинг тадқиқот ишига доир фикрлари шундан иборатки, Ш.Ф.Файзиев “ТҚФнинг ҳуқуқий асосларини ЖПК нормалари билан мустаҳкамлаш”, Д.Э.Каримова “ушбу икки хизмат ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш орқали ижобий натижага эришиш мумкин”лигини таъкидлашади. Бизнингча, ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда суриштирувчилар ва терговчилар қуйидаги: юритувидаги иш материали юзасидан ТҚФга жалб этилган кўмаклашувчи фуқароларни сўроқ қилиш ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга оширишда уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши, масалан, юзлаштириш жараёнида ТҚФга кўмаклашувчи фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чораларини кўриши; ТҚФ орган раҳбарининг розилиги асосида ТҚТни ўтказишда иштирок этганида махсус тартибга риоя қилиб, ўзбошимчалик билан ҳаракат қилмаслиги; ТҚФнинг материалларини жиноят-процессуал қонун ва бошқа қонуности ҳужжатлари талаблари (шахснинг “Миранда қоидаси” бўйича ушлаб турилгани ва далиллар мақбуллиги асосида ҳужжатлар тузилгани) асосида текшириб қабул қилиши ҳамда ушбу материалларда айрим камчиликлар аниқланганида, бартараф этиш учун тезкор бўлинмаларга қайтариши лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу мисоллардан суриштирувчи ва терговчилар ТҚФда иштирок этишда тезкор аҳамиятга эга шахсларни ва ТҚФни амалга оширувчи орган ходимининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кераклиги назарда тутилмоқда. Зарурат бўлганда суриштирувчи ва терговчилар ТҚФни амалга оширувчи тезкор ходимларга иш юзасидан тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар бериши инсон ҳуқуқлари бузилишининг барвақт олдини олиши мумкин.

***Прокурорнинг ТҚФда иштироки.*** Маълумки, ТҚФда қонунийликка риоя қилишни назорат қилувчи давлат органининг масъул ходими прокурордир. Дарҳақиқат, ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурор назоратининг аҳамияти катта. Боиси қонунларга риоя қилинишини назорат қилувчи прокурорлар ТҚФнинг айрим жабҳасини ўрганишга ваколатлидир. ТҚФда прокурор иштирокининг мазмун-моҳияти ҳақида мутахассислар турлича фикр-мулоҳазани билдиришган. Хусусан, В.Н.Осипкиннинг фикрича: “ТҚФ устидан прокурор назорати бу прокурор назорат соҳасининг кичик бир тармоғи бўлиб, ваколат берилган прокурор томонидан ТҚТни ўтказишда қонун бузилиши тўғрисидаги материаллар ва ахборот, шунингдек, фуқароларнинг қонун бузилиши ҳолатлари ҳақидаги мурожаатларини кўриб чиқиб, айбдор ходимларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этишдан иборат”[9]. М.М.Мануков эса: “Прокурор ТҚФ соҳасида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлашга имкон берган сабаб ва шароитни ўрганиб, самарали ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиши лозим ва шу орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол бўлишининг олди олинишига эришилади”[10], деб ҳисоблайди. С.А.Потапов ушбу масалада: “Прокурор қонунийликни назорат қилишда суднинг тасдиқлаган қарори асосида ТҚФни амалга оширувчи органни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг манбаи ва ишончли маълумотлари ҳақиқатда мавжудлигини текширишга ва ушбу маълумот бўлмасдан туриб ТҚТ ўтказилганда, қонун бузилиши ҳолати юзасидан айбдор шахсга тегишли чора кўрилиши таъминланади”[11], деб таъкидлайди.

Шунингдек ўзбек олимлари Ш.И.Зокиров ва Ш.М.Саидов “фуқароларнинг мурожаати сифатли кўриб чиқилиши уларнинг ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга”[12], деб ҳисоблайди. Мазкур мутахассисларнинг (В.Н.Осипкин, С.А.Потапов, Ш.И.Зокиров, Ш.М.Саидов) фикрлари ўринли, бироқ ушбу масалада ҳар доим ҳам текшириш ва назорат қилиш билан ижобий натижага эришиб бўлмайди. Бу борада М.М.Мануковнинг фикрларига тўлиқ қўшиламиз. Амалиётда ходимлар томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолатларининг

8 Каримова Д.Э. Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш //Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2018 й., 5-б.

9 Осипкин В.Н. Теоретические и организационно-методические проблемы прокурорского надзора за оперативно-розыскной деятельностью // Дис… канд. юрид. наук. – М., 1998 г. – С.80-85.

10 Мануков М.М. Прокурорский надзор за исполнением законодательства в ходе оперативно-розыскной деятельности //Автореф.. дис… канд. юрид. наук. – М., 2014 г. – С.3.

11 Потапов С.А. Осуществление прокурорского надзора за соблюдением законности в оперативно-розыскной деятельности Социально-экономические явления и процессы. 2016 г. №12. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osuschestvlenie-prokurorskogo-nadzora-za-soblyudeniem-zakonnosti-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti (дата обращения: 24.08.2024 г.).

12 Зокиров Ш.И. Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш масалалари // Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2022 й. 50-б.; Саидов Ш.М. Прокуратура органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш масалалари // Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2022 й., 43-б.

сабаб ва шароитлари чуқур ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Фақат интизомий, жиноий жазо чорасини қўллаш билан масаланинг ечими ҳал бўлмайди. ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурор ТҚФни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиши ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириши; ТҚФни амалга оширувчи органлардан терговга қадар текширув вақтида инсон ҳуқуқларига риоя қилинганлиги, хусусан, мурожаатлар ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилганлиги, ТҚФга оид айрим ҳужжатлар, материаллар, объектларни ўрганади, масалан, шахси аниқланмай фош этилмасдан қолаётган жиноят ишлари бўйича махсус иш ҳужжатларининг мазмун-моҳияти билан танишиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари бор ёки йўқлигини, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида шахснинг қонуний асосларда сақланаётганлигини мунтазам текшириб бориши лозим. Ушбу функцияларни амалга оширишда прокурор хатога йўл қўйган тезкор бўлинма ходимларини жавобгарликка тортиш масаласидан кўра, кўпроқ қонун бузилиши ҳолатининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиб, ҳар бир тезкор ходим кесимида ҳисоботлар юритиш орқали таҳлил қилиши, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ҳақида ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада мустаҳкамлаш борасида идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбар билан тизимли равишда чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

***Суднинг ТҚФда иштироки.*** ТҚФнинг суд томонидан назорат қилиниши бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг процессуал кафолатидир. Бундан суд ТҚФга доир процессуал-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш мақсадида ТҚФни амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг қабул қилган қарорлари, хатти-ҳаракатларининг қонунга мувофиқлигини, асослилигини текшириб, энг асосий масала инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир. ТҚФда суднинг иштирок этиши шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат (санкция) беришни англатади. Мазкур масала бўйича В.И.Иванов қуйидаги фикрларни билдирган: “ТҚФ соҳасидаги суднинг назорати прокурор назоратини такрорламаслиги, шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказишга суд рухсат бериши, прокурор эса ушбу тезкор-қидирув тадбири суднинг қарори асосида ўтказилганини текширишдан иборат бўлиши лозим”[13].

Е.Л.Никитин ва И.В.Литвиновалар “ТҚФ соҳасида суднинг назорати бу фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини чеклайдиган ТҚТни ўтказишга фақат суднинг рухсат бериши, шунингдек, ушбу назоратнинг ўзига хос хусусияти, фуқароларнинг ТҚФни амалга оширувчи органлар ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан шикоятлари, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказиш ҳақидаги қарорига (илтимосномасига) мувофиқ суднинг рухсат бериши, судга тақдим этилган ТҚФ материалларининг қонунийлиги, асослилиги, етарлилиги судья томонидан белгиланиши ва буни қонунчилик билан мустаҳкамлаш лозим”[14] деган таклифни илгари суради.

Ушбу мутахассисларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган А.С.Федорова: “ТҚФда суд назоратини амалга оширишда қонунчиликка ТҚФ устидан суд назорати институтини киритиш, санкция олиш учун судга тақдим этиладиган тезкор-қидирув ҳужжатларининг аниқ рўйхатини белгилаш керак”[15], деб таъкидлайди.

Д.М.Миразов эса: “Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан ТҚТнинг ўтказилиши ва ТҚФнинг натижаларидан фойдаланишда идоравий-процессуал контрол ва прокурор назоратини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш зарур”[16], деб ҳисоблайди. Ушбу ҳаракатлар ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг жиноят-процессуал жиҳатдан таъминланишига, бу борада суднинг мустақил фаолият кўрсатишига хизмат қилади.

Б.А.Мўминов профессор Д.М.Миразовнинг фикрига қўшилган ҳолда “шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТлари устидан суд назорати жорий қилиниши

13 Иванов В.И. Судебный контроль за осуществлением оперативно-розыскных мероприятий // Автореф..дис… канд. юрид. наук. – Омск, 2011 г. – С.8.

14 Никитин Е.Л, Литвинова И.В. Судебный контроль в сфере оперативно-розыскной деятельности: за и против // Вестник СГЮА. 2015 г. №3 (104). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/sudebnyy-kontrol-v-sfere-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-za-i-protiv (дата обращения: 15.08.2024 г.).

15 Федорова А.С. Особенности судебного контроля за оперативно-розыскной деятельностью // Вопросы российской юстиции. 2019 г. №1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-sudebnogo-kontrolya-za-operativno-rozysknoy-deyatelnostyu (дата обращения: 10.08.2024 г.).

16 Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контрол ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари // Юрид. фан. д-ри (DSc) дис. … автореф. – Т., 2016 й., 9-10-б.

ва ушбу қоидани “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига киритиш”[17] таклифини билдиради. Тезкор-қидирув қонунчилигида жами 16 та ТҚТ кўрсатилган бўлиб, махсус ТҚТни ўтказишда ваколатли судьянинг рухсати (санкция) асосида ўтказиш тартибининг асосий шарт сифатида белгиланиши тезкор ходимларга ушбу қоидага амал қилиш масъулиятини юклайди. Бироқ жиноят ишини кўриб чиқаётган судья шу иш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериши ҳам холисликни таъминламайди. ТҚТни ўтказишга санкция берган судья шу иш юзасидан жиноят ишини кўриб чиқмаслиги зарур. Шунда холислик бўлади.

Юқорида номлари зикр этилган ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари хилма-хил бўлиб, умумий қараш ва мақсадлари ТҚФда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашдан иборатдир дейиш мумкин. Фақат бюрократиядан тўлиқ воз кечилиб, ишнинг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилган тақдирда фуқаро шикоят билан мурожаат қилиш субъектини (прокурор ёки суд ва бошқалар) ўзи танлаши керак. Назаримизда, фуқаролар дахлсизлик ҳуқуқи бузилганда, шунингдек, тезкор ходимлар судья томонидан тасдиқланган қарор асосида ТҚТни ўтказиш тартибига *(масалан, ТҚТни ўтказиш муддати чўзилиб кетса)* риоя қилмаганда прокурорга ёки судга мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир.

ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ваколатли судьянинг функциялари “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунларда ва ЖПК назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 ва 31-моддаларида белгиланган шахснинг шахсий, турар жой дахлсизлигини чеклаш суднинг қарори асосида амалга оширилишини инобатга олиб, ваколатли судья қуйидаги:

1) ТҚФни амалга оширувчи органларнинг турар жойларни; почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш; телефонлар, бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш; абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш ҳақида махсус ТҚТни ўтказиш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш ва тадбирни ўтказишга санкция бериш;

2) ушбу қарорни тадбир ўтказилиши нуқтаи назардан баҳолаб, қонунга мувофиқлиги, асослилигини текшириши;

3) ТҚТ ўтказилмасдан ҳам ТҚФнинг вазифалари ижобий ҳал этилиши мумкин деган хулосага келинганида ТҚТни ўтказиш тўғрисидаги қарорни рад этиши;

4) ТҚФни амалга оширувчи орган ходимининг ҳаракатлари юзасидан фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиши;

5) жиноят иши юзасидан ўтказилган ТҚТнинг натижалари холислигига шубҳа бўлганда, суд муҳокамасида тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали текшириб кўриши; жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларни фош этиш вазифасини самарали амалга оширишда ноошкора (махсус) тергов ҳаракатлари ўтказилишига[18] рухсат бериш каби функцияларни амалга ошириши ҳамда ушбу функцияларнинг қонунчилик нормалари билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида ТҚФ иштирокчилари вазифаларини аниқлаштиришда қуйидагилар таклиф этилади:**

*биринчидан,* ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбари ва ходими учун ТҚФда иштирок этадиган жиноят процесси иштирокчиларининг функцияси нимадан иборат эканлигини тушунтириш учун методик ёрдам сифатида тоифаларга ажратилган ТҚФ иштирокчиларининг кетма-кетликдаги функцияларидан иборат ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалиёт ходимларига қўлланма сифатида тарқатиш;

*иккинчидан,* суриштирувчи ва терговчи томонидан ТҚТ натижасида тақдим этилган материаллар асосида ТҚФга кўмаклашган фуқаролар билан тергов ҳаракатларини ўтказишда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шахсий хавфсизлигини таъминлаши, ТҚТда иштирок этганида махсус тартибга риоя қилишлари;

*учинчидан,* ТҚФни умумий назорат қилувчи прокурор томонидан тезкор ходимларнинг йўл қўйган хато ва камчиликлари бўйича жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш билан бир қаторда тезкор ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан ИИО раҳбарлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда чора-тадбирларни белгилаш;

*тўртинчидан,* фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари чекланиши билан боғ-

17 Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш // Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. автореф. – Т., 2018 й., 28-б.

18 Ковалев Н., Уилфрида Л. Судебный контроль на этапе досудебного производства в уголовном процессе Узбекистана. Ташкент 2020 г. – С. 24.

лиқ ТҚТни ўтказишга санкция бериш ваколатини прокурордан ваколатли судьяга ўтказиш тартибини қонунчиликда белгилаш ва ушбу тартибни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

*бешинчидан,* Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “хусусий изқуварлик”нинг ташкил этилиши тақиқланган бўлиб, хорижий давлатларда, шу жумладан, Англия, АҚШ, Россия, Франция каби давлатларда хусусий детективлик (изқуварлик) билан шуғулланувчи ассоциация ва агентликлар[19] кенг фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг асосий вазифаси шахсни излаш, текшириш; телефон қурилмасини текшириш; сўзлашувни текшириш; объектни кузатиш; юридик шахс ҳақида маълумот олиш; қарзни ундириш ва адвокатлик хизматидан иборат бўлиб, ушбу хизматлар ҳақ эвазига амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида жиноятчиликка қарши курашишда хусусий детективлик хизматини ташкил этиш мумкин. Ушбу хизматни ташкил этишда ўта масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Чунки давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш (шахсни текшириш ва ўрганиш) функциясини хусусий ташкилотларга ишониб топшириш бир қанча қатъий талабга риоя қилишни тақозо этади. Хусусий детективлик (изқуварлик) билан шуғулланувчи хизмат Адлия вазирлиги ва ТҚФни амалга оширувчи органларнинг махсус рухсати ҳамда текшируви асосида ташкил этилиб, ушбу ташкилотда келгусида ишловчи номзодлар қуйидаги мезонлар асосида ўрганилиб, лавозимга тайинланиши лозим:

1) олий малакали ҳуқуқшунос бўлиши;

2) ахборот технологиялари соҳасида мукаммал билимга эга бўлиши;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида камида беш йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;

г) чет тилларини (рус, инглиз, француз, турк, хитой ва бошқа) пухта эгаллаган бўлиши;

4) хизмат фаолиятида махфийлик талабларига қатъий амал қилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда тезкор-қидирув фаолияти иштирокчилари вазифаларини виждонан бажаришда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига қатъий амал қилиши шарт.

#

19 https://www.lex-gard.ru/post/детективы в Англии (мурожаат вақти: 22.10.2024 й.).; Федеральный закон Российская Федерация от 11 марта 1992 года № 2487-1 «О частной детективной и охране деятельности в Российской Федерации» // Электрон манба: http: // www.Consultant.ru. (мурожаат вақти: 23.10.2024 й.).; Степанов С. Некоторые особенности детективного бизнеса в США // Мир безапасности № 5/174 май 2008 г. – С.73-77.; detektiv-profi.ru/о-системе-частного-сыска-во-франции. (мурожаат вақти: 24.10.2024 й).

**Бунёдбек БАХРОМБЕКОВ,**
**прокурор Научно-образовательного центра противодействия коррупции Правоохранительной академии**

# ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ОБВИНИТЕЛЬ КАК КОНСТИТУЦИОННЫЙ ГАРАНТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПОТЕРПЕВШИМ ЗАЩИТЫ И ДОСТУПА К ПРАВОСУДИЮ

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье рассматриваются права потерпевших в уголовном судопроизводстве, уделяя особое внимание роли государственного обвинителя как конституционного гаранта их защиты и обеспечения доступа к правосудию. На основе Конституции и Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, а также международных стандартов, анализируется правовой статус потерпевшего и функции прокурора в защите его прав. Особое внимание уделено вопросам отказа прокурора от обвинения и его влиянию на интересы потерпевшего. В статье обсуждаются пробелы в законодательстве и предлагаются меры для укрепления правовой защиты потерпевших в судебной практике.*

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада жиноят-процессуал жараёнида жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари кўриб чиқилиб, давлат айбловчисининг конституциявий кафолат сифатида жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатга етиш имкониятини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Жиноят-процессуал кодекси, шунингдек, халқаро стандартлар асосида жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми ҳамда прокурорнинг унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги функциялари таҳлил қилинган. Прокурорнинг айбловдан воз кечиши ва унинг жабрланувчининг манфаатларига таъсири масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада қонунчиликдаги бўшлиқлар муҳокама қилиниб, суд амалиётида жабрланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш учун чора-тадбирлар таклиф қилинган.*

***ABSTRACT.*** *The article examines the rights of victims in criminal proceedings, with a particular focus on the role of the public prosecutor as a constitutional guarantor of their protection and access to justice. Based on the Constitution and the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, as well as international standards, the legal status of the victim and the prosecutor's functions in protecting their rights are analyzed. Special attention is given to the issues of the prosecutor's withdrawal of charges and its impact on the interests of the victim. The article discusses legislative gaps and proposes measures to strengthen the legal protection of victims in judicial practice.*

***Ключевые слова:*** *права потерпевших, государственное обвинение, отказ от обвинения, справедливое разбирательство, Уголовно-процессуальный кодекс, международные стандарты*

***Калит сўзлар:*** *жабрланувчилар ҳуқуқлари, давлат айблови, айбловдан воз кечиш, адолатли муҳокама, Жиноят-процессуал кодекси, халқаро стандартлар.*

***Key words:*** *victims' rights, public prosecution, withdrawal of charges, fair trial, Criminal procedure code, international standards.*

Права потерпевших в уголовном судопроизводстве, включая право на защиту и справедливое разбирательство, имеют фундаментальное значение в системе прав человека. В Узбекистане государственный обвинитель выполняет роль конституционного гаранта обеспечения прав потерпевших, одновременно представляя интересы общества и государства.

Конституция Республики Узбекистан является основным законом, закрепляющим права и свободы человека и гражданина и устанавливающим фундаментальные принципы, на которых базируется вся правовая система страны. Положения Конституции подчёркивают значимость защиты прав каждого гражданина, включая потерпевших в уголовном процессе. Рассмотрим подробнее, как Конституция Республики Узбекистан регулирует эти вопросы и обязывает государственного обвинителя способствовать защите и восстановлению прав потерпевших.

Статья 13 Конституции Республики Узбекистан закрепляет, что права и свободы человека и гражданина являются высшей ценностью общества[1]. Это положение означает, что защита прав каждого гражданина, включая потерпевших от преступлений, является приоритетной задачей государства. Важно, что эта статья устанавливает основу для всей системы прав человека в стране и подчёркивает, что государственные органы, включая прокуратуру, обязаны обеспечивать соблюдение этих прав.

Также, статьей 55 Конституцией гарантируется каждому гражданину право защищать свои права всеми законными способами[2]. Это право

1 Конституция Республики Узбекистан. [Электронный ресурс] URL: https://lex.uz/docs/6445147

2 Конституция Республики Узбекистан. [Электронный ресурс] URL: https://lex.uz/docs/6445147

включает и защиту потерпевших в уголовном судопроизводстве, что означает, что потерпевшие вправе использовать доступные правовые механизмы для восстановления своих нарушенных прав. Это положение даёт потерпевшему возможность заявлять ходатайства, подавать жалобы, представлять доказательства, а также требовать возмещения ущерба, причинённого преступлением.

Конституция Республики Узбекистан не только закрепляет права граждан на защиту, но и наделяет государственные органы, в частности прокуратуру, обязанностью способствовать соблюдению и восстановлению прав потерпевших. Функции государственного обвинителя, который выступает от имени государства, включают защиту общественных интересов и правопорядка, а также защиту законных прав потерпевших.

Конституция устанавливает право на справедливое судебное разбирательство, что является одним из важнейших элементов правового государства и принципа верховенства закона. Государственный обвинитель, действуя в интересах общества, обязан следить за тем, чтобы процесс в отношении потерпевшего был не только законным, но и справедливым. Это включает его обязательства участвовать в процессуальных действиях, связанных с рассмотрением дела, чтобы гарантировать, что права потерпевшего защищены, а также следить за тем, чтобы потерпевший имел возможность представлять свои интересы и выдвигать требования о возмещении ущерба.

Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре» является основным актом, регулирующим обязанности и полномочия государственного обвинителя. Согласно статье 2, основными задачами органов прокуратуры Республики Узбекистан являются обеспечение верховенства закона, укрепление законности, защита прав и свобод граждан, охраняемых законом интересов общества и государства, конституционного строя Республики Узбекистан, предупреждение и профилактика правонарушений[3]. Закон требует от прокуроров обеспечить защиту прав потерпевших, участвующих в уголовном процессе, следить за соблюдением законности в рамках разбирательства и защищать общественные интересы, что также подразумевает защиту интересов потерпевших.

Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан предоставляет потерпевшему широкий спектр прав, включая право на участие в судебном процессе, подачу ходатайств, представление доказательств и возможность требовать возмещения ущерба *(статьи 54-55)*[4]. Государственный обвинитель, в свою очередь, обязан содействовать реализации этих прав потерпевшего и следить за тем, чтобы его интересы были учтены.

В рамках уголовного процесса государственный обвинитель, представляя государство, обязан участвовать в судебных заседаниях и обеспечивать соблюдение прав потерпевшего.

Всеобщая декларация прав человека *(статья 8)*[5] и Международный пакт о гражданских и политических правах *(статья 2)*[6] закрепляют право каждого на эффективное средство правовой защиты. Эти нормы устанавливают международные стандарты, требующие от государства обеспечения прав потерпевших в рамках справедливого судебного разбирательства.

ООН приняла ряд резолюций, направленных на защиту прав потерпевших. В частности, Декларация основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотреблений властью (1985)[7] обязывает государства предоставлять потерпевшим доступ к правосудию и компенсировать им причинённый вред. Эти международные стандарты оказывают значительное влияние на законодательство Узбекистана, где национальные законы должны соответствовать данным принципам.

Рекомендация R(2000)19 Совета Европы «О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия»[8] подчёркивает необходимость участия прокуроров в защите прав потерпевших, особенно в части обеспечения доступа к правосудию и защиты интересов потерпевших. Хотя Узбекистан не является членом Совета Европы, эти стандарты служат важным ориентиром для национальных реформ.

---

3 Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре» [Электронный ресурс] URL: https://lex.uz/docs/105533

4 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан [Электронный ресурс] URL: https://lex.uz/docs/111463

5 Всеобщая декларация прав человека [Электронный ресурс] URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

6 Международный пакт о гражданских и политических правах [Электронный ресурс] URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml

7 Декларация основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотреблений властью (1985) [Электронный ресурс] URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/power.shtml

8 Рекомендация R(2000)19 Совета Европы «О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия» [Электронный ресурс] URL: https://www.refworld.org/ru/legal/resolution/coeministers/2000/ru/31721

В последние годы мировые показатели верховенства закона демонстрируют тенденцию к снижению. Согласно данным индекса «Rule of Law Index», основанного на ряде индикаторов, ухудшение зафиксировано в 59 % стран в 2023-2024 годах[9]. Важность укрепления этой сферы подчёркивается международными стандартами, такими как Рекомендация № R (2000) 19 Комитета министров Совета Европы «О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия»[10]. В связи с этим приоритетной задачей остаётся дальнейшее совершенствование данной области, учитывая значимую роль прокурора как ключевого участника процесса, который влияет на законность, обоснованность и справедливость судебных решений, затрагивающих человеческие судьбы.

Государственный обвинитель в Узбекистане играет важную роль в защите прав потерпевшего, обеспечивая соблюдение их интересов в рамках уголовного процесса, который достигается различными способами.

**Во-первых,** государственный обвинитель принимает активное участие в судебных заседаниях, где представляет государственное обвинение. В рамках своих полномочий он обязан следить за тем, чтобы права потерпевшего были соблюдены на всех этапах процесса, начиная от подготовки дела и заканчивая вынесением приговора.

**Во-вторых,** прокурор обеспечивает возможность потерпевшему заявлять ходатайства, подавать заявления, представлять доказательства и участвовать в судебных заседаниях. Обвинитель следит за тем, чтобы потерпевший мог воспользоваться своими законными правами, предусмотренными Уголовно-процессуальным кодексом.

**В-третьих,** прокурор выполняет функцию контроля за соблюдением законности, включая защиту прав потерпевшего. Он обязан следить за тем, чтобы в ходе расследования и судебного разбирательства не допускалось никаких нарушений прав потерпевшего. Если потерпевший сталкивается с препятствиями в защите своих интересов или с нарушением его прав, прокурор может вмешаться, чтобы восстановить справедливость и обеспечить соблюдение процессуальных норм.

**В-четвертых,** обвинитель обязан представлять интересы потерпевшего, обеспечивая объективное и беспристрастное рассмотрение дела. Он должен учитывать интересы потерпевшего при формулировании обвинения, а также представлять доказательства, подтверждающие факты, способствующие вынесению справедливого приговора.

**В-пятых,** государственный обвинитель может поддерживать гражданский иск потерпевшего о возмещении ущерба, причинённого преступлением. Это включает поддержку требований потерпевшего о возмещении материального и морального вреда. Если потерпевший предъявил иск, прокурор обязан обеспечить, чтобы его требования были рассмотрены судом наряду с уголовным делом.

**В-шестых,** в некоторых случаях потерпевшие могут нуждаться в защите своей безопасности или конфиденциальности. Государственный обвинитель обязан принимать меры для защиты потерпевшего от угроз или давления со стороны обвиняемых или других лиц, которые могут повлиять на их безопасность или желание участвовать в процессе.

Судебное разбирательство считается основной и центральной частью уголовного процесса. Деятельность прокурора имеет важное значение в поддержании государственного обвинения и доказывании виновности лица по делу. Однако в некоторых случаях прокурор может отказаться от обвинения. Отказ прокурора от государственного обвинения является важным правовым институтом в уголовном процессе и играет значительную роль в обеспечении законности и справедливости. Отказ от обвинения — это не только право прокурора, но и его обязанность, направленная на принятие справедливого решения по уголовному делу. Этот институт занимает особое место в обеспечении справедливости в судебном разбирательстве по уголовным делам и в защите прав и свобод личности.

В Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан механизм отказа от обвинения регулируется с правовой точки зрения. В соответствии со статьей 409 УПК, если в результате судебного разбирательства прокурор придет к убеждению, что данные судебного следствия свидетельствуют о невиновности подсудимого, он обязан отказаться от обвинения и изложить суду мотивы отказа. Отказ прокурора от обвинения влечет прекращение уголовного дела судом по реабилитирующим основаниям[11]. Введение

9 World Justice Project [Электронный ресурс] URL: https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/global

10 Рекомендация R(2000)19 Совета Европы «О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия» [Электронный ресурс] URL: https://www.refworld.org/ru/legal/resolution/coeministers/2000/ru/31721

11 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан [Электронный ресурс] URL:https://lex.uz/docs/111463.

этой нормы способствует более эффективному применению принципа состязательности в судебном процессе.

Эта норма национального законодательства была принята на основании поручения Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, данного на видеоселекторном совещании 30 июня 2020 года, посвященном вопросам обеспечения справедливого правосудия и борьбы с коррупцией. На совещании глава государства подчеркнул, что прокурор должен отказаться от обвинения по собственной инициативе на основании выявленных в суде доказательств, не дожидаясь завершения судебного разбирательства[12].

Отказ от обвинения является редким процессуальным действием на практике, которое в основном связано с неполнотой или односторонностью предварительного расследования, а также с неправильным применением норм Уголовно-процессуального кодекса.

Нормы законодательства, касающиеся отказа от обвинения и его правовых последствий, являются важной частью уголовного процесса и играют решающую роль в обеспечении законности и справедливости. Однако некоторые проблемы в законодательстве препятствуют эффективному функционированию института отказа от обвинения.

В частности, во-первых, хотя в уголовно-процессуальном законодательстве предусмотрены правовые основания для отказа от обвинения, на практике существуют противоречия между нормами закона.

Статья 409 УПК предоставляет прокурору право на отказ от обвинения, однако статья 421 УПК устанавливает дополнительные условия для прекращения дела. Так, в этой статье указано, что если во время судебного заседания будут установлены основания, предусмотренные статьей 83 и пунктами 1, 2, 3 и 8 части первой статьи 84 УПК, суд продолжает разбирательство и по основаниям, предусмотренным статьей 83, выносит оправдательный приговор, а по основаниям, предусмотренным пунктами 1, 2, 3 и 8 части первой статьи 84, - обвинительный приговор без назначения виновному лицу наказания[13].

Эти противоречия могут оказывать влияние на независимость судей и процесс отказа от обвинения. В случаях, когда судьи должны самостоятельно разрешать дело, решение прокурора об отказе от обвинения может повлиять на их решения.

На наш взгляд, в законодательстве должна быть логическая связь между основаниями для отказа от обвинения и вынесением оправдательного приговора. Поскольку основной смысл обвинения заключается в установлении виновности конкретного лица, отказ от обвинения должен основываться на полном отрицании общественно опасного деяния, предусмотренного уголовным законодательством.

Во-вторых, в случаях отказа от обвинения интересы потерпевшего не защищены в достаточной мере. Даже если потерпевший считает себя пострадавшим, отказ прокурора от обвинения может ограничить его законные интересы. В национальном законодательстве отсутствуют конкретные нормы, которые бы наделяли потерпевшего правом самостоятельно поддерживать обвинение.

Согласно статистическим данным Верховного суда Республики Узбекистан, за период с 2017 по 2023 годы и за первое полугодие 2024 года в отношении **6421 лица** были вынесены оправдательные приговоры[14].

Если права и интересы потерпевшего не обеспечены в полной мере, это может вызвать сомнения в справедливости и законности уголовного процесса. Согласно статье 20 Конституции Республики Узбекистан, Гражданин Республики Узбекистан и государство связаны взаимными правами и обязанностями. Права и свободы человека, закрепленные в Конституции и законах, являются незыблемыми и никто не вправе без суда лишить или ограничить их.[15]

В случае отказа прокурора от обвинения потерпевший может быть лишён возможности защищать свои интересы. В законодательстве отсутствует механизм, позволяющий потерпевшему самостоятельно поддерживать обвинение, либо он недостаточно развит. В результате потерпевший лишается возможности полноценно выражать своё мнение в суде и защищать свои интересы, что препятствует обеспечению справедливости при рассмотрении уголовного дела.

Отказ от обвинения может вызвать у потер-

12 UZA [Электронный ресурс] URL: https://uza.uz/uz/posts/odil1-sudlovni-taminlash-va-korruptsiyaga-arshi-kurash-mu-oka-30-06-2020

13 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан [Электронный ресурс] URL: https://lex.uz/docs/111463

14 Республика жиноят ишлари бўйича судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан маълумот. Электронный ресурс] URL: https://stat.sud.uz/file/2024/06.08/%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82%20%D0%B6%D0%B8%D0%BD%D0%BE%D1%8F%D1%82%202024%20%D0%B9%D0%B8%D0%BB%201-%D1%8F%D1%80%D0%BC%D0%B8.pdf

15 Конституция Республики Узбекистан. [Электронный ресурс] URL: https://lex.uz/docs/6445147.

певшего сомнение в том, что лицо, совершившее преступление, останется безнаказанным. Для потерпевшего наказание виновного лица воспринимается как восстановление справедливости, и отказ от обвинения ослабляет это чувство. Потенциальная несправедливость по отношению к потерпевшему может снизить его доверие к судебно-правовой системе.

Для устранения этих проблем необходимо внести изменения в законодательство, чтобы усилить защиту интересов потерпевших. Нужно ввести механизм, предоставляющий потерпевшему право самостоятельно поддерживать обвинение в суде, а также дать потерпевшему право обжаловать решение прокурора об отказе от обвинения. Это право повысит возможности потерпевшего в защите своих интересов и будет способствовать обеспечению справедливости в судебно-правовой системе.

В этом случаи, решение прокурора об отказе от обвинения должно быть полностью обосновано достаточными основаниями и доказательствами.

Вместе с тем, в случаях отказа от обвинения право потерпевшего на подачу гражданского иска не должно быть ограничено. Потерпевшие должны иметь возможность предъявлять гражданские иски для возмещения ущерба.

Эти меры будут способствовать усилению гарантий прав и свобод участников процесса и увеличивает возможности достижения справедливого правосудия.

#

**Мухриддин ХАСАНОВ,**
**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти**

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЎРНИ ВА МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада меҳнат органларида содир қилинадиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида сўз юритилган бўлиб, бу бўйича олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, меҳнат органларида сўнгги йилларда содир қилинган коррупциявий қилмишлар ўрганилиб, соҳани такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.*

***АННОТАЦИЯ.*** *В статье рассматриваются различные аспекты совершения коррупционных правонарушений совершаемых в органах труда. Кроме того, изучены коррупционные деяния, совершенные за последние годы в органах труда и разработаны предложения по совершенствованию отрасли.*

***ABSTRACT.*** *This article talks about corruption offenses committed in labor bodies and analyzes the views of scientists on corruption offenses. In addition, the corrupt acts committed in recent years in the labor bodies have been studied and proposals for the improvement of the sector have been developed.*

***Калит сўзлар:*** *коррупция, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, меҳнат органлари, комплаенс назорат, Конституция, давлат хизматчиси.*

***Ключевые слова:*** *коррупция, коррупционные правонарушения, органы по труде, комплаенс-контроль, Конституция государственный служащий.*

***Key words:*** *corruption, corruption offenses, labor authorities, compliance control, Constitution, civil servant.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қатор муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмоқда.

Давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси алоҳида эътиборга олинмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти очиқлиги кенгаймоқда. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд вазият коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо этмоқда.

Республикада коррупциянинг олдини олишга қаратилган 40 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлигининг ўзи ҳам коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Бироқ шунга қарамай ҳалигача коррупция ҳолатлари мамлакат тараққиётига, фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига хавф солмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”[1].

Коррупцияга қарши курашишда энг аввало бутун жамият биргаликда ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун эса уларнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш керак бўлади. Бунда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, унинг устувор йўналишларини белгилаш, қайси ҳуқуқбузарликлар коррупция аломатларига эга эканлигини аниқлаштириш ва улар асосида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни ташкиллаштириш керак бўлади. Сабаби кўплаб ҳуқуқшунослар томонидан қайси ҳуқуқбузарликлар коррупция аломатларига эга бўлиши мумкинлиги масаласи жуда баҳсли ҳисобланади. Шу сабабдан коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оши-

1 https://president.uz/oz/3321 (мурожаат қилинган вақти: 21.09.2023 й.).

ришда айрим қийинчиликлар юзага келмоқда[2].

Сўнгги йилларда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида коррупциявий жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, бартараф этиш, ходимларда мазкур ҳуқуқбузарликларга тоқатсизлик муносабатини янада мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Конституциямизнинг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб берилган, аммо тизимда коррупциявий жиноятлар содир этилиши кузатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида 2019-2023 йилларда ҳамда 2024 йилнинг 6 ойида содир этилган коррупциявий жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлилига биноан вазирлик тизимидаги ходимларнинг 436 нафари коррупциявий жиноятлар содир қилганлиги аниқланди.

Таҳлилларга кўра, тизимдаги ходимларнинг 272 нафари мол-мулкни талон-торож қилиш, 42 нафари ишга жойлаштириш, 15 нафари текширишда енгиллик яратиш, 18 нафари нафақа тайинлаш, 15 нафари кредит ва субсидия ажратиб бериш, 2 нафари ўқишга киритиб қўйиш, 2 нафари ташқи меҳнат миграция орқали ишга жўнатиш учун синов имтиҳонларидан ўтиб беришда тамагирлик қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳудудларда кадрлар билан ишлаш борасидаги фаолият бир хилда, аниқ ва манзилли ташкил қилинмаганлиги сабабли Андижон вилоятида 67 нафар, Фарғонада 42, Наманганда 41, Тошкент вилоятида 30, Тошкент шаҳрида 35, Сурхондарёда 27, Самарқандда 24, Қорақалпоғистон Республикасида 31, Жиззахда 27, Сирдарёда 21 нафар ходим содир қилган жиноятлари учун жазога тортилган. Шу каби жиноят содир этганларнинг 29 нафари Қашқадарё вилоятига, 10 нафаридан Навоий, Хоразм вилоятига, 6 нафари Бухоро вилоятига тўғри келади.

Мазкур даврда жавобгарликка тортилган ходимларнинг 5 нафари республика, 35 нафари вилоят ва 325 нафари туман (шаҳар) миқёсидаги муассасаларда фаолият олиб борган[3].

Соҳадаги коррупциявий омилларни бартараф этиш, тизимда шаффофлик, адолат, хизмат сифатини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш нуқтаи назаридан бир қатор амалий чоралар кўрилган бўлса-да, жиноятчилик ҳолати ҳамон юқорилигича қолмоқда.

Таҳлиллар кўрсатганидек, меҳнат органларида жиноятлар содир этилишининг бир қатор сабаблари мавжуд.

**Биринчидан,** раҳбар ходимларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш, уларни қонунларга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялашга барча имкониятлар яратилган бўлса-да, тизимда раҳбар ходимлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларига барҳам берилмаган.

Жумладан, ушбу даврда жиноят йўлига кирган тизимдаги ходимларнинг 95 нафари туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбари, 14 нафари марказ раҳбари ўринбосари, 2 нафардан ҳудудий бошқарма бошлиқлари, туман касб-ҳунарга ўқитиш маркази раҳбари, ташқи миграция агентлиги директори, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиғини ташкил қилганлиги тизимда раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ишлар тўғри ташкил қилинмаганлигини кўрсатмоқда.

Масалан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги ходимлар ишга жойлаштириш, субсидия, кредит, нафақа тайинлаш ва бошқа турдаги ёрдамларни беришда пора олган вақтларида ушланган.

**Иккинчидан,** бюджет маблағларининг сарфланиши, иш ҳақи ва ўзаро ҳисоб-китоб қилиш жараёнидаги тизимли камчилик ва нуқсонлар ҳамда коррупциявий омилларни тўлиқ бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

Ўз навбатида, мазкур даврда қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тизимдаги ходимлар томонидан давлат манфаатига 34,2 млрд сўм миқдорида мод-

2 Шарипов М.Л. Коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларнинг инсон ва жамият ҳаётига таҳдидлари//Academic research in educational sciences 2020//https://cyberleninka.ru/article/n/korruptsiya-va-u-bilan-bo-li-zhinoyatlarning-inson-va-zhamiyat-ayotiga-ta-didlari; Ширинов Дж. 2022. Роль парламента в противодействии коррупции. Uzbekistan Anti-Corruption Digest. 2, 1 (март 2022), 17–21. DOI: https://doi.org/10.47689/uacd-2181-3345--vol2-iss1-pp16-19; Хабриева Т.А., Федорова А.В. Антикоррупционные стандарты Организации экономического сотрудничества и развития в Европе // монография, 2015 г. –С. 74. URL: https://znanium.com.; Нисневич Ю. А. Политика и коррупция: коррупция как фактор мирового политического процесса: монография / Ю. А. Нисневич. — Москва : Издательство Юрайт, 2022 г. С. 240 ва бошқалар.

3 Transparency International - Recommendations on asset and interest declarations for ogp action plans.Authors: Lucas Amin and José María Marín p 3. // [электрон манба] URL:https://www.opengovpartnership.org/wp-content/uploads/2020/07/Recommendations-on-Asset-andInterest-Declaration-for-OGP-Action-Plans.pdf; U4 The efficacy of undercover integrity testing in preventing corruption /Helpdesk Answer 2023: 29// https://www.u4.no/publications/the-efficacy-of-undercover-integrity-testing-in-preventing-corruption.pdf; Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 // URL: http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles.pdf.; Basel Committee publishes guidance on compliance risk and the compliance function in banks// URL: https://content. next. west law.com/7-200-6935?_lrTS=20210208211151261 &transitionType =Default &context Data= %28sc.Default%29

дий зарар етказилганлиги аниқланиб, 272 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Мол-мулкни талон-торож қилиш жиноятини содир қилган шахсларнинг 90 нафари туман (шаҳар) маркази раҳбари, 56 нафари ҳисобчи, 45 нафари мутахассис, 8 нафари марказ раҳбари ўринбосари ва 2 нафардан ҳудудий бошқарма бошлиқлари, туман касб-ҳунарга ўқитиш маркази раҳбари ҳамда 69 нафари бошқа лавозимда фаолият олиб боришади, уларнинг 18 нафарини муқаддам коррупциявий жиноятлар учун судланган шахслар ташкил этиши ачинарли ҳолатдир.

Шу боис тизимда кадрларни танлаш, уларнинг юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириш лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, бюджет ташкилотларида маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг юритилиши учун комплекс автоматлаштирилган дастур мажмуаси жорий этилган.

Бироқ айрим мансабдор шахслар мазкур дастурий мажмуадаги техник камчиликлардан ўз жиноий мақсадлари йўлида фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатларини содир этмоқда.

**Учинчидан,** тизимда порахўрлик ва фирибгарлик жиноятларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг етарли самарасини бермаган.

Хусусан, мазкур даврда 44 нафар ходим пора олгани, 32 нафари пора беришга далолат қилган ҳолда фирибгарлик қилгани, 15 нафари фирибгарлик ва 10 нафари пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, уларнинг 51 нафари мутахассис, 15 нафари туман (шаҳар) маркази раҳбари, 2 нафари ҳудудий бандлик бошқармалари бошлиқлари, 1 нафари вазирлик ходими, 1 нафари марказ раҳбари ўринбосари, 26 нафари бошқа лавозимларда фаолият олиб борувчилардир.

**Тўртинчидан,** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг асосий вазифаларидан бири фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳисобланади.

Бироқ ушбу жараён етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги сабабли айрим “уддабурон” шахслар фуқароларни алдаб, хорижга ишга юборишни ваъда қилган ҳолда пул маблағларини эгаллашни даромад олиш манбаига айлантирган.

Хусусан, охирги беш йилликда 358 нафар шахс фуқароларни хорижга ишга юбориш эвазига 1 млн 623 минг АҚШ доллари ва 73 млрд сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан эгаллаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Жавобгарликка тортилган шахсларни ишга юбориш ваъда қилинган хорижий давлатлар кесимида таҳлил қилинганида 210 нафари Корея Республикасига, 19 нафардан Япония ва Польшага, 12 нафари Германияга, 10 нафари АҚШга, 6 нафари Россияга, 4 нафардан Чехия ва Канадага, 3 нафардан Латвия ва Литвага, 2 нафардан Швеция ва Туркияга, 1 нафардан Испания, Исроил, Австрия, Венгрия, Англия, Белгия, Эстония, Норвегия ва Финландия давлатлари учун тўғри келган.

Шунингдек, мазкур жараёнга Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги ходимлар ҳам аралашиб, фуқароларни алдаб, уларнинг ишончини суиистеъмол қилган ҳолда фирибгарлик жиноятига қўл урганлиги аянчли ҳолдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг мақсад ва кўринишларидан келиб чиқиб уларни қуйидаги тоифаларга таснифлаш мумкин.

Меҳнат органлари ва муассасалари тизимида ходимлар томонидан содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар:

вазирликка ишга қабул қилиш ва меҳнат муносабатлари жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

тизимда раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

кадрларни лавозимга тайинлаш, уларни ишдан бўшатиш, молиявий рағбатлантиришда коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

раҳбарлар томонидан қўл остидаги ходимлардан коррупциявий ҳолатлар учун ноқонуний тарзда пул маблағлари йиғилиши;

меҳнат муассасалари ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш (ҳудудида овқатланиш масканлари, канцелярия ва компьютер хизматлари, нашриёт, қўшимча маблағ келтирувчи фаолият юзасидан ижара пулларини) ва бошқалар.

**Бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш борасида маблағларни сарфлаш жараёнидаги талон-торожликлар:**

меҳнат муассасаларини таъмирлаш ва янги бинолар қурилиши учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш, таъмирлаш учун зарур бўлган маҳсулотларнинг тендер ҳужжатларини сохталаштириш, “ўзига қарашли” фирмалар томонидан тендер ютиб олинишини таъминлаш, қурилиш материаллари учун ажратилган маблағларни “таниш” корхоналарга пул кўчириш йўли билан (нархлари оширилган ҳолда) сотиб олиш ва ўртадаги фарқни ҳақ сифатида олиш;

меҳнат муассасалари моддий-техник базасини янгилаш мақсадида сотиб олинаётган маҳсулот-

ларни раҳбариятнинг яқинлари ва қариндошлари томонидан асос солинган корхоналардан бир неча баробар қиммат нархларда харид қилиш, техник хизмат кўрсатишга белгиланганидан кўпроқ миқдорда маблағ ажратиш ва бошқалар.

**Меҳнат органлари ва муассасалари ходимлари томонидан моддий ва номоддий наф кўришда содир этиладиган коррупциявий жиноятлар:**

фирибгарлик ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этиш;

фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш жараёнида суиистеъмолликлар қилиш;

давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан текширишларда енгиллик қилиш мақсадида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

жамоат ишларига жалб қилинмаган ишсиз фуқароларга тўланиши лозим бўлган бюджет маблағларини талон-торож қилиш;

хусусий меҳнат агентликларини аккредитация қилишда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва бошқалар.

**Меҳнат органлари ва муассасалари ходимлари томонидан моддий ва номоддий наф кўриш мақсадида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар:**

кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар тайинланишида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзоларини ишга жойлаштириш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

иш қидираётган шахсларга ишга жойлаштиришга доир йўлланма ва ишга жойлашишга мурожаатнома беришда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

кам таъминланган фуқароларга кредит ажратиб беришда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ва бошқалар.

**Меҳнат органлари ва муассасалари ходимлари томонидан аҳоли ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарликлар:**

аутстаффинг хизматларини кўрсатиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

ишсизлик нафақасини тайинлашда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

кам таъминланган оилаларга ажратиладиган субсидия маблағларини ўзлаштириш;

касб-ҳунарга ўқитиш марказларига ўқишга қабул қилишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар бандлигини таъминлашда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ва бошқалар.

Мазкур соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бошқа соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан ижтимоий муносабатлар объекти, муносабат субъектлари, ҳуқуқбузарлик мотиви ва мақсадига қараб фарқ қилади ҳамда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлашга ўта салбий таъсир кўрсатади ҳамда аҳолининг турли қатламларида давлат ва унинг мансабдор шахсларига ишончсизлик кайфиятини кучайтиради, ижтимоий соҳада бошбошдоқлик, норозилик, табақалашув, турли хил суиистеъмолликлар даражаси кескин ошишига замин яратади.

Шунинг натижасида вазирлик тизимида бир қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Жумладан, аҳоли учун яратилган имкониятлар натижасида вазирликнинг марказий аппаратида коррупция фактларига оид 3 та, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига 7 та, Андижон вилояти бош бошқармасига 2 та, Жиззах вилояти бош бошқармасига 1 та, Қашқадарё вилояти бош бошқармасига 3 та, Сирдарё вилояти бош бошқармасига 1 та, жами 17 та мурожаат келиб тушган.

Вазирликнинг коррупция юзасидан мурожаатларни қабул қилиш бўйича ижтимоий тармоқлардаги саҳифаси (телеграмм бот) фаолияти йўлга қўйилган[4].

Аҳолидан 2023 йилда келиб тушган 186 та мурожаат белгиланган тартибда қабул қилиб ўрганилиб, 169 та мурожаат юзасидан тушунтириш берилган, 72 та хизмат ўрганиши ўтказилган, 32 та ҳолатда “ҳайфсан” ва бошқа интизомий жазо чораси кўрилган ҳамда 16 та ҳолатда эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, 3 та ҳолатда ходимни бошқа лавозимга ротация қилиш ишлари амалга оширилган. 7 та ҳолатда мурожаат унда кўтарилган масала юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳуқуқий баҳо бериш учун юборилган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан 2023 йил 5 апрелдаги Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс-назорат” бўлимининг 2023 йил учун мўлжалланган йиллик назорат тадбирлари, алоқа каналлари ва бошқа кўрсатмалар асосида 2023 йилда 28 та хизмат текшируви ҳамда 11 та мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказилди.

Мониторинг ва назорат тадбирлари натижасида коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб, шарт-шароитларини бартараф

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5843-сонли фармони

этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижроси ўз вақтида таъминланмаганлиги учун 12 та тизим ташкилотининг фаолияти қониқарсиз деб топилган ҳамда мазкур тизим ташкилотларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Ўтказилган хизмат текширувлари натижасида 2 та интизомий жарима жазоси, 20 та “ҳайфсан” ва бошқа интизомий жазо, 17 та меҳнат шартномасини бекор қилиш, 9 та ҳолатда ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқ-тартибот органларига хизмат текшируви хулосаси юборилган ҳамда 1 та ҳолатда жиноий иш қўзғатилган.

Бизнинг фикримизча, идоравий даражада коррупцияга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга масала – бу қабул қилинган коррупцияга қарши сиёсати самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) ҳисобланади[5].

Бу борада биз Х.Турсунбековнинг ҳудудий коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар мазмуни ва шаклига тегишли таклифига[6] қўшиламиз.

Меҳнат органларида коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишдан келиб чиқиб вазирлик даражасида қабул қилинган Коррупцияга қарши сиёсати самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) алоҳида бўлим сифатида тўлдирилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, меҳнат органларида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш умумий ва махсус усуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришнинг умумий усуллари тоифасига:

коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш[7];

коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш[8];

давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш[9];

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олиш, давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик[10];

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш[11];

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш[12];

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш[13];

коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш жараёнига жамоатчиликни кенг жалб қилиш ва аҳолининг барча қатламларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш;

5 Вазирликнинг Коррупцияга қарши сиёсати самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) диссертация иловасида берилган.

6 Турсунбеков Х. Коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқишда эътибор бериладиган айрим масалалар // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 / www.oriens.uz. 347-б.

7 Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қўшма қарори (рўйхат рақами 3383).

8 Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

9 Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон

10 Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2021 й., 03/21/684/0367-сон

11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 154-сонли фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси

12 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 240-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.05.2022 й., 07/22/240/0407-сон

13 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 5618-сонли фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон; 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини кучайтириш[14], норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишни[15] ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Меҳнат органларида коррупцияга қарши курашишнинг махсус усуллари тизимини такомиллаштириш борасида:**

меҳнат органларида ички назоратнинг самарали тизимини жорий этиш, унинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ваколатларини кенгайтириш;

тизимдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг коррупция ҳолати ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилишга асосланган самарали ишини ташкил этиш, уларнинг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланиш, мазкур соҳа техник таъминоти даражасини ошириш, уларнинг ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

меҳнат органларида фуқароларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактларига доир мурожаатлари тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

меҳнат органлари мансабдор шахсларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлари бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилишини таъминлаш;

меҳнат органлари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилишни тақиқлаш каби вазифалар муҳим ҳисобланади.

#

14 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги "Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 200-сонли фармони

15 Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 8 августдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги қонуни// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2023 й., 03/23/860/0571-сон

## «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

## На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.